O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI INV.№

Ватан ҳимояси — иймон рамзи

ВАТАНПАРВАР

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУДОФАА ВАЗИРЛИГИНИНГ МАРКАЗИЙ МАТБУОТ ОРГАНИ | ЦЕНТРАЛЬНЫЙ ПЕЧАТНЫЙ ОРГАН МИНИСТЕРСТВА ОБОРОНЫ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

2005 йил, **21** октябрь, жума № **73** (2117).
Газета 1992 йилнинг 24 июнидан чиқа бошлаган.

Пятница, **21** октября, **2005** год, № **73** (2117).
Газета издается с 24 июня 1992 года.

Сотувда эркин нархда | E-mail: vatan@rol.uz | В розницу – цена свободная

Биз замонавий, профессионал асосдаги армияни барпо этишда, авваламбор, миллати, тили ва динидан қатъи назар, шу юртнинг сувини ичиб, тузини татиган, шу заминда тарбия топган, вояга етган ватанпарвар фуқароларимизга таянамиз.

Ислом КАРИМОВ



Юрт тинчлиги, Ватан равнақи, халқ фаровонлиги

МИЛЛАТНИНГ ЎЛМАС РУҲИ

Миллий истиқлол ғоясининг асосий вазифаларидан бири маънавий салоҳиятимизни юксалтириш эканлигини яхши биламиз. Маънавиятимизни, маънавий қадриятларимизни бойитиш, шакллантириш, чуқурроқ англаш учун тилимизни яхши билишимиз лозимлиги исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат. Келинг, шу фикрни давом эттирган ҳолда ўзбек тилига давлат тили мақоми берилган ушбу кунда бу борада суҳбатлашсак.

Маърифатпарвар аллома Абдулла Авлонийда шундай бир гап бор: «Ҳар бир миллатнинг дунёда борлиғини кўрсатадурган ойинаи ҳаёти тил ва адабиётдадур. Миллий тилни йўқотмак миллатнинг руҳини йўқотмакдур».

Маълумки, ҳар йили 21 октябрни тил байрами сифатида нишонлаймиз. Ҳа, 1989 йилдан эътиборан ўзбек тилига давлат тили мақоми берилиб, бу борада қонун қабул қилинди.

(Давоми 4-бетда).

Биз ҳеч кимдан кам эмасмиз,
ҳеч кимдан кам бўлмаймиз ҳам!

МАМЛАКАТИМИЗ МУДОФАА САЛОҲИЯТИНИНГ БЕШ ТАЯНЧИ 3. ИЛМИЙ – ТЕХНИК ИМКОНИЯТ

Бугунги суҳбатимиз мамлакат мудофаа салоҳиятининг учинчи ташкил қилувчиси, яъни унинг илмий-техник имкониятлари ҳақида бўлади.

«Бугунги Ўзбекистон – фақат жуда бой табиий хомашё захиралари, чексиз бозор ва сармоя сарфланадиган соҳагина эмас, – деб ёзган эди мамлакатимиз Президенти, Қуролли Кучлар Олий Бош қўмондони И.Каримов ўзининг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобида. – Айни чоғда мамлакатимиз ғоят улкан ақл-заковат, маънавий ва маданий имкониятларга эга. Буларнинг барчаси дунёда янги сиёсий ва иқтисодий тартиб фаол шаклланиб бораётган бир шароитда, юртимизнинг ноёб жўғрофий ўрни билан қўшилган ҳолда жуда катта жўғрофий–сиёсий ва жўғрофий–стратегик қизиқиш уйғотади».

(Давоми 4-бетда).

РЕСПУБЛИКА ЯНГИЛИКЛАРИ РЕСПУБЛИКА ЯНГИЛИКЛАРИ РЕСПУБЛИКА ЯНГИЛИКЛАРИ РЕСПУБЛИКА ЯНГИЛИКЛАРИ РЕСПУБЛИКА ЯНГИЛИКЛАРИ

РЕСПУБЛИКА ЯНГИЛИКЛАРИ

Республикамиз пахтакорлари пахта тайёрлаш бўйича шартномавий мажбуриятни муваффақиятли адо этиб, 3 миллион 600 минг тонналик улкан хирмон барпо этдилар. Шу муносабат билан Юртбошимиз Ислом Каримов Ўзбекистон пахтакорлари ва барча меҳнаткашларига табрик йўллади.

●

«Ўзбекистон» нашриёт-матбаа ижодий уйи Президент Ислом Каримовнинг «Банк-тизими, пул муомаласи, кредит, инвестиция ва молиявий барқарорлик тўғрисида» деб номланган китобини нашрдан чиқарди.

●

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитасининг кенгайтирилган йиғилишида тегишли вазирлик, қўмита ва идоралар раҳбарлари ҳамда оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирок этишди. Қўмита раиси А.Аҳадов бошқарган тадбирда Ўзбекистон Республикасининг 2006 йилги Давлат бюджети лойиҳаси ва Давлат бюджетининг 2005 йилда кутилаётган ижроси тўғрисидаги масала муҳокама этилди. Кун тартибидаги масала юзасидан молия вазири С.Раҳимовнинг ҳисоботи тингланди.

(Матбуот материаллари асосида).

Кузги чақирув–2005

САФДА НАМАНГАН НОРЛАРИ

Ватан, она юрт ҳимояси қадим-қадимдан йигитларга – юрт ўғлонларига ишониб топширилган. Халқимиз орасидаги «Ўғил туғилганда етти қават ер остидаги тошлар ҳам қувонади», деган нақл бежиз эмас. Чунки шу заминнинг заррасига қадар авайлагувчи, асрагувчи аввало ўғлонларимиздир. Юртда тинчлик, осойишталик мавжудки, ширин ҳаёт – ривожланиш, фаровонлик, ҳар қадамда тўю томошалар мавжуд. Миллий армиямиз эса ушбу барқарорликнинг, ўзбек номини дунёларга бўйлатгувчи истиқлолимизнинг метин қалқонидир. Унинг сафига муносиб бўлиш бугунги кунда осон эмас. Биз чақирилувчиларни муддатли хизматга саралаш танловларини кузатганда буни янада яққол ҳис қиламиз. Қуролли Кучларимиз сафига муносиб топилган бўлажак юрт посбонлари эса катта тантаналар билан хизматга кузатилмоқда. Буларнинг барчаси миллий армиямизда амалга оширилаётган ислоҳотлар мевасидир.

Биз яқинда Наманган вилояти мудофаа ишлари бошқармасида бўлиб, кузатув жараёнида иштирок этдик. Таъкидлаш жоизки, бундай тадбирлар йилдан-йилга мукаммаллашиб, байрамона тус олиб бормоқда. Ушбу вилоятда эса, янада ўзгача кузатув тадбирларига гувоҳ бўлдик. Келинг, ушбу жараёнлар ҳақида қисқача тўхталиб ўтайлик.

Бошқарманинг тадбирлар ўтказувчи катта майдони хизматга отланган Наманган норларию уларнинг ота-оналари, яқинлари билан гавжум бўлди. Кузатув тантанасининг очилиш маросимидан сўнг дастлаб юртимиз мадҳияси янгради. Қўлини кўксига қўйиб ғоз турган ўғлонларга эътибор бераман. Уларнинг кўзларида чақнаб турган шижоат Ватан олдидаги бурчига содиқ эканлигини белгилаб турибди, гўё.

Мадҳиядан кейин майдонда бир гуруҳ посбоннинг кўргазмали чиқишлари бошланди. Ҳарбий санъат намуналарини юксак маҳорат билан бажарган шоввозлар бўлажак посбонлар кўксига жасорат оловини ёқишган бўлса, кузатувчилар, яъни халқимиз кўз олдида миллий армиямиз ўғлонларининг ҳарбий санъатдаги юксак салоҳиятини кўрсатиб бера олишди. Ўзига хос ҳаяжонли дақиқалардан сўнг, кузатув тантанасининг юракка яқин дил изҳорлари бошланди. Давлат ва жамоат ташкилоти вакиллари, ота-оналар, уруш ва меҳнат фахрийлари ўз эзгу тилаклари билан ўғлонларга оқ йўл тилашди. Дастлаб сўз олган Наманган вилояти мудофаа ишлари бошқармаси бошлиғи подполковник Баҳром Жуманиязов бўлажак Ватан посбонларининг олдида турган юксак бурчлари ҳақида тўхталиб, қуйидагиларни таъкидлаб ўтди;

– ... Ҳарбий хизматни доимо мардлик ва ватанпарварлик мактаби – Ватанга садоқат билан хизмат қилиш мактаби, деб атаганлар. Ҳар бир аскарнинг ўқув ва хизматдаги, ўз мажбуриятларини бажаришдаги тиришқоқлиги бутун армиямизнинг жанговар қудратини оширади.

(Давоми 2-бетда).

ҲУРМАТЛИ МУШТАРИЙЛАР! «ВАТАНПАРВАР»ДА КАМАЛАК РАНГГИ МУЖАССАМ!

Республика янгиликлари, дунё воқеалари, Қуролли Кучлар соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар, тарих, оила, фан-техника, адабиёт, саънат, кино, театр, ёшлар тарбиясига оид долзарб масалалар, маърифат-маънавият оламидаги янгиликлар, турли хил кашфиётлардан ҳар томонлама хабардор бўлай десангиз, 2006 йил учун «Ватанпарвар»га обуна бўлинг!

Газетадаги ранглар жилоси кўзингизни қувонтириб, қизиқарли мақолалар маънавий эҳтиёжингизни қондиради.

Нашр кўрсатгичи – 114.
Обуна чекланмаган.

Муштарийларимизга

ЮРАКДА УЙҒОНГАН КУЧ

Ватанпарварликнинг шакл-шамойили, ўлчами ёки ягона бир формуласи бўлмайди. Мабодо шундай бўлган тақдирда ҳам буларнинг бари юракда, қалбда акс этган бўларди.

Бугун зафар марраларини қучиб, юртимиз иқтисодиёти юксалишига беҳисоб улуш қўшган пахтакор-бободеҳқон – ватанпарвар. Президент стипендияси соҳибига айланиб, илм-фан чўққиларини забт этиш билан Ўзбекистонининг буюк истиқболига хизмат қилиш учун жавлон ураётган талаба ёшларимиз – ватанпарвар. Қўрик-танловдан ўтиб, кўкси тўла фахр, ғурур билан юрт ҳимоясига отланган алп ўғлонлар, уларни «ой бориб, омон келинглар» дея дуо қилиб турган отахону онахонлар – ватанпарвар. Хуллас, она диёри – Ўзбекистоннинг бугуни, келажаги йўлида қалби доимо уйғоқ инсон борки, бари-бари юртпарвар.

Шу кунларда йигитлик мактаби бўлган армияда умрига татигулик сабоқлар олиб, ҳар томонлама чиниқиб, резервга бўшаётган – ёруғ юз билан уйига қайтаётган ўғлонларга боқинг. Нигоҳларида, қалбида Ватан суратини кўрасиз. Вужудида она юрти Ўзбекистоннинг буюк келажаги йўлида ёниб яшашга, жавлон уришга ундаётган кучни сезасиз. Муддатли ҳарбий хизмати давомида уларнинг Ватан, ватанпарварлик тушунчаларини янада теран англаши вужудидаги кучни алангалатди.

Маълумки, муддатли ҳарбий хизматдан резервга бўшатиладиган ўғлонларимизнинг бандлиги, иш билан таъминланиши масаласига давлатимиз улкан эътибор қаратиб келмоқда. Жумладан, Президентимизнинг жорий йил 2 сентябрдаги «Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни хизматдан бўшатиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучларига навбатдаги чақирув тўғрисида» ги Қарорида ҳам бунга устувор аҳамият берилган. Резервга бўшаётганлар орасида Тавсиянома соҳибларига айланишган йигитлар ҳам борки, улар мазкур имтиёз билан олий билим даргоҳларига ўқишга кириб, Ватан тараққиётига хизмат қилишади.

Хуллас, ислоҳотларнинг бугунги изчил жараёнига назар ташлар экансиз, унинг юрт ишига камарбаста фидойиларни, асл ватанпарварларни тарбиялаётганига амин бўласиз.

ТАҲРИРИЯТ

К нашим читателям

ПРОБУДИВШАЯСЯ В СЕРДЦЕ СИЛА

Не бывает единого измерения или единой формулы патриотизма. Даже если бы и было, то в первую очередь это зафиксировалось бы в сердце человека.

Сегодня наши хлопкоробы, внесшие неизмеримый вклад в укрепление экономики нашей Родины, – патриоты. И наша студенческая молодежь, удостоенная стипендий Президента за успехи в покорении вершин знаний, – патриоты. Как и наши парни, которые прошли сквозь жесткий отбор, став лучшими из лучших, с гордостью в сердцах отправляются на службу Отчизне.

Взгляните на ребят, которые в эти дни готовятся уволиться в резерв после того, как достойно отслужили, прошли в армии школу возмужания, окрепли душой и телом. Во время срочной военной службы эти люди еще лучше осознали чувство патриотизма, поэтому любовь к Родине вспыхнула в их сердцах с новой силой.

Как известно, наше государство проявляет большое внимание к вопросам трудоустройства увольняемых в резерв после срочной военной службы молодых людей. В частности, и в Постановлении Президента от 2 сентября сего года «Об увольнении граждан, выслуживших срок срочной военной службы, и об очередном призыве в ряды Вооруженных Сил Республики Узбекистан» этому уделено самое пристальное внимание. Следует отметить, что среди увольняемых в резерв юношей есть немало тех, кто за успехи в боевой и общественно-политической подготовке удостоился Рекомендаций для поступления в вузы. А значит, использование ими этой льготы станет порукой тому, что они после учебы в высших учебных заведениях внесут свой вклад в развитие Родины.

Словом, достаточно бросить взгляд на последовательно проводимые в стране реформы, чтобы убедиться воочию – истинные патриоты, воспитанные в духе любви к Родине, проявляют самоотверженность, каждый на своем месте.

РЕДАКЦИОННАЯ КОЛЛЕГИЯ

2 ДОЛЗАРБ МАВЗУ
ҚАЛБЛАРИДА ЁНИҚ ТУЙҒУЛАР


4 ЗАБОНИМСАН, БУЛБУЛ КУЙИН ШЕЪРГА СОЛГАН
ТИЛИМИЗ – ЎЗЛИГИМИЗ

7 ОИЛА – ТАРБИЯ ЎЧОҒИ
САДОҚАТ СОҲИБАСИ

12 КЎНГИЛГА ТАШРИФ
ЭЪТИҚОД БИЛАН ХИЗМАТ ҚИЛИШ КЕРАК

ЎҒЛИМ ЙИГИТ ЁШИДА

– Бугун жуда ҳаяжондаман, – дейди Замира Сирожиддинова. – Ҳаяжоним боисини шу ерда йиғилиб турган оналар яхши англаб турибдилар. Ўғлимнинг бўйлари бўйим билан тенглашиб, йигит ёшига етди. У Ватан ҳимоясига отланяпти. Албатта, ёлғиз эмас. Ўғилларим, дунёда фарзанди билан фахрланмайдиган аёл йўқ. Ватан олдидаги юксак бурчингизни шараф билан ўташингиз биз оналар мақомини янада улуғлаш ҳисобланади. Юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо, қалбларимиз сиз туфайли ҳамиша ифтихорга тўлсин. Азиз ўғилларим, берган оқ сутимизни, тарбиямизни оқлайдиган, ўзингизни кўрсатадиган фурсат келди. Ватан деган муборак сўзни она сути билан қалбингизга сингдирдик. Сиз буюклари ҳисобсиз улуғ ва қадим миллатга мансуб халқнинг фарзандларисиз. Томирингизда номусли, мард, танти паҳлавонлар қони бор. Мен барча оналар номидан ишончла айта оламан: она юрт олдидаги йигитлик, фарзандлик бурчингизни шараф билан, ёруғ юз билан ўтай оласиз. Кўпчилигингиздан ҳали болаликнинг беғубор аломатлари кетиб улгурмаган. Аммо бир нарсадан кўнглимиз хотиржам. Бугун хонадонларини янада файзга тўлдириб, барчанинг ҳавасини келтириб, ҳарбий хизматдан қайтаётган ўктам ўғлонлар, мардонавор қиёфали акаларингиз ҳам худди сиз каби эдилар. Улуғ мақсад олдида турган ёш алплар, барчангизга оқ йўл бўлсин!

Бу сўзлар Андижон вилояти Мудофаа ишлари бошқармаси йиғув пунктидаги тантанали маросимда жаранглади. Йигитларни катта тантаналар билан кузатиш бугунга келиб эзгу анъанага айланиб қолди. Бу ҳақда яна бир чақирилувчининг онаси Машрабхон Баҳромова шундай дейди:

– Бу кунни узоқ йиллар эслаб юрсам керак. Фарзандларимизга кўрсатилаётган бу қадар катта ғамхўрликдан, эътибордан мамнунмиз. Ўғлим оиламиз шаънига доғ туширмай, фарзандлик бурчини ёруғ юз билан ўташига ишонаман. Мен унга оқ сутимга қўшиб меҳр-муҳаббатни, фидойиликни, ҳалоллик ва ориятни сингдирганман.

Қуролли Кучларимиз сафини муносиб ёшлар билан тўлдиришда Андижон вилояти Мудофаа ишлари бошқармасининг ҳам салмоқли ҳиссаси бор. Бу ерда синчковлик билан амалга оширилган танлов адолат тамойилларига асосланди. Вилоятнинг Асака (подполковник Зокиржон Азизов), Булоқбоши (подполковник Икром Тўйчиев), Олтинкўл (подполковник Жўрабек Насриддинов), Шаҳрихон (подполковник Муҳаммаджон Қўчқоров) туманлари мудофаа ишлари бўлимлари кузги чақирувни юксак савияда ташкиллаштирдилар ва амалга оширдилар.

– Чақирувни талаб даражасида ташкил этишда маҳаллий ҳокимият органлари ва жамоат ташкилотлари билан кенг ҳамкорлик асосида фаолият олиб боряпмиз, – дейди мудофаа ишлар бошқармаси чақирув бўлимининг бошлиғи майор Ўктамжон Худойберганов. – Ҳарбий хизмат нуфузининг ошиб бораётганлиги ёшларимизда бу касбга нисбатан катта қизиқиш уйғотган. Аксарият йигитлар ҳарбий хизматга ўзларини яроқли топишлари учун баъзи аниқланиши мушкул бўлган ички касалликларини яширишга ҳаракат қиладилар. Мен йигит сифатида уларни тушунишга ҳаракат қиламан. Аммо орзу билан ҳақиқий воқеликнинг фарқи борлигини улар ҳам тушунишларини истайман. Бугунги профессионал асосда шаклланаётган миллий армиямиз ҳар томонлама соғлом, баркамол ўғлонларга таянади.

Кузги чақирув бутун мамлакатимиз аҳолисининг диққат-марказида турибди, десак муболаға бўлмайди. Чақирувга тайёргарлик ишлари, унинг бориши, чақирилувчилар ва уларнинг ота-оналари билан турли суҳбатлар вилоят оммавий ахборот воситаларида ёритилмоқда. «Андижоннома», «Андижанская правда» газеталарида мудофаа ишлари бошқармасининг етакчи офицерлари бугунги Қуролли Кучларимиз мавқеи, унда амалга оширилаётган ислоҳотлар, ислоҳотларда мудофаа ишлари бошқарма ва бўлимларининг тутган ўрни ҳақида мунтазам чиқишлар уюштирдилар.

Ҳарбий хизматнинг ўзига яраша машаққат ва қийинчиликлари мавжуд. Ана шундай ҳолатларда оила муҳити инсонга таърифлаб бўлмас илиқ ҳарорат, руҳий куч-қувват бағишлайди. Хизматдаги аскар уни қаердан олади? Бунинг ҳам осон ва чиройли йўли топилди. Энди ҳар бир аскарнинг тумбочкаси устида оила аъзоларининг расми туради. Бу расм узоқда қолган ҳовли, ота-она, опа-укаларни нафақат эслатиб туради, балки қийинчиликларни енгиб ўтишга, яхшиликларга ундаб, меҳр-муҳаббатга тўла куч бағишлаб туради.

Чақирилувчилар ҳам ўз навбатида бундай эътибордан мамнун эканликларини изҳор қилдилар. Тантанали кузатиш маросимида сўзга чиққан чақирилувчилар барча тенгдошлари номидан она Ватан олдидаги йигитлик, фарзандлик бурчларини шараф билан ўташларини билдирдилар. Биз ҳам андижонлик йигитларга ўз бурчларини ёруғ юз билан ўтаб қайтишларига тилакдошмиз!

Инобат ИБРОҲИМОВА,
«Ватанпарвар» мухбири.

САФДА НАМАНГАН НОРЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ҳурматли Президентимиз аскарларга оталарча «Эй ўғлон, сенинг Ватанинг ягона, барчамизга азиз ва бетакрордир. Мана шу юртнинг ота-боболари хоки шу заминда ётибди. Бу муқаддас замин сени вояга етказди. Сен уни обод этишинг ва барча хавфлардан ҳимоя қилишинг шарт», деган эди.

Вилоятимизнинг ўзига хос урф-одатлари, меҳмондорчилигимиз, меҳнатга бўлган муносабатимиз бизни бошқалардан ажратиб туради. Ишонаманки, сиз наманганлик чақирилувчи бўлиб эмас, бизнинг ота-боболаримиз номидан, қолаверса, икки миллиондан ортиқ аҳоли номидан вакил бўлиб кетяпсизлар. Буни унутмай юртимиз обрўсининг янада юксалишида ўз ҳиссаларингизни қўшасизлар деб умид қиламиз...

Чақирилувчилар номидан сўзга чиққан Баҳодир Жалолов Наманган муҳандислик иқтисодиёт институтини тугатган, спортнинг каратэ йўналиши бўйича қора белбоғ соҳиби бўлиб, уч карра Ўзбекистон чемпиони, бир қатор халқаро турнирлар ғолиби экан.

– Мана, мен ҳозир ўзим ва дўстларим номидан буюк бобокалонларимиз Амир Темур, Бобур, Жалолиддинларга муносиб ворис бўлишга ваъда бердим, – дейди Баҳодир қатъиятлик билан. – Нафақат хизмат чоғида, балки умр бўйи Ватан учун бор кучимни, бор қувватимни, жонимни фидо қилишга тайёрман. Чунки бизнинг қай даражада камолотга эришишимиз аввало Ватан равнақи, юрт тақдири билан боғлиқ. Шу азиз элимизга посбонлик қилиш менга насиб этган экан, албатта, бу ишончни оқлайман ва бундан бахтиёрман.

Бўлажак аскарларни кузатиш маросимидаги тантанали митинг сўнгида сўз олган саксон икки ёшлик отахон, уруш ва меҳнат фахрийси Низомхонхўжа Сатторов ўғлонларга юракка яқин тилаклар билдириб, оқ йўл тилади.

Байрамона тадбир ўзбекона бир пиёла чойга уланди. Йигитлар санъаткорларнинг сеҳрли оҳанглари оғушида палов танаввул қилишди. Сўнгра уларга Республика «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши, вилоят «Нуроний» жамғармаси, вилоят «Хотин-қизлар» қўмитаси томонидан совғалар тарқатилди. Мана шундай эътибор ва меҳрли кузатув жараёнида эгниларида бир хил либос, қалбларини бирдек ҳаяжон эгаллаган ўғлонлар ҳарбий хизматга равона бўлишди.

Албатта, бу кузатув жараёнининг ҳар бир қиррасида Наманган вилояти мудофаа ишлари бошқармаси хизматчиларининг фидойи хизмати мужассам. Наманганлик чақирилувчи йигитлар одилона танлов асосида сафга туриб, юксак эътибор ва ишонч билан хизматга отланаётган эканлар, улар албатта, фидойи посбонлар бўладилар. Биз ҳам Наманган норларига «Оқ йўл» деймиз юракдан.

Зулфия ЮНУСОВА,
«Ватанпарвар» мухбири.

Комолиддин ТЎРАЕВ олган сурат.

Долзарб мавзу

ҚАЛБЛАРИДА ЁНИҚ ТУЙҒУЛАР

Резервга бўшаётган аскар Вазирлар Маҳкамаси Қарори билан тасдиқланган Низом асосида тантана билан уйига кузатиб қўйилишини яхши биласиз. Шундай бўлса-да, даставвал унинг моҳиятига бироз тўхталсак. Таъкидлаш жоизки, «Фуқароларни муддатли ҳарбий хизматга йиғиш ва жўнатиш, уларни ҳарбий қисмларда қабул қилиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Қуролли Кучлари резервига бўшатилган ҳарбий хизматчиларни яшаш жойларига қайтариш тартиби тўғрисида»ги Низомнинг учта катта бўлими резервга бўшатиладиган ҳарбий хизматчиларга бағишланган.

Масалан, Низомнинг тўртинчи бўлими резервга бўшатилган ҳарбий хизматчиларни жўнатиш тартибини қамраб олган. Унга мувофиқ жойларда ҳарбий қисмлар командирлари давлат ва жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликда тантанали хайрлашув тадбирларини ўтказишади. Унда жумладан митинг, резервга бўшатилаётган ҳарбий хизматчиларга ёрдам пули, жанговар ва ижтимоий-сиёсий тайёргарликлар аълочиларига Тавсияномалар бериш, байрамона дастурхон ва эсдалик учун суратга тушишлар кўзда тутилган. Бундайин тантаналарда иштирок этиб, шунга амин бўлганмизки, у резервга бўшаётган аскарнинг бир умрга хотирасида сақланади. Низомнинг бешинчи бўлими эса резервга бўшатилганларнинг жойларда тантанали кутиб олинишини кўзда тутади. Давлат, жамоат ташкилотлари вакиллари, ота-оналар, бадиий жамоалар муддатли ҳарбий хизматини ёруғ юз билан ўтаб қайтган ўғлонни ана шундай қучоқ очиб қаршилайди, қутлайди. Баҳорги чақирувда бундай тадбирлар гувоҳи бўлганман. Шунда армия ва халқ якдиллигининг шаклланиб бораётганини янада теран ҳис қилдим. Туғилиб-ўсган жойига қайтган йигит бундай илиқ қаршиланиш замирида юртига, халқига сидқидилдан хизмат қилганлар доимо эътиборда, эъзозда эканлигини юракдан англайди. Ватанига янада садоқат билан хизмат қилишга, унинг нурли истиқболи йўлида ёниб яшашга ҳаракат қилади. Ниҳоят, Низомнинг олтинчи бўлимида муддатли ҳарбий хизматни ўтаб қайтган фуқароларни иш билан таъминлаш масаласи кўзда тутилиб, унда маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги олдига тегишли вазифалар, мажбуриятлар қўйилган. Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Давлат тест маркази, тегишли вазирлик ва идораларга эса муддатли ҳарбий хизматни ўтаган фуқароларни олий таълим муассасаларига ўқишга киришга сифатли тайёрлашдек вазифалар юкланган.

Ҳа, кўриб турганингиздек, резервга бўшаган аскар улкан ҳаёт уммонига ўз ҳолича ташлаб қўйилмайди. Аввало улар мамлакатимизнинг энг фаол ва тайёрланган , ҳаётий тажрибага эга бўлган кадрлар захираси ҳисобланиб, устунлик ҳуқуқларидан фойдаланишади. Давлат уларнинг ижтимоий ҳимоясига эътибор қаратади. Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазири берган маълумотга кўра, ҳарбий ҳайдовчилар, сапёрлар, десантчилар, ҳарбий қурувчилар ва таъминот хизмати мутахассислари ва бошқа ҳарбий ихтисосликлардагилар халқ хўжалигида беқиёс баҳоланаётган экан. Мазкур вазирликдан олинган маълумотга биноан резервга бўшаётган ҳарбий хизматчиларнинг учдан икки қисми ҳатто, кичик ва ўрта бизнес соҳасида жавлон уриб, тадбиркорларга, фермер хўжаликлари соҳибларига айланишаётган экан. Бу нимадан далолат? Айтиш лозимки, бу ўша йигитнинг муддатли ҳарбий хизмати давомида одамлар билан муомала қилишни, дунёқараши кенгайиб, ҳаётнинг пасту баландини ўргангани билан боғлиқдир. Сирасини айтганда ҳам шундай. Армия йигитда интизомлиликни, қатъиятни, аниқликни тарбиялайди, армия йигитда маънавий-ахлоқий сифатларни шакллантиради. Бундайин сифатлар билан истаса тадбиркор бўлиши, ҳоҳласа давлат, жамоат ташкилотларида бемалол ишлаши мумкин-да.

Ҳадемай оддий аскар Мурод Мадалиев резервга бўшайди. Армия мактабидан бисёр сабоқлар олди, у. «Ҳарбий хизмат мени ҳар томонлама тобладi. Кераксиз одатларимдан халос бўлдим. Энди менда қатъият бор, шижоат бор. Ҳар бир ишни ўз вақтида қилиш масъулияти бор. Бундайин сифатлар билан ҳаётдан ўз ўрнимни бемалол топа оламан», – дейди посбон.

Оддий аскар Баҳодир Тўғонов тавсиянома билан тақдирланадиганлар сафида. «Армиягача ҳам олий ўқув юртида ўқиш орзуим бор эди. Бироқ бирон касбни, соҳани танлашга қатъият йўқ эди. Мақсадим беқарор эди, десам тўғрироқ бўлар. Мана, ҳарбий ҳаёт мени қатъийликка, аниқ ва ишончли қарорлар қабул қилишга ўргатди. Иродам тобланди», дейди Баҳодир.

Яна бир чегарачи аскарни биламан. У хизмат қилаётган бўлинмага борганимда командири «бизнинг фахримиз» дея аскарнинг девордаги суратига ишора қилди. Аскар чегара бузғунчини бартараф этиб, юртимиз сарҳадларини муносиб ҳимоя қилгани учун, матонат кўрсатгани учун «Жасорат» медали билан тақдирланган. Мана, бугун ўша аскар – Санжар Мирзаев биринчилар қаторида резервга бўшаяпти. Ҳарбий хизмат унинг орзуларига эш бўлди. Ҳарбий соҳадаги тоғаларига ҳавас қилиб, муддатли ҳарбий хизматга борганди. Энди унинг ўзи офицер бўлиш сари қадам ташлаяпти.

Резервга бўшаётган ёки бўшаш арафасидаги посбонларимизнинг ҳар бири ҳақида нимадир дейиш мумкин. Уларнинг Ватани – Ўзбекистони ҳимояси, тинчлиги, осойишталиги йўлида баҳоли қудрат фарзандлик улушини қўшганини эътироф этиш мумкин. Энг муҳими улар хизматга юртим, Ватаним, халқим деб ёниб боришган. Хизматдан резервга ҳам ана шу ёниқ туйғу билан қайтишмоқда. Ислоҳотларимиз самараси, меваси ҳам ана шунда эмасми!

Майор Алижон САФАРОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.
Комолиддин ТЎРАЕВ олган сурат.

Призыв: осень-2005

БОБУРБЕК И ЕГО СОБАКА

...В номере нашей газеты от 14 октября на первой полосе был напечатан снимок, где один из призывников запечатлен вместе с собакой. Снимок вызвал большой интерес у читателей, особенно у призывной молодежи. Мы связались с рядовым Бобурбеком Отамирзаевым, который в настоящее время успешно начал службу в одном из учебных подразделений Пограничных войск, и попросили рассказать о солдатском становлении его самого и преданного четвероногого друга.

– Да, действительно, на снимке объектив запечатлел меня и мою собаку по кличке Альфа во время праздничных мероприятий, посвященных отправке очередных команд призывников на срочную службу в Пограничные войска. Проводы проходили на столичном сборном пункте Управления по делам обороны города Ташкента и запомнились мне как большое и радостное событие.

Не буду скрывать, при изучении моего личного дела и проведении индивидуальных бесед наличие служебной собаки сыграло немаловажную роль для определения меня на службу по защите Государственной границы. Сам я очень обрадовался, когда мое предложение «призвать» вместе со мной и моего верного четвероногого друга было рассмотрено положительно. Альфа – немецкая овчарка, не раз участвовала в различных мероприятиях и выставках. Она имеет прекрасные служебные и бойцовские качества, вынослива и неприхотлива, отлично поддается дрессировке. Хорошо развитое обоняние и, конечно же, беспрецедентная преданность делают ее незаменимым помощником. Во многих армиях мира используют именно эту породу собак.

В настоящее время у меня и моих сослуживцев проходит адаптация к армейской службе. Как и все, я учусь подчиняться строгому армейскому распорядку дня, изучаю основы военного дела и пограничной службы, чтобы быть готовым с первых дней нести нелегкую, но интересную службу на пограничной заставе. Военные кинологи части высоко оценили степень подготовленности Альфы к военной службе. Судя по настроению Альфы, ее радушно приняли в четвероногий личный состав опытных овчарок-пограничников. Сегодня она учится четко выполнять различные команды, и по целому ряду критериев видно, что она будет одной из лучших собак в нашем гарнизоне.

Условия службы и быта в пограничной части отличные. Мой совет всем призывникам – членам клубов любителей собак: ходатайствуйте за своих четвероногих друзей – с ними и служба веселей! А снимок в газете «Ватанпарвар» я вырежу и сохраню: он украсит первую страничку моего армейского альбома...

Итак, армейская служба у привлекшего всеобщее внимание призывника с собакой началась успешно. По отзывам командиров, Бобурбек и его Альфа старательно осваивают азы пограничной службы. Так что есть уверенность, что они отлично будут выполнять боевые задачи по защите Государственной границы, а значит, читатели еще не раз прочитают на страницах газеты об их совместной службе по защите суверенитета и неприкосновенности рубежей нашего государства.

Старший лейтенант
Хасан МИРЗАЕВ.
Фото Камолиддина ТУРАЕВА.

Итоговая проверка – экзамен года

РАССЛАБЛЯТЬСЯ НЕ НАМЕРЕНЫ

Итоговая проверка близится к завершению, и ее результаты предельно ясно дают понять, кто же на протяжении года трудился не покладая рук, а кто выдавал желаемое за действительное, и в чей адрес прозвучит немало упреков за допущенные промахи. В списке последних воинский коллектив, возглавляемый офицером И.Хидировым, явно значиться не будет, поскольку проверяющие уже сегодня единодушно сошлись во мнении: работа здесь проделана большая, и это позволило воинам зенитно-ракетных подразделений достичь высоких показателей.

В первую очередь заметно укрепилась воинская дисциплина, что, в свою очередь, благотворно повлияло на ход боевой подготовки, план которой выполнен на сто процентов. За весь год – ни одного срыва занятий, что дало возможность специалистам всех категорий существенно повысить свои профессиональные навыки. В этом довелось убедиться и автору этих строк в ходе сдачи экзамена по одному из профилирующих предметов – технической подготовке. Сразу оговорюсь, техника, которая стоит на вооружении в данном коллективе, довольно сложная, и отношения с прохладцей к себе не позволит. Безупречные знания по математике, физике, радиоэлектронике – вот что требуется от тех, кто ею управляет. И подчиненные капитана Р.Кудашева, а именно они держали ответ перед авторитетной комиссией, в грязь лицом не ударили. Лейтенанты В.Бокатов, Н.Исроилов, их ближайшие помощники младшие сержанты по контракту С.Улашев, М.Мурадов, а также рядовой срочной службы А.Арзикулов сработали выше всяких похвал. И залогом тому, как уже отмечалось выше, послужила скрупулезная работа на протяжении всего учебного года.

– Прежде всего большим подспорьем в повышении ратного мастерства, – говорит офицер И.Хидиров, – стали полевые выходы, в ходе которых отрабатывались боевые задачи по обнаружению и поражению воздушных целей «противника».

Фактор, действительно, весьма значимый, но к этому стоит добавить еще один важный момент – личную примерность и высокую профессиональную подготовленность самого командира. Имея за плечами немалый срок службы, а плюс к этому годы обучения в российском военном университете, который он закончил недавно, офицер Хидиров во всех отношениях служит образцом для своих подчиненных.

Впечатляющие результаты у воинов зенитно-ракетных подразделений и по остальным предметам обучения, что дает им возможность надеяться на одно из ведущих мест в округе. Такое положение дел не может не радовать, но и почивать на лаврах славы личный состав не намерен, поскольку впереди немало ответственных задач. Уже в ближайшее время здесь будет введен в строй новый учебный корпус, всерьез следует задуматься и над переходом на новую программу обучения, а для этого нужно наращивать усилия, ведь в завтрашний день необходимо смотреть с уверенностью.

Подполковник Ярослав КОРУКА.
Фото автора.

Сенинг қаҳрамонларинг, Ўзбекистон

ЮРАК БИЛАН УРИБ ТУРГАН ЖАСОРАТ



«Ўзбекистон Республикаси давлат чегараларини қўриқлашга киришилсин!» – чегара пости бошлиғининг ўринбосари лейтенант Шукур Жамоловнинг буйруғи янграганда соат 21 лар эди. Ёзнинг жазирамаси бўлгани учун тун ҳам одамни диққинафас қиладиган даражада дим. Қамишзорлар орасидан гоҳ-гоҳ шоқолнинг увиллаши эшитилади. Чирилдоқлар, яна қандайдир жонзотларнинг товуши тунги сокинликни бузмоқда. Огоҳ бўлмасанг, ҳар дақиқада бундайин товушлар чалғитиши ҳеч гапмас.

Чегара кичик нарядига тайинланган оддий аскар Санжар Мирзаев чегара катта наряди шартнома бўйича хизмат кичик сержанти Умид Йўлдошев билан буйруқни бажаришга киришар экан, кўнглидан шундай ўй-хаёл кечди: «Ажабо, дунё ажойиб-да. Баъзи жонзодлар тунда ухласа, баъзилари овга чиқади. Одамларнинг ҳам шунақа тоифалари борга ўхшайди. Ғаразли ният билан тунда «овга» чиқадигани. Кимнингдир ҳаловатини, кимнингдир осойишталигини ўғирлаш учун. Бунақа табиатини ундай кимсалар шоқолдан юқтирганмикин? ».

• «... Назорат-из йўлагининг чап қанотини синчиклаб кўздан кечирамиз. Сўнгра... Сенга нима бўлди, хаёлпарастликни йиғиштир!» – кичик сержантнинг гапи посбонни сергаклантирди.

Икки черагачи назорат-из йўлининг чап қаноти бўйлаб боришар экан, ҳар бир товуш, шубҳали туюлган шовқинга эътибор қаратишар, ишонч ҳосил қилиш учун ҳатто, ўша ҳудудни ёритгич билан обдон текширишарди. Бошқача йўл тутиш мумкин ҳам эмас. Ахир, улар она-юрт сарҳадларида туришибди. Юртини, Ўзбекистонини ҳар хил ғаламислар, ёвуз ниятли кимсалардан ҳимоя қилиш учун туришибди. Бундай вазиятда Ватан тушунчаси юрак билан бирга уриб тураркан. Аскар илк бор давлат чегараларини қўриқлашга киришганда шундай бўлган. «Мана шу қамишзорлар ҳам, ҳатто дарё бўйидаги ботқоқликлар ҳам менинг ерим. Ватанимнинг бўлаги. Мен уни ҳимоя қилмоғим керак. Тиканли сим тўсиқдан бериси Ватаним остонаси. Ана шу ердан бошланади киндик қоним тўкилган тупроқ», қабилидаги ўйлар кўнглидан кечар экан, беихтиёр қишлоғи, яқинлари кўз олдига келганди.

Соат чамаси 23. Санжарнинг қулоғига қамишлар орасидан аллақандай шубҳали овозлар эшитилгандек бўлди. Буни ёнида бораётган кичик сержант ҳам пайқаган экан. Қулоққа билинар-билинмас чалинган бу овозни қамишзордаги ёввойи жонзодларнинг товуши босиб кетди. Вужуд қулоққа айланди. Орадан ҳеч қанча вақт ўтмай, овоз яна эшитилди. Бу одам овози эканлигига шубҳа қолмади. Ҳар иккала посбонга ҳам қўрқув бегона. Тунда сарҳадларни ҳимоя қилиб, бу туйғуни аллақачон сўндиришган. Қолаверса, юракларида Ватан сурати шундоқ акс этиб туриши кучга-куч қўшаркан. Аниқлик, қатъият, жасорат «ишга» тушди. Овоз эшитилган жойга яқинлашиб, ёритгич билан атрофни кузата бошлашди. Қамишлар шитирлаб, номаълум кимсалар жойидан қўзғалишди.

«Тўхта, ким?!» – совуққонлик билан деди оддий аскар Мирзаев. Чегара бузғунчилари бунга жавобан автоматдан ўқ ёғдиришди. Қўрқоқ олдин мушт кўтаради, деганлари шу-да. Ўзларича посбонларимизни қўрқитишмоқчи, саросима солишмоқчи бўлишдими? Ватан туйғуси орқали юрагидаги кучи уйғонган бу алпларни чўчитиб, енгиб бўлибсанлар. Аммо ўқ ёмғири ўз ишини қилди. Олдинда бораётган оддий аскар Санжар Мирзаев ўнг елкасидан яраланди. Кичик сержант Йўлдошев зудлик билан сафдошига биринчи тиббий ёрдам кўрсатди.

«Мени қўяверинг, ўртоқ кичик сержант, чегарабузарларни ушлаш керак. Бир амаллаб автоматни ишлатишга, сизни тўсиб туришга ҳаракат қиламан». Ярадан қон сизиб, ҳолсизланиб бораётганига қарамай, хизмат бурчини, юрти сарҳадига ноқонуний киришга уринган кимсаларга зарба беришни ўйларди, посбон. Бу орада эса фурсатни ғанимат билган чегарабузарлар чекина бошлашди. Нафрат, ғазаб юрагида аланга олган кичик сержант келгиндиларга жавобан ўқ ёғдирди ва улардан бирини яралади. Сўнгра зудлик билан қуролланган шахсларнинг давлат чегараларини бузганлиги ҳақида постга хабар берди.

«Тревога» буйруғи асосида воқеа содир бўлган жойга пост бошлиғи катта лейтенант Алихон Аббосхўжаев етакчилигида посбонлар етиб келишди. Чегарабузарлар икки киши экан. Зудлик билан ўтказилган қидирув натижасида иккови ҳам қўлга олинди.

Санжар госпиталда икки ойча даволаниб, яна сафга қайтди. Жанговар вазифаларни бажаришга киришди. Хизматини – сарҳадларимиз ҳимоясидаги бурчини соғинган экан. Жасорати, матонати учун довюрак ўғлон Мустақиллигимизнинг 14 йиллиги муносабати билан Президентимиз Фармонига биноан «Жасорат» медали билан тақдирланди.

«Аҳволлар қалай, қаҳрамон? Тўйгача ярадан асорат ҳам қолмайди», дейман унга ҳазиллашиб. «Аллақачон отдек бўлиб кетганман. Ўзимга қолса, ҳатто госпиталда ҳам узоқ ётмай, хизматга қайтардим», дея жавоб берганида, ундаги матонатни яққол ҳис этдим.

Ҳадемай оддий аскар Санжар Мирзаев муддатли ҳарбий хизматдан резервга бўшайди. «Жасорат» медали, Тавсиянома билан Бухоронинг Жондорига – қадрдон қишлоғи Бўрибоғига кириб боради. Хўш, кейин-чи? Қалбидаги уйғоқ туйғулари – садоқати, жасорати, матонатини нимага сарфлайди? Посбон аллақачон бир қарорга келиб қўйган. У чегарачи офицер бўлмоқчи. Ўша ўзингиз билган касб – юртининг, халқининг ҳаловатини қўриқлаш эвазига ҳаловат топадиган ҳарбийлар касбини эгалламоқчи.

Майор Алижон САФАРОВ.
Комолиддин ТЎРАЕВ суратга олган.

Сержантский корпус – основа армии

НЕСУЩИЙ ХРЕБЕТ АРМИИ

Сегодня, когда наши Вооруженные Силы формируются в основном на профессиональной основе, многие задаются вопросом: « А насколько эффективны проведенные в армии реформы?» Ответ на него дает другой вопрос: «А насколько престижна сегодня военная служба?» Показатель эффективности реформы армии очень легко проверить на работе призывных комиссий: сегодня конкурс среди желающих служить превосходит вузовский. И что примечательно, молодые люди рвутся не просто отслужить. Сегодня большинство призванных мечтает продолжить службу в качестве профессионального военного. Об этом свидетельствуют, прежде всего, результаты набора в школы подготовки сержантов военных округов. Конкурсом в три и более кандидата на место в ШПС сегодня никого не удивишь.



Гранатометчика младшего сержата Икбола Ахмедова и его помощника младшего сержанта Джурабека Юсупова можно назвать типичными представителями новой профессиональной армии, «несущим хребтом» наших Вооруженных Сил. Оба отслужили срочную службу в воинских частях, успешно окончили школу подготовки сержантов, являются примером для личного состава в боевой учебе и воинской дисциплине.

Командир взвода старший лейтенант Гулам Умаров высоко оценивает старание и профессионализм своих подчиненных, но в ходе боевой учебы не снижает к ним требовательности.

По мнению офицера, оба младших сержанта являются достойными представителями молодежи Узбекистана. Есть у них, как говорят, «военная косточка». И Икбол, и Джурабек целиком связывают свою судьбу с военной профессией, со службой в национальной армии. Они отчетливо понимают, ради чего служат, видят глубокий нравственный смысл в совершенствовании своего воинского мастерства, в дальнейшей военной карьере. Благодаря таким, как они, во взводе хорошая морально-психологическая атмосфера и, как показали результаты итоговой проверки, высокий уровень обученности личного состава.

А какими, по мнению самих военнослужащих-контрактников, должны быть современные сержанты?

–Прежде всего, они должны быть патриотами своей Родины, – говорит младший сержант И. Джураев. – Морально устойчивыми, психологически подготовленными к выполнению своего воинского долга. Сегодня у нас в стране профессия военного самая престижная. Через систему материального и морального стимулирования каждый военнослужащий ощущает конкретную заботу общества не только о нем, но и о его семье. А значит, надо делом оправдывать надежды народа и Президента.

– Сержанты должны в совершенстве знать свою военную профессию, уметь грамотно применять и бережно хранить то оружие, которое вверила им Родина, – дополняет товарища младший сержант Джурабек Юсупов. – Прежде всего для того, чтобы в нужный час, не задумываясь, встать на защиту независимого Узбекистана. Поддерживая Икбола, хочу сказать, что можно быть профессионалом, знать все виды оружия, уметь стрелять, но без глубоких и устойчивых моральных и духовных качеств, жизненной ориентации нельзя стать надежным защитником Родины.

И все эти качества должны вырабатываться настойчивым, упорным трудом, прививаться и проявляться не только в экстремальных ситуациях, но и в мирной, повседневной службе военнослужащих. Эти качества должны стать жизненной целью для каждого человека, который посвятил себя военной службе, службе Родине.

В. НИКОЛАЕВ.
Фото **Я. КОРУКИ.**

Ҳарбий мутахассис

ЙЎЛЛАР УНИНГ ИШ ЖОЙИ

Кимдир: «Ҳайдовчи учун муҳими машинаси соз бўлиши», дейди. Кимдир: «Машинани маҳорат билан бошқариш йўлларга боғлиқ», дейди. Аслида, бу гапларни айтганларнинг иккаласи ҳам ҳақ. Машина соз бўлмаса, йўл қанчалик равон бўлмасин, бузуқ машинани тез ва маҳорат билан бошқариб бўладими ёки аксинча йўл ўйдим-чуқур бўлса, соз машина ҳам ишдан чиқади-ку. Мен бу ерда масаланинг бошқа томонига эътиборингизни қаратмоқчиман: машинанинг соз, йўлларнинг равон бўлгани яхши, албатта. Муҳими эса ҳайдовчининг қанчалик билимли, техникани қандай билиши-ю йўл қоидаларни қандай ўзлаштиргани катта аҳамиятга эга эканлигини унутмаслик керак.

Тан олиш лозим, автоҳалокат кўпинча ҳайдовчининг билими пастлиги, йўл қоидаларини билмаслиги, тажрибаси камлиги туфайли содир бўлади. Мен шундай ҳайдовчиларни биламан, қирқ-қирқ беш йилдан буён кўзлари йўлда, қўллари рулда, бироқ бирор марта йўл қоидасини бузишмаган, машинасига заррача ҳам зиён-заҳмат етказишмаган. Жарима нима эканлигини билишмайди. Уларни ҳақиқий уста ҳайдовчи, деб таърифласа бўлади.

Одил Абдукаримов Сурхондарё вилоятининг Ангор туманидан. У ҳайдовчилик касбини ҳарбий хизматгача ўрганган. Муддатли ҳарбий хизматни чегара қўшинларида ўтаган. Одил 2003 йилдан бошлаб шартнома бўйича хизмат қиляпти. Унвони – кичик сержант, касби ҳайдовчилик. Катта лейтенант Фарруҳ Жиянов командирлик қилаётган таъминот взводида жанговар ЗИЛ-131 машинасини бошқармоқда. Бир сўз билан айтганда, ҳарбий ҳайдовчи.

–Бошқа бирорта касбни камситмаган ҳолда, – дейди кичик сержант О. Абдукаримов,– ҳайдовчилик касби жуда қизиқарли эканлигини таъкидламоқчиман. Биринчидан, машинани бошқаришнинг ўзи кишига завқ бағишлайди. Иккинчидан, доимо йўлдасиз. Ўзингиз биласиз, ҳамма йўллар ҳам бир хил эмас. Равон йўллар қаторида, паст-баланд, қинғир-қийшиқ йўллар ҳам мавжуд. Бунда фақат машинани усталик билан бошқарсангиз, у сизга бўйсунади. Бўлмаса... майли, у ёғини қўяверинг! Мен ҳайдовчилик касбини эгаллаганимдан жуда хурсандман. Ростини айтсам, шу касбим туфайли ҳарбий хизматчи бўлдим. Қуролли Кучларимиз учун ҳам ҳайдовчилар жуда зарур. Тўғри, ҳарбий ҳайдовчиликнинг ўзига хос жиҳатлари бор. Биринчи галда бу ҳарбийлик билан боғлиқ. Машина ҳамиша соз бўлиши талаб этилади. Ҳар қандай топшириқ тез ва соз, ўз вақтида бажарилмоғи шарт. Маълумки, жанговар шайлик ҳарбий хизматнинг асосини белгилайди.

Кичик сержант Одил Абдукаримовнинг машинасига қараб, унинг ҳарбий хизматга, ҳайдовчилик касбига муносабати қандайлиги тўғрисида хулоса чиқарса бўлади. Машинанинг бирор жойида ёғ, доғ учратмайсиз, топ-тоза. Ҳар куни ювиб тозалайди, машинага гард ҳам юқтирмайди. Техник жиҳатдан қаровни мунтазам ўтказиб туради. Шу боис машина ҳаракатида бирор-бир камчилик кўзга ташланмайди. Доимо соз, ҳамиша жанговар шай. Йўл ҳаракати қоидаларини яхши ўзлаштирган. Шундай бўлсада, бўш бўлди дегунча, китоб қўлида, такрорлаб туради.

Кичик сержант О. Абдукаримов ортда қолаётган ўқув йилини ҳам муваффақиятли якунлаяпти. Шу кунларда якуний синов имтиҳонларида барча кўрсаткичлардан аъло натижаларни қўлга киритиш учун астойдил ҳаракат қиляпти. Натижалари кўнгилдагидек бўлишига асос бор, йил давомида барча тайёргарликлар бўйича машғулотларда фаол иштирок этди. Бу эса ўз мевасини беришига ҳеч шубҳа йўқ.

Хулоса шуки, кимки ўз касбини севса, маҳоратини, билимини доимо ошириб борса, ана шу касби боис катта муваффақиятларни қўлга киритиши аён.

Подполковник Абдураззоқ ОБРЎЕВ,
«Ватанпарвар» мухбири.
Комолиддин ТЎРАЕВ олган сурат.

Соревнование – в действии

НАЗВАНЫ ПОБЕДИТЕЛИ

На завершающем этапе учебного года в частях и подразделениях окончательно определяются победители первого этапа соревнования на звание лучшего специалиста Вооруженных Сил. Отрадно, что претендентов на это звание немало, поэтому окончательные результаты еще не подведены.

Вот и в части ВВС и ПВО, где командиром подполковник Кахрамон Нахшибандиев, соревнование сегодня приобрело широкую популярность. А это, в свою очередь, способствует повышению престижа воинской службы, формированию и утверждению современных воинских традиций. Здесь итоги были подведены на основе показателей повседневной служебной деятельности и боевой учебы за весь учебный год. Выявлены лидеры, которые являются примером для товарищей.

Победителями отборочного тура стали: в номинации «Лучший командир дивизиона» – подполковник Хакимжон Сатилов, «Лучший командир взвода» – майор Ганишер Курбанов, «Лучший командир группы» – капитан Исмоил Сафаров. А вот в номинации «Лучший сержант» победила военнослужащая по контракту младший сержант Инна Витковская.

Старший лейтенант М. ФАРУХОВ.

Вести из подразделений

РЕШИТЕЛЬНОСТЬ КУЕТ УСПЕХ

В грохот автоматных и пулеметных очередей, эхом отдающийся на обширных просторах полигона, вклинился гул мощных разрывов. Это заработало минометное подразделение старшего лейтенанта И. Сохибова. Основной миномет, расчет которого возглавлял младший сержант по контракту Б.Илхомов, первыми же выстрелами поразил цель в заданном секторе. Но она была не единственная.

Одна за другой поступали на огневую позицию новые вводные, однако самые сложные задачи не могли застать врасплох наводчика рядового О. Бозорова, призванного, кстати, весной этого года. В течение учебного периода он уже не раз отрабатывал задачи по огневой подготовке в условиях, максимально приближенных к боевым. Уверенный в своих знаниях и навыках воин четко ориентировался в то и дело меняющейся ситуации, оперативно вносил нужные поправки – мины неизменно точно накрывали указанные цели. В чем секрет столь точного огня на завершающем периоде учебного года?

– На самом деле секрета здесь никакого нет, – говорит командир минометного подразделения старший лейтенант И.Сохибов. – Налицо итог большого труда и слаженных действий всего минометного расчета. Он заключается в эффективном использовании учебного времени. Находясь в месте постоянной дислокации или на полевых занятиях, в ходе учебного периода воины трудились основательно. Тщательно и детально изучались правила стрельбы, множество раз отрабатывались практические элементы и, как видите, результат не заставил себя ждать. Уверен, что и на итоговой проверке действия минометчиков будут такими же выверенными и решительными.

Уверенность офицера подкупает. Не разделять ее нет никаких оснований. Итоги стрельбы действительно впечатляли. Они были постоянными, а это уже свидетельство приобретенного опыта и профессионализма. Достичь их под силу только целеустремленным и настойчивым, таким, как подчиненные офицера Сохибова.

Старший лейтенант М. ХАСАНОВ.

Заметки публициста

ЭКОНОМИЧЕСКИЙ ПРОРЫВ

Никогда не бывает больших дел без больших трудностей. И почти во всех делах, особенно в делах высокого социального значения, самое трудное – начало. Эту истину люди познали давно. В этом мы убедились за годы независимости, строя абсолютно новое общество и государство, кардинально реформируя и модернизируя свою страну.

И мы, идя непроторенным путем, уверенно шли от победы к победе. **«Свидетельство тому, – говорил Президент И.А.Каримов на торжественной церемонии, посвященной 14-й годовщине независимости страны, – преобразующаяся с каждым днем страна, коренные изменения, происходящие в облике городов и сел, новые предприятия и производственные мощности, вновь возводимые величественные сооружения, уютные жилые кварталы, широкие и ровные дороги и коммуникации».**

И вот, спустя полтора месяца после Дня независимости, мы празднуем еще одну замечательную победу – успешное выполнение тружениками села договорных обязательств по заготовке хлопка-сырца. Страна в рекордно короткие сроки получила **3 млн. 600 тысяч тонн «белого золота».**

Значение этой победы трудно переоценить. Оно глубоко и всесторонне раскрыто в Поздравлении Президента страны Ислама Каримова «Хлопкоробам и всем трудящимся Узбекистана». Если кратко охарактеризовать успехи наших хлопкоробов, то, **прежде всего, это экономический прорыв нашего сельского хозяйства к новым, невиданным ранее высотам и рубежам. Это – торжество фермерского способа ведения селькохозяйственного производства. Это – торжество нашего курса реформ.** Курса, который изначально задумывался и реализовался на принципах справедливости и демократии.

Реформы в промышленности, реформы на селе приняли общенациональный характер. Не скроем, не сразу пришел к нам успех. Дело в том, что реформирование сельского хозяйства оказалось делом более трудным, чем представлялось поначалу. Поэтому шел активный процесс поиска новых, наиболее оптимальных форм и способов управления отраслью, поиск основной, наиболее эффективной формы ведения сельскохозяйственного производства. На этом пути были и трудности. Однако с каждым годом у нас было все больше уверенности в правильности того, что мы делаем и как делаем. И успех пришел.

Что лежало в основе этого успеха?

Прежде всего, принцип материальной заинтересованности дехканина в результатах своего труда. **«Конечно, мы все хорошо понимаем, – говорит Президент И.А.Каримов в Поздравлении «Хлопкоробам и всем трудящимся Узбекистана», – что для достижения таких высоких рубежей нужно создать соответствующие условия для тружеников полей, обеспечить повышение их доходов, уровня жизни».** И далее глава государства указывает, что необходимо было решать и актуальные социальные проблемы, накопившиеся в течение ряда лет.

Что мы имеем в настоящее время? Доходы дехкан заметно возросли. Уровень обеспеченности сельского населения питьевой водой достиг 83 процентов, природным газом – 81 процента, а в ряде областей он составляет 90 – 95 процентов. Только в нынешнем году в рамках программы по развитию общеобразовательных школ израсходовано 105 млрд. сумов, возведены и сданы в эксплуатацию 53 новые школы, в 104 школах осуществлены капитальный и текущий ремонты. Большое внимание уделяется здравоохранению на селе, развитию сети сельских врачебных пунктов. Только на эти цели в текущем году из госбюджета израсходовано более 5,5 млрд. сумов.

И, как следствие такой политики, изменилась духовно-нравственная атмосфера на селе. **«Подтверждением этого, – указывает Президент, – является изменение отношения людей к труду, жизни, усиление чувства хозяина на земле, собственности, создание широких возможностей для фермерских хозяйств, ставших основной силой на селе, заготовивших 70 процентов общего урожая нынешнего года».** Успех хлопкоробов – не случайный эпизод в нашей новейшей истории и не результат того, что погода в этом году была благосклонна к нам. Причины успеха – в налаженности работы дехкан, в огромной и постоянной заботе государства, в четком и последовательном соблюдении агрономических и агротехнических требований. Вот некоторые из них. Семена высевались при естественной влажности почвы, своевременно выделялись минеральные удобрения, горючесмазочные материалы, был установлен четкий порядок их распределения. Каждые пять дней производилась оплата труда сборщиков за собранный хлопок, и, что особо надо подчеркнуть, все экономические инфраструктуры работали на урожай, на дехканина-хлопкороба.

Нельзя не отметить и научный фактор. **«Большое внимание, – подчеркивает Президент, – уделяется внедрению в хлопководство достижений современной науки, разработок ученых и специалистов с прицелом на будущее, созданию высокоурожайных и скороспелых сортов хлопчатника, использованию биологических методов в борьбе с вредителями, своевременной обработке хлопчатника, проведению качественной дефолиации».**

Одним словом, говоря о значении этой выдающейся победы хлопкоробов страны, мы подчеркиваем, что она достигнута самоотверженным трудом дехкан и прежде всего – фермеров. Вместе с этим в ней воплощен труд ученых, специалистов сельского хозяйства, рабочих нашей промышленности, тесно связанной с сельскохозяйственным производством, работников сферы обслуживания, банковско-финансовых органов, работников управлений внутренних дел, прокуратуры, всех, кто прямо или косвенно причастен к труду дехканина. И в этом смысле **это – наша общенациональная победа, победа всего народа.**

Отрадно отметить, что завершающие дни выполнения договорных обязательств совпали с работой 1-й Международной узбекской хлопковой ярмарки. Пусть наши зарубежные партнеры не беспокоятся – хлопка в Узбекистане предостаточно и только высших сортов, никто не останется в обиде. Экспорт узбекистанского хлопка будет осуществляться на самом высоком уровне. Для этого у нас создана современная инфраструктура реализации хлопка в виде сети региональных терминалов, оборудованных по последнему слову науки и практики, у нас обеспечиваются все виды услуг, требуемых для надежного хранения и отгрузки хлопковой продукции.

Выдающаяся победа наших хлопкоробов вселяет чувство гордости и в сердца воинов Вооруженных Сил, всех наших сограждан и глубокое чувство уважения к нелегкому труду дехкан. И кто бы ты ни был по профессии, в какой бы структуре или сфере ни работал, уверен, каждый из нас чувствует свою личную причастность к этому великому свершению во имя своего народа, во имя нашей независимой Родины, ее благополучия и процветания.

Анфим ХЛЫЗОВ.

ЗАБОНИМСАН, БУЛБУЛ КУЙИН ШЕЪРГА СОЛГАН

МИЛЛАТНИНГ ЎЛМАС РУҲИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ҳали-ҳали эсимда, олтинчими, еттинчими синфда ўқийман. Қайта қуриш дея номланган давр. Туман газетасига хабарлар йўллаб, қаламим энди-энди чархланаётган пайтлар. Марказий нашрлардан бирига ўзбек тилида мақола йўллаб, унда ҳамқишлоқларимни қийнаётган муаммоларни тилга олдим. Орадан чамаси икки ойлар ўтиб, жавоб келди. Унда тахминан шундай сатрлар бор эди: «Афсуски бизга йўлланган мактубингиз ўзбек тилида бўлгани сабабли ўқий олмадик...». Ўқитувчим билан матнни рус тилига ўгириб, такрор жўнатдик. Чучварани хом санаган эканман. Муаммо қайси тилда янграмасин, муаммо эканлигини кеч тушуниб етибман. Кўнглимда «ҳатто арзу ҳолингни ҳам ўз она тилингда айтолмасанг», деган бир норозилик уйғонди.

Талабалик даврим. Таржима назариясидан сабоқлар берадиган устозимиз машғулот сўнгида биз талабаларга вазифалар берди. Унга кўра, кейинги машғулотгача рус тилидаги бир шеърни ўзбекчага ўгириб келишимиз керак. Хуллас, ҳар биримиз устозга таржимамизни ўқиб бердик. Барчамизни тинглаб бўлган устоз эса ўзбек тилидаги бир шеърни ўқидилар. Билсак, гап машҳур шоиримиз шеърининг маъно, мазмуни рус тилига ўгирилишида тамомила ўзгариб кетганида экан. Демак, шоир ва ёзувчиларимиз томонидан яратилган гўзал асарларнинг бари ҳам бошқа тилларда асл ҳолича ўқувчисига етиб бормаётган экан-да, деган хулосага келдим. Ўша таржимоннинг ҳар томонлама бой ва гўзал тилимизни билмаслигидан ёки атайлаб уни камситганидан хафа бўлиб кетдим.

Ўтган йил «Янги аср авлоди» нашриётида инглиз тилида чоп этилган шеърий тўпламни ўқиб чиқиб, ҳаяжоним ҳовурини боса олмадим. Ўзбекистонлик бир гуруҳ шоирларнинг шеърлари аслиятдан таржима қилинганди. Мутахассис эмасман, аммо менимча шеърлардаги жозиба, демакки тилимиздаги жозиба бор бўй-басти билан бошқа тилга кўча олган эди. Ахир, таржимон ўзимизнинг ўзбек ўғлони Аъзам Обидов деган ёш ижодкор эди-да. Шунда тил маънавиятнинг кўзгуси эканлигига яна бир бор амин бўлдим.

Тил мустақиллиги – эл мустақиллиги, деган гап бор. Истиқлол арафасида давлат тили тўғрисидаги қонуннинг қабул қилиниши мустақиллик сари ташланган қадамлардан бўлган, дея баралла айта оламиз. Бироқ шўро салтанати ҳали парчаланмаган ўша шароит мазкур қонуннинг талабларга тўлақонли жавоб беришига бироз тўсқинлик қилди. Масалан, қонуннинг 1-моддасидаги учинчи хатбошисида «Ўзбекистон ССР ҳудудида рус тилини миллатлараро муомала тили сифатида ривожлантириш ва ундан эркин фойдаланиш таъминланади», дейилган. Истиқлолга эришганимиздан сўнг давлат тили тўғрисидаги қонунимизнинг янги таҳрирда қабул қилинишига ана шундай эҳтиёж бор эди. 1995 йилнинг 25 декабрида Олий Мажлис сессиясида тилга олинаётган қонун янги таҳрирда қабул қилинганини яхши биламиз. Ниҳоят бу муҳим ҳужжат шўроча мафкура ва қолиплардан батамом халос этилди. Бу эса тилимизга янада ҳаёт бағишлаб, уни жонлантириш сари муҳим омил бўлиб хизмат қиляпти.

Тилга қилинган ҳужум табиийки, маънавиятга, тарихга қилинган ҳужумдир. Маълумотларга кўра, 1984-1985 ўқув йилидан бошлаб республикамизда бир томондан ўзбекча мактабларнинг сони қисқартирилиб, уларнинг ўрнига ўзбекча ва русча ўқиладиган мактаблар очилган бўлса, иккинчи томондан ўзбек мактабларида ўзбек болалари учун русча ўқиладиган синфларни очишга киришилган. Албатта бунинг замирида хавфли бир сиёсат мужассам эди. Яъни юқорида айтилганидек маънавий бойликларимизга бўлган ҳужум эди, десак тўғрироқ бўлар. Қайсидир маънода йиллар давомида бундайин мақсадлар ўз самарасини берганини биламиз. Болалигидан пролетар «доҳийси» тилида ўқитилиб, таълим берилиб, она тилини, демакки маънавиятини деярли унутаёзганлар бўлганлигининг ўзи фикримиз исботидир.

Баъзида айрим ҳамюртларимиз мумтоз адабиётимиз намуналарини унчалик тушунмаслигидан нолийди. Бу ҳукмрон мафкура – шўролар мафкурасининг тазйиқи натижасида ўз она тилимиздан узоқлашганимиз, унинг гўзаллиги, жозибасидан бебаҳра бўлиб қолганимиз оқибатидир.

Мутахассислар она тилини яхши билган кишининг бошқа тилларни ҳам осон ўзлаштириши борасида айтишади. Ўзбек тилига сайқал берган буюкларимиздан бири бобокалонимиз Алишер Навоий беш яшарликларида 100 минг мисра шеърни ёддан билган экан. Бу эса унинг тилга, адабиётга бўлган муҳаббатини тарбиялашга хизмат қилган. Бундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, болага ўз она тилида кўплаб шеър ёдлатиш тилга, адабиётга меҳр уйғотади, қолаверса, нутқини шакллантиради.

Бугун дунё мамлакатларида, ҳатто айрим ривожланган мамлакатларда ўзбек тилини ўрганишга қизиқувчилар пайдо бўлмоқда. Миллий курашимиз орқали ўзбекона лутф халқаро майдонда янграмоқда. Бу хусусда узундан-узоқ тўхталишимиз мумкин. Аммо пировардида шуни айтмоқчиманки, мафкуравий курашлар авж олган айни дамда ёшларимиз қалбида бой тарихимиз, миллий қадриятларимиз, демакки, миллатнинг ўлмас руҳи бўлган она тилимизга бўлган ҳурматни, эътиборни янада шакллантириш орқали мафкуравий иммунитетни ҳосил қилишимиз мумкин, назаримда.

Майор Ш.ТОЛМАСОВ.

Комолиддин ТЎРАЕВ олган сурат

ТИЛИМИЗ – ЎЗЛИГИМИЗ

«Ўзбек тилининг изоҳли луғати» китобида «тил» сўзига берилган таърифлардан бирида шундай дейилган: «Фикр ифодалаш ва ўзаро алоқа қуроли бўлиб хизмат қиладиган товушлар, сўзлар ва грамматик воситалар системаси». Дарвоқе, дунёда давлат ва халқлар сингари тиллар ҳам кўп. Бироқ улар орасида биз учун энг азиз ва қадрдони, жонажон ва бетакрори албатта, улуғ аждодларимиз, ота-боболаримизнинг, бизнинг она тилимиз – ўзбек тилидир.

Генсологик таснифига кўра, туркий тиллар оиласига кирувчи ушбу тилда Ўзбекистондан ташқари республикамизга бевосита қўшни бўлган давлатларда ҳамда Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида ва бошқа қитъаларда яшовчи ўзбеклар сўзлашади. Тарихдан маълумки, эски ўзбек адабий тили XIII-XV асрларда шаклланди. Бу давр адабий тилининг шаклланиш ва ривожида халқимизнинг буюк мутафаккири, давлат арбоби Алишер Навоийнинг хизматлари беқиёсдир. Чунки у ўша пайти форс адабиёти ва адабий тили билан рақобат қила оладиган катта бир адабиёт яратиш ва у орқали туркий (ўзбек) тил имкониятларини кўрсатиб беришдек улкан вазифани ўз зиммасига олди ва бу шарафли ишни уддалай олди.

Таъкидлаш жоизки, ўзбек тили бугунги, сизу биз қўллайдиган, фойдаланадиган кўринишга эга бўлгунга қадар кўплаб тарихий жараёнлар, турли ўзгариш ва янгиликларни бошдан кечирди. Ўзбек тили тарихидаги энг муҳим саналардан бири – 1989 йилнинг 21 октябридир. Чунки айнан ўша куни тилимизга Давлат тили мақоми берилди. Мана, бунга ҳам роппа-роса ўн олти йил бўлибди. Шу вақт ичида ўзбек тили ислоҳоти билан боғлиқ кўплаб ишлар амалга оширилди ва оширилмоқда.

Турли соҳаларда бўлгани каби изчил ислоҳотлар олиб борилаётган Қуролли Кучларимизда ҳам бу борада қатор амалий чора-тадбирлар ҳаётга татбиқ этилди. Ҳарбий жамоаларда ҳуқуқий билимлар, ижтимоий-сиёсий тайёргарлик машғулотлари тўлиқ ўзбек тилида ўтказилмоқда. Олий ҳарбий билим юртларида, Қуролли Кучлар Академиясида тил ўргатиш марказлари, тиллар кафедралари фаолият кўрсата бошлади. Шунингдек, 1996 йилда она тилимизда Умумҳарбий низомлар нашр этилди.

– Жойларда, ҳарбий қисм ва муассасаларда ўзбек тилида янграётган буйруқларни ҳар гал эшитганимда қайта ва қайта суюнаман, – дейди истеъфодаги офицер Шокиржон Умаров. – Эсимда, доим рус тилида айтилувчи буйруқларнинг ўзбекчалаштирилиши бошланганида ҳатто, баъзи ҳамкасбларимиз ўшанда биз учун янгилик бўлган, эндигина муомалага киритилган ҳарбийча сўзларнинг армия ҳаётига, турмуш тарзига сингиб кетишига шубҳа билан қарашганди. Қувонарлиси, улар бу ўйларнинг нечоғлик хато ва ноўрин эканлигига қисқа вақт ичида амин бўлишди ҳам.

Дарҳақиқат, Қуролли Кучларимиз сафларида ўзбек тилида янгровчи жанговар буйруқлар – «Ростлан», «Сафлан», «Ўт оч», «Қадам бос», «Тарқал», «Саломатлик тилайман» каби сўзлар Ватан ҳимоячилари онгу шуурига сингибгина қолмай, айнан шулар асосида элнинг асл фарзандлари, қаҳрамонлари, ҳеч иккиланмай жонларини юрт тинчлиги ва осойишталиги, фаровонлиги йўлида фидо қилган лейтенант Бобуржон Ғаниев, капитан Баҳром Жўраев сингари ватандошларимиз етишиб чиқди, камол топди. Ҳа, «Ўзбекистон Республикасига хизмат қиламан» дегувчи мардлар халқи, Президенти олдида ичган онтлари устидан чиқишди ва чиқишади.

Энди, яна ўзбек тили мавзусига қайтсак. Жорий йилнинг 27 июнида Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирининг «Давлат тили тўғрисида»ги қонунни Мудофаа вазирлиги тизимида бажарилишини такомиллаштириш тўғрисида»ги буйруғида Ўзбекистон Республикаси «Давлат тили тўғрисида»ги 1989 йил 21 октябрь ва 1995 йил 21 декабрда (янги таҳрирда)ги ҳамда 1993 йил 2 сентябрдаги «Лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосини ташкил этиш тўғрисида»ги Қонунлари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1994 йил 16 июндаги ва 1996 йил 10 сентябрдаги қарорлари ижросига, бу борадаги ютуқ ва камчиликларга алоҳида эътибор қаратилган тегишли чора-тадбирлар белгилаб чиқилган.

Мудофаа вазирлиги ва Қуролли Кучлар Бирлашган штаби, бош бошқармалари, бошқармалари, алоҳида хизмат ва бўлимлари, ҳарбий округлар қўмондонликлари, ҳарбий қисм ва муассасаларида 2005 йил 1 сентябридан иш юритишни тўла давлат тилида олиб борилишини йўлга қўйиш, жойларда ўқитувчиларга лотин ёзувига асосланган ўзбек тили грамматикасини ўқитиш учун махсус курслар ташкил этиш, махсус тил ўқитиш марказлари ходимларини жалб этган ҳолда Давлат тилини билмайдиган офицерлар, ўқитувчилар ва иш юритувчи хизматчилар учун ўзбек тилини ўрганиш курсларини очиш каби тадбирлар шулар жумласидандир.

Шубҳасизки, юқоридагилар ҳамда Мудофаа вазирининг мазкур буйруғидан келиб чиққан ҳолда ишлаб чиқилган амалий ишлар режаси Давлат тилимизнинг Қуролли Кучларимиздаги муомаласини янада мустаҳкамлайди. Қолаверса, ўзбек тилимиз – ўзлигимиз, кўп асрлик бой маънавий меросимиз рамзи, нишони эканлигини ҳар бир юрт посбони юракдан ҳис этиб, ақлан тушунишини инобатга олсак, «Давлат тили тўғрисида»ги Қонун, тегишли қонун ва қарорлар талабларининг Мудофаа вазирлиги тизимидаги ижросида қийинчиликларга дуч келинмаслигига асло шубҳа йўқ.

Катта лейтенант Тўлқин ЖУМАНАЗАРОВ.

ЯНГИ АЛИФБОНИ ЎРГАНАМИЗ

12 – машғулот

ҚЎШИБ ЁЗИШ

Xona, noma, poya, bop, xush, ham, baxsh, kam, umum, zang, mijoz, sifat, talab, каби сўзлар ёрдамида ясалган қўшма от ва қўшма сифатлар қўшиб ёзилади: qabulxona, tabriknoma, taklifnoma, ommabop, xushxabar, hamsuhbat, orombaxsh, kamquvvat, bug'doyrang, umumxalq, sovuqmijoz, devsifat каби.

- (a) г (инкор шакли – mas) қўшимчаси билан тугайдиган қўшма от ва қўшма сифатлар қўшиб ёзилади;

o'rinbosar, otboqar, cho'lquvar, ishyoqmas, qushqo'nmas каби.

Такрор тақлид сўзларга қўшимча қўшиш билан ясалган от ва феъллар қўшиб ёзилади: hayhayla, gijgijla.

Нарсани бошқа бирор нарсага нисбатлаш (қиёслаш), ўхшатиш йўли билан билдирувчи қўшма от ва қўшма сифатлар қўшиб ёзилади: karnaygul, qo'ziqorin, oybolta, devqomat, sheryurak, bodomqovoq, qirg'iyko'z каби.

Топшириқни текширинг:

1989 yil 21 oktabr O'zbekiston Respublikasining Davlat tili to'g'risidagi Qonun qabul qilindi.

1993 yil 2 sentabr lotin yozuviga asoslangan o'zbek alifbosini joriy etish to'g'risidagi Qonun qabul qilindi. 1995 yil 6-7 may mazkur qonunga o'zgartish va qo'shimchalar kiritildi.

1995 yil 24 avgust O'zbek tilining asosiy imlo qoidalarini tasdiqlash to'g'risida Vazirlar Mahkamasining Qarori e'lon qilindi.

Топшириқни янги алифбога ўгиринг.

1. Она тилим – жон-у дилим.
2. Тил қиличдан ўткир.
3. Тилни билсанг, дилга йўл топасан.
4. Кўз етмаган жойга сўз етади.
5. Бир тилни билган бир марта одам, икки тилни билган икки марта одам.

Ильмира Қувондиқова,
Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети умумий тилшунослик кафедраси катта ўқитувчиси.

Аччиқ данак

ОЧХОНА ВА ШАПАЛОҚДЕК БИР НИМА

Ҳой биродар, нега ўз она тилингни бузиб гапирасан? Оғзимда носим бор эди, дейсанми? Носвой отганда гапирма-да, занғар. Ичингга кетиб қолса, ошқозон-пошқозонинг емирилиб, тилинг умуман айланмай қолиши мумкин. Ҳа, шунақа, тўғри гап туққанингга ёқмайди. Тўнингни тескари кийсанг ҳам, саллангни тескари ўрасанг ҳам сенга гап шу: тилнинг қоидасини билмасанг ҳам носвой чекишнинг қоидасини бил. Соғлиққа фойдали, соғлиққа.

Дарвоқе, ўз соғлиғимни ҳам ўйлашим керак. Ўзим шифокор олдига бораётган бўлсам, бу хумпарга асаб кетказиб, жавраганим ҳайф. Шифохона ҳудудига кириб, сал адашгон бўлиб бир бино ёнига бориб қолибман. Излаган шифокорим шу ердамикин, дея бинога кираверишда ёзулгон сўзларни ўқиб кўрмоқчи бўлдим. Лотин алифбосида экан. Камина ҳам замондан орқада қолгонлардан эмас. Бу имлони анчайин машқ қилгонмиз. Ҳа, энди бироз ҳижжалаб, ҳарфлаб ўқисак, ўқибмиз-да. Ё тавба, ё тавба. Лотин алифбосидаги ўзбек ёзувини ўрганмай ҳар нима бўлай. Узоқдан туриб, яқиндан туриб, ҳарфлаб, ҳижжалаб ўқидим. Барибир шу аҳвол. «Зобитлар очхонаси» деган сўзлар чиқяпти. «Зобит»нинг-ку офицер эканлигини фаҳмладим. Аммо «очхона» га келганда ақли қусуримиз андоқ ожизлик қилди. Янги шифохонадирда, дея ичкарига мўралайман. У ерда овқат тановвул қилаётган одамлар ва қозон кавлаётган ошпаздан бўлак ҳеч ким йўқ. Шунда хира тортган ақлим равшанлашди. «Э хомкалла», деганча пешонага шапатиладим. Ахир, оч қолганда овқат ейсан, овқат ейиш учун эса қаерга борасан, ҳа балли. Яна «ошхона» дейди-я, очхонага борасан, очхонага. Қайтанга «очхона» деса гўзалроқ, ошқозонийроқ янграркан. «Ҳа Қўполбой, замондан ортда қопсан, жўра», дедим ўзимга-ўзим. Дарвоқе, «очхона» манзилига қизиқувчилар топилишини ўйламабмизку. Уни топиш осон – Марказий ҳарбий клиник госпитали филиали ҳудудида. Шифохонага ишингиз тушмасин-у, очхонага қадам ранжида қилаверинг.

Аччиқ кўкчойни хўриллатиб, носвой билан очхона воқеасини ўйлаётгандим, хотин қўлимга шапалоқдек бир нима тутқазди ва «хат кепти сизга», деди. «Бировнинг хатини ўқиш одобдан эмас, дея минг марта айтаман, қулоқларингга кирмайди-да», дея хотинни жеркийман. «Олинг матаҳингизни, ўзим ҳам ўқиб ҳеч нарсага тушунмадим» вайсаб кетди хотин. Лўлаболишни қўлтиқ остига яқинроқ суриб, хатни ўқий бошлайман: «У-ведом-ление». Намунча талаффузи қийин. Тавба нима дегани экан. Давомини ўқир эканман, унинг тўла русий забонда битилгонини сездим. «Хотин, адашиб бировнинг хатини беришибди, ўрис бўлмасам. Ма, ол», дедим.

«Қанақа одамсиз ўзи, мана хатжилдига исми-шарифингиз битилган», дея хотин мени мот қилди. Аммо сир бой бермай «шуни аввалроқ айтмайсанми», дедим. Бай-бай-бай, шундай ажойиб сатрларни ўқисангу, маъносини англай олмасанг. Уйи буғдойга тўлгурлар ўзбекча ёзишса, нима бўларкин.

Хуноб бўлаётгандим, бирдан хазина топган одамдек қувондим. Ўрисча битилгон мактуб тепасига босилгон муҳрдаги сўзлар ўзбекча экан. «Чилонзор тумани давлат солик инспекцияси баеннома оркали фукоролар даромадини назорат килиш булими». Ўзи шапалоқдек бир нимаю, ғиж-ғиж хато. Мактабда ўқиганда иншо ёки диктантдаги 7 та имловий хатога устозлар икки баҳо қўйишарди. Муҳрдаги битта гапда шунча хато бўлса...

Туриб-туриб бир нарса алам қилди. Эрта билан носкаш биродаримга бекорга дашном берибман. Оғзида носвойи бўлмаганда, тилини бузиб гапирмасди. Балки очхона ва шапалоқдек бир нима соҳиблари ҳам носвой отиб туриб, беихтиёр шунақа ёзишгандир.

Қўполбой БЕТГАЧОПАРОВ.

МАМЛАКАТИМИЗ МУДОФАА САЛОҲИЯТИНИНГ БЕШ ТАЯНЧИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

Илмий-техник салоҳият мамлакатдаги эришилган илмий тафаккур даражаси, техника ва технологияларнинг ривожи ҳамда уларнинг бевосита саноат ишлаб чиқариши ижтимоий ва ҳарбий соҳалардаги иштироки билан белгиланади. Илмий-техник салоҳият бошқа потенциаллар орасида алоҳида мавқега эга. У бир томондан базис, яъни иқтисодиёт, иккинчи томондан эса устқурма – сиёсат билан боғланганлиги учун ҳам, уларни ўзаро бирлаштиради.

Илмий-техник салоҳият ўзининг миқдор ва сифат кўрсаткичларига эга. Унинг сифат кўрсаткичларига фаннинг илмий услубияти, яъни табиат, жамият ва ҳарбий иш қонунларининг моҳиятига чуқур кириб бора олиш қобилияти, шунингдек, фаннинг ижтимоий йўналганлиги – унинг ижтимоий ривожланиш мақсадларига қанчалик мос келиши ва давлат миқёсида илмий тадқиқотларни режалаштириш имконияти киради. Мамлакатдаги илмий тадқиқот муассасаларининг сони ва уларнинг юксак малакали мутахассислар билан, шунингдек, моддий-техник ва молиявий томондан таъминланганлиги эса мазкур салоҳиятнинг миқдорий кўрсаткичлари ҳисобланади.

Бу жиҳатдан Ўзбекистон анча катта имкониятларга эга. Фан ва техника давлат қўмитаси ва Фанлар Академияси тизимида ўнлаб илмий тадқиқот муассасалари фаолият юритмоқда. Бундан ташқари, олий ўқув юртлари тасарруфидаги лаборатория ва кафедраларда ҳам илмий ишлар мунтазам равишда олиб борилади. Мамлакатимизда ҳар йили фан ва техниканинг турли йўналишларида 100 дан ортиқ докторлик ҳамда 600 та атрофида номзодлик ишлари ҳимоя қилинмоқда.

Ўзбекистон Республикасининг илмий хавфсизлик концепциясида мамлакатимизнинг илм-фан, техника, технология ва ахборот соҳаларидаги хавфсизлигини таъминлашга қаратилган қуйидаги тадбирларни амалга ошириш лозимлиги кўрсатиб ўтилган: 1) илмий-техника соҳасида ягона умумдавлат сиёсатини олиб бориш, амалиёт талабларини ортда қолдирадиган илмий-техник потенциални яратиш, иқтисодиётнинг устувор соҳаларига фан ва техника ютуқларини жорий этиш; 2) илмий-техник маҳсулотлар бозорини яратиш, интеллектуал мулк ҳуқуқини ҳимоялашни таъминлаш ва инновацион фаолиятни ривожлантириш.

Шуни айтиб ўтиш керакки, Ўзбекистон аҳолиси саводхонлиги жиҳатидан дунёнинг ривожланган давлатлари қаторидан ўрин олган, бу кўрсаткич аҳолининг умумий сонига нисбатан 99,2 фоизни ташкил этади. Асосий қонунимизда мактаб ёшидаги йигит-қизларимизнинг ҳаммаси учун ўрта умумий таълимнинг мажбурийлиги алоҳида таъкидлаб ўтилган бўлиб, таълим олишнинг текинлиги асосий омил бўлиб хизмат қилади. Буни таъкидлашимиздан мақсад шуки, аҳолининг саводхонлик даражаси мамлакатдаги илмий-техник салоҳиятнинг асосини ташкил этади, яъни аҳоли таркибида саводли кишилар сони қанчалик кўп бўлса, моддий ва маънавий бойликлар яратишга қаратилган ижодкорлик фаолияти ҳам шу даражада юқори бўлади. Бу эса давлатнинг ҳарбий куч-қудратига ва мудофаа салоҳиятига ижобий таъсир кўрсатади. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти томонидан 2003 йилда Ўзбекистондаги ижтимоий-иқтисодий ривожланиш кўрсаткичлари ҳақидаги ахборотномада кейинги йилларда мамлакатимиздаги олий ўқув юртларига кирувчилар сони қисқарганлиги таъкидланиб, бу нарса Ўзбекистоннинг минтақадаги бошқа давлатларга нисбатан рақобатбардошлигининг камайишига олиб келмасмикан, деган хавотирли бир фикр билдирилганки, бу нарса ҳам саводхонлик давлат қудратини оширувчи омил эканлигидан далолат беради.

Ихтиро ва кашфиётлар ўз қадр-қимматини тез йўқотаётган ҳозирги тезкор ривожланиш даврида, жамиятдаги янги ижодий кучларни мунтазам равишда яратиб бориш долзарб аҳамиятга эга бўлиб қолмоқда. Шуни назарда тутган мамлакатимиз раҳбари «XXI асрда қайси давлат қудратли, қайси халқ кучли бўлади? Бу саволга, аҳолиси интеллектуал нуқтаи назардан баркамол, ёшлари билимли, ор-номусли, ватанпарвар бўлиб, униб-ўсаётган давлат, деб жавоб қайтариш мумкин», деган эди.

Маълумки ҳар қандай давлат ва жамият тараққиётининг марказида шу ерда яшаб, фаолият юритаётган интеллектуал ақл эгалари бўлган олимлар туради. Бу бугуннингтина гапи эмас. Соҳибқирон Амир Темур ўз замонасида турли юртлардан нафақат ҳар хил ҳунар соҳиблари, балки олимлар ва ёзувчиларни ҳам салтанатининг пойтахти бўлмиш Самарқандга олиб келишга, уларнинг ақл-заковатидан фойдаланишга катта эътибор берган. Ёки минг йил аввал мамлакат ҳукмдори ҳомийлигида Хоразм Маъмун академиясининг ташкил этилганлиги ва унинг фаолиятига Беруний, Ибн Сино каби буюк ақл соҳибларининг жалб этилиши ҳам шунчаки олимларга нисбатан меҳр-шафқат натижасигина эмас эди. Бу илм-маърифат масканига, ҳаттоки олис мамлакатлардан ҳам олимлар таклиф этилганлар. Илм-фан бевосита ишлаб чиқарувчи ва турфа хил бойликлар яратувчи кучга айланаётган ҳозирги кунда бу анъананинг яна ҳам ривож топганлигини кўришимиз мумкин. Бу ривож топганлик «ақл ўғирлаш» деб аталадиган ўзига хос сиёсий атама билан ифодаланадики, дунё мамлакатлари сиёсатида бу жараёнга жуда ҳам катта эътибор қаратилаяпти. Ғаш шундаки, дунёнинг ривожланган давлатлари ўз мамлакатлари иқтисодиёти учун етишмаётган соҳа олимларини ҳамда етук мутахассисларга бўлган эҳтиёжини бошқа мамлакатлардан шундай соҳа кишиларини сотиб олиш ёки кўчириб олиб келиш ҳисобига қондиришга ҳаракат қилишади. Албатта, бундай сиёсатнинг ўзига хос афзал томонлари бор: биринчидан, истеъдодлар ҳамма даврларда бўлгани каби ҳозир ҳам камёб ҳодиса, иккинчидан эса уларни ўз мамлакатида ўқитиб, тарбиялагандан кўра бошқа давлатлардан олиб келиш иқтисодий жиҳатдан бир неча марта арзон бўлади.

Герхард Шрёдер мамлакати парламенти депутатлари олдида нутқ сўзлаб, кейинги вақтларда Германияни 60 мингтадан кўпроқ етук мутахассислар тарк этганлигини таъкидлаган ва яқин йиллар ичида Шарқий Европа ва МДҲ давлатларидан 100 мингта мутахассисларни кўчириб олиб келиш вазифасини қўйганди.

Албатта, «ақл ўғирлаш» Ўзбекистон учун унчалик хавфли эмас, бунинг сабаби бир томондан мамлакатимиз иқтисодиётининг ўсиши билан интеллектуалларга бўлган талабнинг ошаётганлиги бўлса, бошқа тарафдан эса, бу миллий менталитетимиз хусусиятларидан келиб чиқади, яъни биз ўзбеклар ўз туғилиб ўсган еримизни ҳар нарсадан устун қўямиз. Қисман бошқа миллатларга мансуб олим ва мутахассисларнинг кетиб қолишларини эса XX асрнинг 80-йиллари охирларида бошланган турли миллат вакилларининг ўз тарихий ватанларига қайтиш истаги билан баҳолаш мумкин. Бу муаммо ҳақида тўхталишимиздан мақсад илмий потенциалнинг мамлакат «ҳимоя иммунитети»га қанчалик таъсир этишини кўрсатиб бериш эди.

Олимлар меҳнатига ортиқча баҳо бермаган ҳолда шуни таъкидлаш мумкинки, улар жамият ҳаётида биз ўйлагандан кўра кўпроқ ва муҳимроқ аҳамият касб этадилар. Машҳур француз олими Блез Паскал «агар Франциядан 300 та интеллектуал кетиб қолса, у жоҳиллар ва телбалар мамлакатига айланади», деб кўрсатган эди.

Шундан келиб чиқиб, олимларнинг мамлакат учун аҳамиятини қуйидаги беш йўналишга ажратиб кўрсатиш мумкин:

биринчидан, улар меҳнати натижасида фан, адабиёт, санъат, ихтиролар ва кашфиётлар яратилади. Айнан интеллектуал мулк объектлари иқтисодиёт соҳасида самарали ўзгаришларни вужудга келтиради, тараққиётга туртки беради;

иккинчидан, олимлар муҳити авлодлар ўртасидаги доимий ворисликни таъминлайди, яъни устоз – шогирд анъаналари асосида янги олимлар авлодини тарбиялаб етиштиради;

учинчидан, олимларнинг катта қисми таълим муассасаларида, кўпроқ олий ўқув юртларида фаолият юритадилар ва ҳар томонлама етук, юқори малакали мутахассисларни тайёрлаб етиштирадилар;

тўртинчидан, олимлар ўзларининг юриш-туришлари, хулқ-атворлари, амал қиладиган қадриятлари билан барчага намунали ибрат, таъсир кўрсатадилар;

ва ниҳоят, бешинчидан эса, олимлар қатлами сиёсий тизим, демократия даражаси ва фуқаролик жамияти тузилмаларига ижобий таъсир кўрсатади. Ёки бошқача қилиб айтадиган бўлсак, интеллектуал жиҳатдан юксак мавқега эга бўлган жамиятда нодемократик бошқарув бўла олмайди. Демак, мамлакатимиз ҳар бир фуқаросининг интеллектуал салоҳияти қанчалик юқори бўлса, мамлакатимиз мудофаси ҳам шунчалик мустаҳкамланган бўлади.

Подполковник Чори НАСРИДДИНОВ.

ҲАҚИҚИЙ ҲАМКОРЛАРМИЗ

Бугунги ёшлар, ўсмирлар орасидан ҳарбий хизматга, аскарликка қизиқмайдиганини топиш жуда мушкул. Барчасининг кўнглида битта орзу-мақсад: йигитлик бурчини муносиб даражада ўташ иштиёқи. Йил сайин нуфузи ошиб, энг шарафли касбга айланиб бораётган ҳарбийликка дахлдор бўлиш, айни соҳа вакиллари учун белгиланган имтиёзлардан фойдаланиш. Аммо ҳар доим ҳам хоҳиш-истак билан кўзланган мақсадга эришиб бўлмайди.



Ўзингизга маълум, юртимизда муддатли ҳарбий хизматга танлов асосида қабул қилинади. Жисмоний, руҳий, маънавий етуклигини намойиш этиш керак. Айниқса, тиббий чақирув комиссиясидан ўтиш ҳам ўзига яраша муаммо. Чақирилувчида бирор бир касаллик аломати аниқланса ёки текширув натижаси шифокорда гумон уйғотса... у чақириқдан қолдирилади. Аммо бу йигитнинг орзуси орзулигича қолиб кетди, дегани эмас. Ҳали имконият бор. Тиббий комиссиядан ўта олмаган чақирилувчиларга мудофаа ишлари бўлимлари томонидан даволаниш учун йўлланма берилади. Қайта текширув, муолажа ва даволаниш жараёнлари вилоят марказларидаги ўсмирлар соғлиғини тиклаш марказларида давом этади. Ушбу тиббиёт муассасаларининг фаолияти, у ерларда яратилган шарт-шароитлар билан эса Тошкент шаҳар Ўсмирлар соғлиғини тиклаш маркази мисолида танишишимиз мумкин.

Аввало шуни мамнуният билан таъкидлаб ўтиш керакки, ушбу марказдаги шарт-шароитлар, хизмат сифати замонавий тиббиёт масканларидагидан асло қолишмайди. Марказ қошида 18 хилдаги мутахассислар холис хизмат кўрсатадиган маслаҳат-ташхис поликлиникаси, қолаверса, 105 ўринли каттагина шифохона ҳам бор. Қайта текширувлар давомида ўсмирда касаллик аломатлари аниқланса, у 10-12 кун давомида стационарда малакали шифокорлар назоратида бўлиб, зарур муолажалар олади, уч маҳал бепул овқат билан таъминланади.

Ҳар йили Тошкент шаҳридан 3 мингдан зиёд 15 ёшдан 18 ёшгача бўлган ўсмирлар ва 18 ёшдан 27 ёшгача бўлган чақириқ ёшидаги йигитларга тиббий хизмат кўрсатилаётгани ҳам умумий ишлар салмоғини яққол кўрсата олади.

– Марказимизда нафақат ўсмир ва йигитларни соғлиғини тиклаш, уларни ҳарбий хизматга тайёрлаш, балки мактаб, лицей, коллеж ўқувчи қизларига ҳам тиббий хизмат кўрсатиш кенг йўлга қўйилган, – дейди биз билан суҳбатда марказ бош шифокори Маҳбуба Арифханова. – Шифокорларимизнинг тажрибаси, илмий салоҳияти жуда юксак. Уларнинг 21 нафари олий тоифали шифокор, 4 нафари эса тиббиёт фанлари номзоди ҳисобланади. Шунингдек, стационаримизда Республика шифокорлар малакасини ошириш институтининг 2 та кафедраси жойлашган бўлиб, профессор, фан доктори ва номзодлари бўлмиш етук мутахассислар беморларни назорат қилиб, ўз маслаҳатларини беришади. Текшириш, ташхис қўйиш, даволаш учун зарур бўлган тиббий асбоб-ускуналар, дори-дармонлар билан ҳам тўла таъминланганмиз. Биз ишлаб чиққан марказни янада такомиллаштириш лойиҳаси ўтган йили Япония элчихонаси томонидан 50 минг АҚШ доллари миқдоридаги грантга эга бўлгани қўлга киритилаётган ютуқларимиздан биридир.

Ўғил-қизларимизни соғломлаштириш даражаси марказ иш бошлаган 1996 йили 40 фоиз бўлса, бугунги кунда 86 фоизни ташкил этмоқда. Бу ҳам ходимларимизни иш сифатига, малакасига, куйинчакликларига яққол мисол бўла олади.

Вазирлар Маҳкамасининг қарорига биноан 2003 йилда ташкил этилган Республика муқобил тиббий комиссиясига бугунги кунда марказ бош шифокори раислик қилмоқда. Бу эса нафақат менга, балки бутун жамоамиз ходимларига қўшимча масъулият юклайди. Энг муҳими, биз юртнинг эртанги кунини, тараққиётини белгилайдиган ёш авлодни соғломлаштириш, ўсмир йигитларни ҳарбий хизматга тайёрлаш, мамлакат мудофаа салоҳиятини янада юксалтиришдек эзгу ишларга ўз ҳиссамизни қўшаётганимиздан, ҳарбийларга ҳақиқий ҳамкорлигимиздан жуда фахрланамиз.

Майор Азимбек УСМОНОВ,
«Ватанпарвар» мухбири.

В ОСО «Ватанпарвар»

КАЖДОМУ ПРИЗЫВНИКУ – ГЛУБОКИЕ ЗНАНИЯ

Успешно выполняет задания по подготовке специалистов для Вооруженных Сил Самаркандская автошкола организации содействия обороне «Ватанпарвар» Самаркандской области, которой руководит Хамид Халиков. Здесь курсантам прививаются навыки по вождению, техническому обслуживанию и устранению возможных неисправностей автомобилей. Это требует, естественно, хорошей материально-технической базы.

В этой автошколе есть все необходимое для плодотворной учебы – кино-лекционный зал, методический кабинет, спортзал, спортгородок, класс автотренажеров, пункт технического обслуживания, гараж, автодром. Классы для изучения материальной части оснащены разными агрегатами, узлами, деталями, действующими электрифицированными стендами и другими техническими средствами обучения. Хорошо оборудованы классы для лабораторно-практических занятий, что позволяет качественно отрабатывать упражнения, предусмотренные программой обучения.

В школе немало высококвалифицированных преподавателей и мастеров: Мансур Уруков, Мехрож Вафаев, Мусин Сабиров, Уктам Бобомурадов, Мурод Хасанов, Ахоб Умеров, Ахриддин Назаров, Ризакул Алмикулов, Толиб Санакулов, Бахрилло Ахтамов. Уктам Утамишев работает в школе 15 лет, Александр Синицын – свыше 20 лет. Большим авторитетом пользуются в коллективе опытные преподаватели по устройству автомобиля и БТР Рахмонкул Маматов и Шахоб Умаров.

Организация учебного процесса в этой автошколе – как в воинском подразделении. Распорядок дня здесь действительно армейский.

В учебных организациях ОСО «Ватанпарвар» Самаркандской области постоянно ведется работа по обобщению и распространению передового опыта лучших преподавателей и мастеров. Так, лучшим преподавателем является Владимир Сурнин, а лучшим мастером производственного обучения – Александр Синицын. Их методика преподавания и проведения лабораторно-практических занятий повсеместно изучается и находит широкое применение. Они умело вызывают у курсантов большой интерес к изучаемой теме, используя наглядность, а также простой и проверенный методический прием – «Делай, как я».

В оборонных организациях «Ватанпарвар» области привлекают молодежь к научно-техническому творчеству, распространяют военные знания. В технических и других кружках юноши приобретают военно-технические знания и повышают практические навыки.

– Важной составной частью всего учебного процесса, – говорит заместитель начальника Самаркандской автошколы Фуркат Хамидов, – является патриотическое воспитание курсантов, формирование их мировоззрения, сохранение от враждебного идеологического влияния. Мы строго выполняем программу духовно-нравственного воспитания, способствующую развитию у курсантов целеустремленности, необходимых морально-волевых качеств, приобретению четких жизненных позиций, повышению физического и нравственного уровня.

В первичных организациях ОСО «Ватанпарвар» школ, средних и высших учебных заведений проводится немало интересных мероприятий. Особой популярностью пользуются встречи с ветеранами войны 1941 – 1945 гг., труда и Вооруженных Сил. Гости рассказывают о пройденном ими боевом пути, о том, как воевали, служили и трудились.

Неизгладимое впечатление на подростков оказывает посещение воинских частей Самаркандского гарнизона. Ребята с интересом знакомятся с армейской службой, жизнью и бытом воинов, с техникой и оружием, которыми умело управляют сегодняшние защитники Родины.

Хорошей традицией в Самаркандской областной ОСО «Ватанпарвар» стало проведение во всех учебных заведениях уроков мужества. Их проводят ветераны Вооруженных Сил, офицеры и военнослужащие по контракту Самаркандского гарнизона. Важным средством воспитания морально-волевых и психологических качеств, повышения физической закалки молодежи, готовящейся к службе в Вооруженных Силах, являются технические и военно-прикладные виды спорта. В 2005 году во всех школах Самаркандской области прошли соревнования по стрельбе. Интересно прошли состязания по автомобильному спорту, а также патриотические игры «Шункорлар».

Подготовил Петр НАГОРНЫЙ.

Мутолаа

Озод ШАРАФИДДИНОВ

КИТОБ – МАДАНИЯТ АЛИФБОСИ

(«Экология ва маданият» мақоласидан)

Бугунги маданиятимизнинг ривожи билан боғлиқ яна бир муҳим масала бор. Бу– китоб масаласидир. Китоб– маданий ҳаётда нечоғлиқ катта ўрин тутишини махсус тушунтириб ўтиришнинг ҳожати бўлмаса керак. Яқин-яқинларда ҳам китоблар 60 минг, 100 минг ададда чоп этилар ва бир-икки йил ичида сотилиб кетарди. Бундай китоблар ўқувчилар ўртасида қўлма-қўл ўқилар, улар тўғрисида қизғин баҳслар бўларди. Афсуски, ўтган асрнинг ўрталаридан бошлаб китоб ўзининг жамият ҳаётидаги етакчи ўрнини йўқотиб қўйди. Бунга, биринчи навбатда, ижтимоий ҳаётдаги алғовдалғовлар сабаб бўлди. Ҳозир эса китобларнинг кам тарқалаётганига моддий омиллар сабаб қилиб кўрсатилмоқда. Лекин бу унчалик тўғри бўлмаса керак. Китоб яхши бўлса, китобхон, нархидан қатъи назар, бугун ҳам уни сотиб олмоқда. Масалан, «Саодатга элтувчи билим» китоби ўн минг сўмдан ортиқ бўлишига қарамай қисқа фурсатларда сотилиб кетди. Ҳозир уни одамлар кундузи чироқ ёқиб, қидириб ҳам топа олмаяпти.

Китоб чиқариш ишларининг ўзи ҳам сусайиб кетди. Кўпгина нашриётлар қўлёзмани қўлтиқлаб кириб келган муаллифни кўриши билан «қанча тўлайсиз?» деб унинг моддий имкониятини суриштиради. Бундай ҳол эса кўпинча сифатсиз китобларнинг ҳам чиқиб кетишига сабаб бўлмоқда. Бугунги китоб дунёсида том маънода иш юритиб турган иккита нашриётни кўрсатиш мумкин. Булар – «Шарқ» концерни ва «Маънавият» нашриёти. Улар бир неча йилдан бери ҳайрон қоладиган изчиллик билан яхши-яхши китобларни чоп этиб келяпти. Бу эса одамлардаги китобга бўлган эҳтиёжни, бир қадар бўлса-да, қаноатлантириб турибди. Айни чоғда китоб савдосининг буткул издан чиқиб кетганини айтиш керак. Тошкентда ва бошқа шаҳарлардаги машҳур ва муҳташам китоб дўконлари ёпилиб, уларнинг ўрнига қандайдир ташкилот ва офислар ўрнашиб олди. Китоб дўконларига эса бирор универмагнинг зинаси тагидан жой берилмоқда. Бунинг устига, китоб дўкони пештахталарига қишлоқ хўжалиги ёхуд саноатнинг бирор тармоғига оид эски рисолалардан қўйиб қўйишади. Буни «китоб савдоси» деб атаб бўлмайди. Бу– китобни ҳақорат қилишдан ўзга нарса эмас.

Ахир, ёшларимиз маданият алифбосини нимадан ўқиб-ўрганади? Дейлик, бирор вилоят ёки олис туманда яшайдиган одамлар керакли китобни олгани Тошкентга шунча йўл босиб келиши керакми? Китоб умуман йўқ бўлса ёки етарли бўлмаса одамларнинг умумий савиясини қандай кўтарамиз?

Кўриниб турибдики, экология соҳасидаги муаммолар қай даражададир маданият соҳасида ҳам пайдо бўлмоқда. Шу боис маданият ва экология масаласи жуда жиддий эътибор билан қарашни, бу борада ҳамма зиёлилардан уюшган ҳолда изчил иш олиб боришни талаб қилади.

КЕНГ ҚИРРАЛИ ИЖОДКОР

«Жўра Фозилни кимдир ёзувчи дейди, бошқа биров журналист, яна кимдир эса уни тарихчи, яна кимлардир адабиётшунос, таржимон сифатида танийди». Миллий матбуот марказида тарқатилган пресс релиз ана шундай сўзлар билан бошланган. Бу бежиз эмас. Негаки, Жўра Фозил ҳақиқатан ҳам кенг қиррали ижодкор. Журналист сифатида ҳам, ёзувчи сифатида ҳам танилиб, эл оғзига тушган. Ёзган мақолалари, ҳикоялари, тарихий мавзудаги қиссаларини таъриф-тавсиф этишга ҳожат йўқ. «Айрилиқ остонаси», «Бухорийнинг қайтиб келиши» номли китобларининг тақдимот маросимида олимлар, ёзувчилар, тарихчиларнинг билдирган фикрларидан буни янада теран англаб олдик.

Тақдимот маросимини Миллий матбуот маркази раҳбари Фахриддин Низомов олиб борди. Шуни таъкидлаш жоизки, тадбирда ҳарбийларимиз ҳам иштирок этишиб, ҳатто ёзувчининг ижоди борасида фикрлар билдиришди. Сабаби, ижодкорнинг китобларида, айниқса, тарихий қиссаларида турли даврлардаги жангу жадаллар, лашкарбоши, саркардалар, уларнинг Ватан, халқ ҳимояси йўлидаги мардонавор курашлари акс этган-да. Масалан, «Бухорийнинг қайтиб келиши» китобидаги «Бухоро маликаси» тарихий қиссасини олайлик. Юртини араб босқинчиларидан ҳимоя қилган, ҳатто қўшинни ўзи жангга бошлаб кирган малика Қабожнинг жасорати ҳақида ўқир экансиз, унда Тўмариснинг шижоатини, мардлигини кўргандай бўласиз. Ёки «Қизил қуюн» қиссасидаги миллий озодлик учун курашган амир, беклар, қўрбошиларимиз жасоратининг бадиий бўёқлардаги талқини сизни бефарқ қолдирмайди.

«Айрилиқ остонаси» китобидаги «Бойқўнғир ҳикоялари» туркуми орқали эса шўро тузуми даврида армия сафларида хизмат қилган, турли ноҳақлик, адолатсизликларни бошидан кечирган ўзбек ўғлонининг ҳаёти кўз олдингизга келади.

Юқорида таъкидлаганимиздек, тақдимотга тўпланган бир гуруҳ олимлар, тарихчилар, адабиётчи ва ёзувчилар ҳар иккала китобнинг тарихий, бадиий аҳамияти тўғрисида ранг-баранг фикрлар билдиришди. Айниқса, Бойбўта Дўстқораев, Қаҳрамон Ражабов, Азим Маликов, Ғулом Карим, подполковник Чори Насриддиновларнинг чиқишларини айтиб ўтиш лозим.

– Тақдир тақозосини қаранг, мазкур китобларимга 14 йиллик меҳнатим, яъни мустақиллик йилларидаги ижодим киритилган. Истиқлолимиз сабаб бундай китоблар чоп этиляпти, тарихий адолат тикланмоқда. Ўтмишимизни бор «бўй-басти» билан ўрганяпмиз, талқин этяпмиз, – дейди муаллиф.

Тадбирда оммавий ахборот воситалари вакиллари, ёзувчининг мухлислари ҳам иштирок этишди. Пировардида кўнгилдан шундай бир фикр ўтди. Ижод аҳлининг янги-янги асарлари Миллий матбуот маркази орқали тарғиб-ташвиқ қилиниб борилса, бу ҳам ёзувчиларимизнинг машаққатли меҳнатларига эътибор бўларди, ҳам китобхонлар сафини кенгайтиришга хизмат қиларди.



Майор Ш.ТОЛМАСОВ.

Идеология терроризма

Айдын ГУДАРЗИ

ИДУЩИЕ РЯДОМ, НО НЕ С НАМИ

(Продолжение. Начало в предыдущих номерах).



В ходе подготовки материала к этой книге, вчитываясь в многостраничную статистику террористических актов за двадцать один год (1968 – 1989 гг.), мне было сложно избавиться от предположения, что Заллум, составляя свое постановление 1988 года, не пользовался теми же данными. И как знать, не обратил ли и он внимание на одну закономерность – соотношение числа террористических актов, проведенных в Великобритании и в других государствах. Позже, через несколько лет, эту закономерность прокомментировал лидер организации аль-Мухаджирун, поставив многих британских политиков своей откровенностью в неловкое положение.

...В очередной раз текст Заллума был распространен по «вилоятам» в июне месяце 2001 года в уже упомянутом 170-м номере журнала «Al-WAIE» (узбекско-язычная версия «Онг Ал-ваъй») в статье «Шахид булиш амалиетлари». Напомню – журнальная публикация появилась за четыре месяца до совершения алькаидовцами серии сентябрьских террористических акций в США. Но и после третьего появления заллумовского текста ни в одной из стран развитой демократии открыто не был задан вопрос – насколько можно считать случайным его появление накануне сентябрьского теракта 2001 года?

Без широкого обсуждения, в частности, и в международных СМИ, остался не менее любопытный факт: один из видных активистов отделения хизбут-тахрировцев в Германии, гражданин Австрии Шакер Ассем, с лета 2001 года преподавал на курсах в группе «исламского учения». Организатором курсов был египтянин Мухаммад Атта – пилот-самоубийца, участник террористической акции 11 сентября 2001 года. То, что хизбуттахировский лектор использовал тезисы из литературы своей организации, несомненно. Иначе зачем его было приглашать в аудиторию. Очевидно и оглашение им на лекциях заллумовской фетвы 1988 года, обосновывающей использование авиалайнера в качестве орудия, направленного на ненавистных ему кяфиров. Личность Шакер Ассема примечательна и другими характеристиками. И, возможно, главная из них – удачно складывающиеся отношения с властями сразу нескольких европейских стран. Одним из активных агитационных рупоров Хизб ут-Тахрир в Европе является венский радикально-исламский и антисемитский журнал «Explizit». Его издателем, впрочем, и автором многих публикаций является все тот же Шакер Ассем. Данное печатное издание не распространяется в государствах Центральной Азии, но по жанровой тематике публикации идентичны текстам из журнала «Al-WAIE». Но и это не все. Незадолго до известного запрещения деятельности Хизб ут-Тахрир в Германии в 2002 году, в Техническом университете Берлина по заведенной традиции в пятницу проводилась еженедельная молитва для студентов-мусульман. И все бы ничего, если бы молодежи не раздавали хизбуттахировское издание «Explizit». На одной из его страниц в очередной раз хрестоматийно сообщалось, что территория Палестины от моря до Иордана является территорией ислама. Устные комментарии к классике терроризма делал все тот же бессменный европеизированный пропагандист смерти Шакер Ассем, призывающий слушателей на практике принять участие в освобождении арабов, понятно, под чьим контролем. При этом не жалея собственных жизней. Выступая в роли политрука военного джихада, он традиционно не уточнял, что никогда не включал себя в список «призываемых к смерти».

На лекции присутствовали именитые гости – Хорст Малер, прикрытый статусом адвоката Национал-демократической партии Германии (НДПГ) и неонацист Удо Фог, не скрывающий своих политических пристрастий. В тот год (впрочем, как и раньше) подобные сходки квалифицировались руководством берлинского учебного заведения, как «обмен мнениями», в котором никто из ученых ничего предосудительного не видел. В ходе одной из моих бесед знакомый европейский эксперт уточнил: «Это не единственный случай встречи хизбуттахировцев с лидерами неонацистов. Но считать это нормой было бы ошибкой. Чем кончаются подобные встречи? Ссылаясь на добрую память Набхани, уважающего Гитлера за неоднозначное отношение к евреям, хизбуттахировцы в ходе запрета властей на их деятельность в Германии просят неонацистов поддержать их протестными акциями».

В 2003 году в процессе ужесточения отношения к исламистским радикальным организациям и движениям хизбуттахировцы на самом деле обратились к неонацистам за поддержкой. Эта поддержка в последние годы символизирует единение берлинских «коричневых» с воинствующими исламистами. Подтверждений этому масса. Одно из них – впечатляющая дружба со швейцарским исламистом Ахмадом Хубером (Ahmad Huber), периодически взлетающим на трибуну НДПГ, даже после 11 сентября не скрывающего связей с Бен Ладеном. В среде исламистов и неонацистов упоминание имени террориста №1 считается признаком хорошего тона и выражается это с долей политической бравады.

В ноябре 2002 года власти Германии, до этого долгое время наблюдавшие за деятельностью Хизб ут-Тахрир в стране, сочли возможным провести 25 адресных рейда. Правда, в ходе их проведения никого не арестовали. По официальному мнению министра внутренних дел Германии, экспертам не удалось обнаружить признаков организованной структуры. «Мы вынуждены учитывать, – заявил он, – что настоящая организационная база расположена за рубежом». Какую страну он подразумевал, автор оставил без комментария. Но это не помешало впоследствии ввести запрет на деятельность этой организации. Хизбуттахрировцы же прекратили работу своего Интернет-сайта до конца 2004 года.

В Германии не остановилась и подпольная вербовка мусульманской молодежи. В ноябре 2003 года один из хизбуттахрировцев, задержанный в Гамбурге, заявил, что дела немецкого отделения Хизб ут-Тахрир идут неплохо. «В стране работают десять наших братьев, – уточнил он. – Они поддерживают связь с аналогичными структурами в Бельгии, Голландии, Турции, Египте, Италии и Франции».

На меня после прочтения этого сообщения особое впечатление произвела цифра «десять» – более чем скромная оценка численности хизбуттахрировцев в Германии. Задержанный не исключал связи германского отделения партии с британским отделением, которое считал «нервным центром» организации, уточнив, что один из шейхов, проживающих в Германии, выделил большую сумму средств – «они позволяют действовать в полной независимости от чьих-либо условий».

Нередко многое из того, что в Западной Европе, как, впрочем, и в США, связано с оценкой Хизб ут-Тахрир, мне напоминает любовь родителей к великовозрастному дитяти. Он обещает начать уничтожение соседей по улице, после чего взяться за перевоспитание родителей. Родители на эти угрозы умиленно улыбаются, успокаивая себя и окружающих словами: «У нас есть время, и поверьте, наше чадо поумнеет. Более того, станет похожим на нас – демократичных и толерантных». Сегодня «родители» начинают осознавать, что время упущено, а дите к пятидесяти годам не то что «поумнело», наоборот, регрессировало в представлениях о демократии и толерантности.

...Насколько были оправданы надежды «родителей»? Впервые закон по «предотвращению» терроризма в Великобритании приняли в семидесятых годах (XX в.). Необходимость его принятия была связана с деятельностью Ирландской республиканской армии (ИРА). В период 2000 года в связи с расширившейся за неполные тридцать лет деятельностью международных террористических организаций была принята новая редакция закона. Его видоизменение позволяло проведение «досмотра личных вещей у подозрительных лиц» на улице. Ранее это допускалось в случаях полной уверенности наличия оружия у подозреваемого лица. В редакцию закона были введены и новые виды преступлений:

– призыв к совершению теракта;

– поиск или оказание услуг по обучению для совершения терактов в стране или за границей;

– инструктаж или обучение по использованию огнестрельного оружия, взрывчатых материалов, химического, биологического или ядерного оружия.

(Продолжение следует).

ТЕНГДОШ • РОВЕСНИК • TENGDOSH • ТЕНГДОШ • РОВЕСНИК • TENGDOSH • ТЕНГДОШ • РОВЕСНИК

МАТОНАТ САРИ ДАСТЛАБКИ ҚАДАМ

Андижон вилояти Асака туманининг Ниёзботир қишлоғида 25-ҳарбий касб ва спортга ихтисослаштирилган мактаб-интернат бор.

Мактаб-интернат директори Акбарали Ҳайдаров ёшларни ватанпарварлик руҳида тарбиялаш ишига ўзига хос эътибор қаратмоқда.

Ўқув даргоҳи дастлаб «Ҳарбий-спорт лицей-интернати» деб аталганди. 2004 йилда номи «Ҳарбий касб ва спортга ихтисослаштирилган мактаб-интернат» қилиб ўзгартирилди. Бу ерда ҳозир 288 нафар ўқувчи таълим олмоқда. Уларнинг 153 нафари биринчи босқич ўқувчиларидир, барчаси соғлом, бақувват ва билимга чанқоқ ёшлар. Ўқувчилар орасида Фарғона водийси вилоятларидангина эмас, ҳатто Сирдарё, Сурхондарё ва Қашқадарё вилоятларидан келган ёшлар ҳам бор. Улар бу даргоҳга қизиқиб, ҳавас билан келмоқда.

– Ўқув даргоҳимизда ўқувчиларга чуқур билим бериш, жисмоний чиниқтириш, ҳарбий касбга ҳавас уйғотиш ҳамда уларнинг яшаши учун қулай шароитлар яратилган, – деди биз билан суҳбатда илмий бўлим мудири Расулжон Зокиров. – Масалан, ўқувчиларга умумий таълим фанларидан дарс берувчи ўқитувчилар асосан олий ва биринчи-иккинчи тоифали бўлса, чақириққача бошланғич тайёргарлик ва спорт-дан сабоқ берувчиларнинг барчаси захирадаги офицерлардир. Математика ўқитувчиси Аъзамжон Қодиров, ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси Қодиржон Гофуров, жисмоний тарбия ўқитувчиси Одилжон Гофуров, 1-гуруҳ раҳбари Алишер Ҳамидовлар таълим-тарбия соҳасининг фидойиларидир.

Илмий бўлим мудири суҳбат давомида ўқувчиларга ҳар куни тўрт маҳал иссиқ овқат берилиши, улар учун шинам ётоқхона, ўқув хоналари, маънавият ва маърифат зали барпо қилинганлигини таъкидлади. Спорт мусобақалари ва ҳарбий касб машқларини ўтказиш учун алоҳида майдонлар бор.

Таълим-тарбия жараёни қатъий жадвал асосида олиб борилади. Ўқувчиларнинг умумий таълим предметларидан берилган вазифаларни бажаришига, спортнинг ўзлари танлаган турлари билан мустақил шуғулланишларига ўқитувчилар яқиндан ёрдам берадилар.

Ўқувчиларни ҳарбий касб сирларидан хабардор қилиш, келгусида ҳарбий касб эгаси бўлишларига ҳавасини кучайтириш бизнинг асосий вазифамиз, – деди мактаб-интернат директорининг ўринбосари, захирадаги майор Ботиржон Тошпўлатов. – Бунинг учун Шарқий ҳарбий округдаги ҳарбий қисмлар билан яхши ҳамкорлик ўрнатганмиз. Вақти-вақти билан ҳарбий қисмларга экскурсия уюштирамиз. Шунда ўқувчилар аскарлар ҳаётини бевосита кўриб, улар билан яқиндан суҳбатлашиш, ҳарбий техникалар ва қуролларнинг намуналари билан танишиш имкониятларига эга бўладилар.

Мактаб-интернат педагоглари нафақат бугун битираётган балки, илгари ўқиб кетган собиқ ўқувчилари тақдири ҳақида ҳам мониторинг олиб боришлари бизни қувонтирди. Машғулотларда битирувчиларга собиқ ўқувчилар эришган ютуқлари ҳақида сўзлаб бериб, улардан ибрат олишга руҳлантирадилар. Намуна қилиб кўрсатишга эса арзийдиган собиқ ўқувчилар оз эмас. Масалан: ўқув даргоҳида дастлабки йилларда ўқиган Ҳусниддин Мирзақулов, Абдуллажон Мирзакаримов, Бахтиёржон Қосимов, Хуршидбек Икромов, Азизбек Мамажоновлар кейинчалик олий ҳарбий билим юртларида ўқиб, Ўзбекистон Қуролли Кучларининг юқори малакали офицерлари бўлиб етишибдилар. Улардан бири, капитан Бахтиёржон Қосимов террорчи гуруҳлар Сурхондарё вилояти ҳудудига суқилиб киришга уринганда, уларни бартараф этишда қатнашиб, матонат кўрсатганлиги учун «Жасорат» медали билан мукофотланибди. Ҳозир ўқиётган ўқувчилардан бири Мансур Давлатов халқаро мусобақада қатнашиб, юнон-рум кураши бўйича олтин медаль совриндори бўлибди.

Биз ўқув даргоҳида ота-оналар ва ўқувчиларнинг айримлари билан суҳбатлашдик.

Майор Сулаймонжон Усмоналиев, Фарғона вилояти Олтиариқ туман мудофаа ишлари бўлими хизматчиси:

– Тўнғич ўғлим Жавлонбек бу йил шу мактаб-интернатга ўқишга кирди. Бугун устозлари билан суҳбатлашиб, яшаш шароитларини кўриб кўнглим тўлди. Бу ердаги ўқиш ўғлимнинг келгусида олий ҳарбий билим юртига киришига ҳақиқий замин бўлади, деб ўйлайман…

Санобархон Қобилова, Андижон шаҳридан, ўқитувчи:

– Ҳарбий касб - мардлар касби, деб ҳисоблайман. Набирам Сайёдбек Мамажоновнинг ҳам ҳарбий бўлишини хоҳлаб, шу мактаб-интернатда ўқишга қизиқтирдик. Ўқиш маъқул келганлиги чеҳрасидан, хатти-ҳаракатидан билиниб турибди. Мен хурсандман.

Мақсудахон Ҳамдамова, Наманган вилояти Янгиқўрғон туманидан, уй бекаси:

– Умиджон ўғлим Термиз шаҳрида, чегара қўшинлари сафида хизмат қилиб қайтди. У ўқишни давом эттириб, офицер бўлмоқчи. Укаси Анварбек ҳам шунга аҳд қилиб, мактаб-интернатга ўқишга кирди. Яхши ният – ярим мол, дейдилар. Яқин йиллар ичида Ватан посбонлари орасида ака-ука Ҳамдамовлар бўй кўрсатса, ажабмас! Уларга омад тилайман!

Ҳа, биз ҳам келажакда Қуролли Кучлар офицери бўлиб, Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлашга, эл тинчлигини сақлашга аҳд қилиб, мактаб-интернатга ўқишга кирган барча қалби қайноқ, шижоатли ёшларга омадлар тилаймиз. Бу ёшларнинг аҳду-паймони, шижоати миллий армиямизнинг шон-шарафидир.

Маҳмуджон НОРХЎЖАЕВ,
журналист.

КАДРЫ РЕШАЮТ ВСЕ

Чем быстрее развиваются информационные технологии, тем больше ощущается нехватка специалистов. И наша страна в данной области – не исключение.

Разрешить эту проблему во многом помогают специализированные учебные центры. Имея на вооружении отлично отлаженные программы обучения и высококвалифицированный персонал, они пользуются огромной популярностью и востребованностью. Однако они, как правило, платные, а это означает, что не каждый имеет возможность обучаться на такой основе. Неужели ситуация тупиковая? Конечно же, нет. На помощь придет Центр подготовки и поддержки молодых программистов (ЦППМП), который проводит обучение студентов, бакалавров, магистров и аспирантов за счет средств Фонда развития информационно-коммуникационных технологий УзАСИ (Узбекского агентства связи и информатизации).

Данный центр был создан при поддержке УзАСИ и отечественных компаний сферы информационных технологий. ЦППМП обладает современным парком компьютерного оборудования и опирается на накопленный технологический и организационный опыт компаний – разработчиков программного обеспечения. Для проведения обучения в ЦППМП привлечен преподавательский состав, профессиональный уровень которого подтвержден международными сертификатами.

Престиж центра подкрепляется и его участием в программе корпорации «Microsoft». Это дает слушателям право на получение международного сертификата со статусом «Microsoft Certified Profesional», который является одним из наиболее признанных в области IT.

Обучение в этом центре состоит из 2-х уровней. Первый (начальный) предоставляет базовые знания, а точнее, умение работать со стандартным набором программ Microsoft, в операционной среде Window, с программами Word, Excel, в Интернете. Сюда же включена сборка и модернизация компьютеров. Второй уровень (профессиональный) требует наличия базовых знаний и навыков работы на компьютере. Именно этот уровень непосредственно предназначен для овладения навыками программирования. По рекомендациям вузов постоянно формируется контингент слушателей ЦППМП.

– Качество обучения – это наш главный критерий, – рассказывает технический директор центра Атхам Миразизов. – Мы стремимся дать реальные знания и практические навыки в программировании. Сегодня студенты в основном проходят теорию, и в результате получается, что они не умеют использовать инструмент под названием IT. И нашей целью является устранение этого разрыва с помощью курсов. Для еще большего закрепления материала слушателям будут предоставляться дополнительные часы и дни для самостоятельных занятий. Лучшие ученики будут привлекаться к решению тех или иных задач в реальных, «живых» проектах, а также направляться на стажировку для обмена

опытом с ведущими IT-компаниями.

Как видим, перспективы и возможности реализоваться у нашей молодежи огромны. Каждый студент, будь он гуманитарий, естественник или технарь, может научиться решать практические задачи именно с помощью информационных технологий.

Аброр ЕСХОДЖАЕВ.

ЦЕНИТЕ КНИГУ

Во все времена бытовало мнение, что настоящий студент живет на три дома: первый – собственно отчий кров, второй – студенческая столовая и третий – библиотека. Идут годы, меняются поколения студентов, а популярность третьего дома все возрастает. Среди бесконечных стеллажей непременно найдется то, что нужно – томик Толстого, брошюра по выращиванию бахчевых культур. Это, конечно же, в идеале, а каково истинное положение дел? С этим вопросом мы отправились в Научную библиотеку Национального университета Узбекистана имени Мирзо Улугбека.

– Несмотря на то, что библиотека располагает более чем двухмиллионным фондом, сегодня катастрофически не хватает свежих поступлений, – говорит заведующая сектором отдела обслуживания Анна Григорьева. – А тем временем ежедневно около ста человек подают заявки на книги. Самые большие книголюбы – филологи. Если химикам или биологам не хватает Булгакова или Шекспира, – смело можно «винить» будущих литературоведов. Но есть случаи, когда книги просто пропадают...

Во время знакомства с делами библиотеки был выявлен довольно любопытный факт: самыми недобросовестными читателями, как это ни странно, являются преподаватели. Они, забирая те самые учебники, которые рекомендуют своим студентам, не возвращают их годами. В отделе обслуживания для таких должников отведен специальный ящик картотеки. Загляните в любую абонементскую книжку и увидите наименования невозвращенных с 1996 года книг. Еще одна проблема – порча книг.

– Взяла недавно учебник по средневековой истории Европы, чтобы лучше подготовиться к семинару, – искренне возмущается студентка факультета политологии Марина Исхакова. – Из трехсот страниц я не досчиталась около половины. Вырывают целыми блоками.

Что и говорить, культура некоторых читателей действительно пока низкая. Многие ящики каталога пестрят рисунками и надписями. Складывается впечатление, что едва ли не каждый посетитель считает своим долгом оставить надпись вроде: «Здесь был Вова».

Необходимо отметить, что научная библиотека не является единственной в Национальном университете. Здесь имеется также и роскошная ректорская библиотека, где хранится литература, изданная после 1992 года, а также вся периодика за минувшие 150 лет. Там действует система свободного пользования, при которой посетители могут пользоваться книгами в пределах читального зала. Однако из-за отсутствия должного контроля и здесь нередки случаи недобросовестного обращения с книгой. При каждом факультете функционируют и собственные библиотеки, в которых главным образом представлена литература по профилю обучения. Но и в этой бочке меда есть своя ложка дегтя.

– Очень хорошо, что в факультетской библиотеке можно найти современную литературу, – говорит студент юридического факультета Сухроб Убайдуллаев. – Но все эти книги – в единственном экземпляре. Выдают их в читальный зал или под паспорт на 3 дня. А как тогда заниматься в течение семестра?

Думается, многие назревшие проблемы найдут свое разрешение после того, как библиотека переедет в новое здание. Нынешнее же книгохранилище, построенное еще в 60-е годы прошлого столетия, пришло в аварийное состояние. Правда, когда это произойдет, пока неизвестно, поскольку обещания ректора университета Р.Ашурова о предоставлении нового помещения повисли в воздухе. И все же, несмотря ни на что, библиотека работала и продолжает работать, даря своим читателям приятные минуты общения с миром прекрасного. А потому очень хотелось бы, чтобы и обратная связь была соответствующей.

Р. ЗАМОНОВ.

ГОСТЬ ИЗ РОССИИ

В Национальном университете Узбекистана имени Мирзо-Улугбека состоялась творческая встреча студентов факультета русской филологии, преподавателей русского языка и литературы с известным московским поэтом и прозаиком Глебом Шульпяковым.

Ташкент он посещает в четвертый раз, дважды становился участником открытий столичных литературных фестивалей.

На встрече с поэтом обсуждались вопросы современной прозы и поэзии, говорилось о молодых авторах, новых изданиях и журналах. Было названо немало фамилий ташкентских писателей, пользующихся популярностью в литературных журналах России. Среди них часто звучало имя Санжара Янышева, не только известного и востребованного на сегодняшний день автора, но и участника многих международных фестивалей.

Лия АХМЕТЧАНОВА,
Ромина ТУЛЯКОВА.

СПОСОБСТВУЕТ ОБЪЕДИНЕНИЮ УСИЛИЙ

На днях в столичной гостинице «Интерконтиненталь» состоялась 2-я Международная выставка «Строительство. Строительная техника. Строительные материалы – «Expo Construction-2005».

Данная выставка воплотила в себе все лучшее, что сегодня имеется как в строительной индустрии Узбекистана, так и в широкого спектра иностранных организациях.

Экспозиция собрала под своей крышей около 40 компаний и производителей из Узбекистана, Германии, России, Казахстана, Беларуси, Украины, Франции, Турции, Швейцарии, Польши и других стран. Примечательно, что 45 процентов участников данной выставки – новые компании, что, безусловно, подтверждает стремительное развитие строительной индустрии в нашем регионе.

Одним из таких новичков стал Ферганский завод гидроизоляционных материалов. Он был основан 1 июля 2005 года для производства рулонных, кровельных и гидроизоляционных материалов.

– Автоматизированная система управления линий завода позволяет добиться высокой производительности материалов марки «Велифлекс» при минимальном количестве рабочего персонала, гарантируя при этом высокое качество и конкурентоспособную цену продукции, – рассказывает Денис Жеребятьев, начальник технического отдела. – Что касается выставки, то подобные мероприятия дают возможность молодым компаниям показать себя. Кроме того, здесь происходит обмен опытом. Нужно отметить, что особое внимание в экспозиции уделено модернизации существующего жилищного фонда с целью повышения комфортности, теплозащиты и кондиционирования, созданию нового поколения строительных материалов и конструкций с высоким уровнем дизайна, использованию местного сырья в производстве строительных изделий.

Действительно, сегодня для строителей Узбекистана все большую актуальность приобретает поиск новых возможностей для совершенствования жилищного строительства. И значение таких выставок, как «Expo Construction», огромно, так как они способствуют укреплению и развитию торгово-экономических отношений, внедрению новых технологий и привлечению инвестиций. Организаторы уверены, что выставка будет способствовать объединению усилий коммерческих и производственных организаций в укреплении делового сотрудничества между производителями и потребителями строительного рынка.

А. ТАЛАБАЕВ.

ТУШДАГИ – ТУШ

Талаба эдим. Одатдагидан эртароқ ҳаммамиз нонушта қилдик. Укаларим ўқишга кетишди. Биринчи соатда дарсим бўлмаганлиги боис, уйдан кечроқ чиқмоқчи эдим…

Бир муддат китоб ўқишга берилиб кетибман. Кейин қўшни уйда турадиган курсдошим Акмалга телефон қилиб, бирга кетишимизни айтиб, уйга чақирдим. Ҳар доим ўқишга бирга борардик-да. Энди курткамни эгнимга ташлаган эдим, Акмал кириб келди.

Уйнинг калитини излаб тополмадик. Укаларим олиб кетишибди. Бошим қотиб қолди. Эшикни очиқ қолдириб кетиб бўлмайди. Ичкаридан ёпиб, деразадан чиқиб кетишнинг ҳам сира иложи йўқ. Хонадонимиз биринчи қаватда бўлганлиги боис, деразаларга панжара ўрнатилган.

– Бўпти, сен боравер. Кўриб турибсан, иложсиз қолдим, – дедим дўстимга.

У кетгач, ўйга толдим. Соатга қарасам, 10:45. Беихтиёр тўшакка чўзилдим. Кўзим илинибди. Ажабланарлиси шундаки, қаттиқ ухлаганим йўқ. Бир пайт даҳлиздан оёқ товуши эшитилди. Кимдир келди чоғи, деб ўрнимдан турмоқчи бўлдим. Қани жойимдан қўзғалолсам! Бошим қаттиқ оғриб, юрагимнинг уруши ўзимга эшитиларди. Бақирмоқчи эдим, овозим ҳам чиқмади.

Бор кучимни тўплаб, базўр ўрнимдан турдим. Атроф туман, оёқларим ўзимга бўйсунмайди. Ҳар томонга қийшайиб кетарди. Жудажуда енгил эдим. Қаттиқроқ шамол ҳам мени бамисли хасдек учириб кетадигандек туюлди. Туш кўраётганимни англаб турибман, хавотирланиб, нима қилиб бўлсада, уйғониш ҳақида ўйлардим. Оёқ товуши эшитилган томонга юрдим. Эшикдан чиқишим билан рўпарамдан бир киши чиқди. Юз тузилишини аниқ кўролмадим. Икки кўли билан бўйнимга чанг солди. Яқинлаштирмасликка ҳаракат қилгандим, кучим етмади. Лекин нимагадир қўрққаним ҳам йўқ. Калима қайтаргандим, одам ўз-ўзидан ғойиб бўлди. Бояги манзарани эслаб, энди бутун баданим титрай бошлади. Қутулганимга шукр қилдим. Ўзимга келиб, уйғондим, деб ўйлаб енгил нафас олдим.

Бир пайт қарасам, ошхонада катта укам Дилшод баланд овозда китоб ўқияпти. Кичик укаларим Жўрабек ва Жамшид овқат қилаётган экан. Бояги ҳаракатларимни кўришган шекилли, учовиям кулиб қаради.

– Калитни ташлаб кетишни унутганимиз учун биздан хафа бўлиб шунча ухладингизми? – дея сўз қотди Дилшод.

Уларни роса уришдим. Соатга қарасам кечки бешдан ўтибди. Роса ухлабманда ўзиям. Ётаётганимда, ўн бешта кам ўн бир эди.

– Ёмон босинқирабман, яна алланималар бўлди. Бир ўлиб тирилдим-а! Ҳеч бўлмаса биттанг уйғотсанг бўлмасмиди? – дедим-да, жаҳл билан ювиниш хонасига кирдим.

Кирдим-у, жойимдан туриб кетдим. Боя уйғонган эдим-у, нима учун ювиниш хонасида эмас, яна бу ердаман, дея ҳайрон қолдим. Энди ростдан ҳам ўзимга келганимга иқрор бўлиб, ўрнимдан турдим. Соатга қарасам, беш эмас ўнта кам ўн бир. Ўтириб ҳозирги воқеаларни бир-бир эслашга уриндим…

Нима деб ўйлашга ҳам ҳайронман. Демак, беш дақиқа ухлабманда?! Бунга қандай улгурдим? Ё тушимда туш кўрдимми?

Фарҳоднинг сўзларини
А.ҚУРБОНОВ оққа кўчирди.

ОПТИМИЗМ – ШАГ К УСПЕХУ

Жить в свободной стране, где созданы все условия для реализации своих потенциальных возможностей, – это большое счастье. А если к тому же вы еще и натура деятельная, не привыкшая довольствоваться достигнутым, то успех вам обеспечен, и все задуманное обязательно воплотится в жизнь. Мариетта Мухамадиева **(на снимке)**, несмотря на столь юные годы, четко определилась в своем выборе. В настоящее время она учится на третьем курсе Института востоковедения и уверена, что по его окончании обязательно будет работать в сфере международного бизнеса. А для этого она уже в совершенстве овладела английским, а теперь принялась за изучение еще и турецкого языка, справедливо полагая, что без этого ей в дальнейшем не обойтись. Учеба у Мариетты отнимает немало времени, но, тем не менее, она изыскивает резервы, позволяющие ей заниматься и другими делами. В частности, она сегодня одна из самых востребованных отечественных моделей, без которой практически не обходится ни один показ мод. На вопрос: «Как это ей все удается совмещать?» – девушка отвечает хорошо известной фразой: «Кто хочет работать, тот ищет возможности, а кто нет – причины». Плюс ко всему, считает Мариетта, необходимо быть оптимистом, и тогда мир не будет представать перед вами в серых красках.

Вячеслав ЛЬВОВ. Фото **автора.**

ИСКУССТВО ГОРОДА БЕРЕТ

В новом тысячелетии, когда вопросы всемирной интеграции и глобализации актуальны как никогда, искусство получает еще больше возможностей для развития форм и жанров. Оно не ограничивается национальными и государственными рамками, а ищет новые грани отображения действительности. Именно такое жизнеутверждающее искусство и было представлено на III Ташкентском биеннале.

Более 75 участников из 26 стран представили на суд зрителей и международного жюри свои лучшие творения. Экспозиции были развернуты в Центральном выставочном зале Академии художеств Узбекистана, в Национальной галерее искусств, в Центре современного искусства и в Международном караван-сарае культуры. Все работы были подобраны таким образом, чтобы, собранные вместе, они создавали целостное представление о перспективных тенденциях искусства XXI века, сообщали о новых импульсах диалога между культурами Востока и Запада. Организаторами этого поистине грандиозного проекта выступили Гете-институт в Ташкенте, Росзарубежцентр, Швейцарское агентство по развитию и кооперации, Египетский культурный центр, а также Национальный банк Узбекистана и компания «Samsung».

Надо сказать, что с поставленными задачами они справились блестяще. Каждое полотно, каждая инсталляция словно кричали: «Вот я! Не проходите мимо, не будьте равнодушными! Откройте для себя неизведанное, загляните в суть вещей и событий!» И это обращение находило отклик. Душа замирала от феерического восторга серией египетского художника Махмуда Або Али Азим Диаба – «Сон». Чистое чувство любви, столь нежной и хрупкой, воплотил в своих творениях отечественный мастер Тимур Каримов.

Непередаваемый подъем ощущается и при одном лишь взгляде на полотно В.Кима «Ирисы утром». Сколько тепла и мягкости красок жизни внес сюда автор! Кстати, нужно заметить, что тема утра была довольно популярной среди участников выставки, но каждый видел в ней нечто свое: С.Минчев из Болгарии – надежды на лучшее, яркость впечатлений, Ш.Хакимов – взаимоотношения человека и общества.

Извечные философские вопросы нашли свое выражение во многих композициях. У А.Исаева запоминается триптих «Эхо века», в котором судьбы людские теряются и рождаются вновь в шлейфе беспрерывно движущегося колеса истории.

Значительную часть экспозиции составили фотоработы, авторы которых в большинстве своем стремились найти выход из ныне существующих социальных противоречий. Это и жизнь трущоб во всей ее неприглядности, и ржавая машина на фоне нефтяных вышек израильтянина Гилада Шахара, и бездомные собаки Белка и Стрелка у эстонца Питера Марии Лаурица.

Честно говоря, рассказывать о каждом произведении на биеннале, можно бесконечно много. Однако никакие печатные слова не передадут потрясающую атмосферу, царящую в зале выставки. Чтобы это понять, надо там побывать и увидеть все это великолепие воочию. Здесь нет привычных норм, и работы художников не укладываются ни в какие рамки. Таким, наверное, и должно быть настоящее искусство. Таким, чтобы человеку, покидающему экспозицию, было над чем поразмышлять, хотелось что-то поменять в себе, в своем отношении к окружающему. Таким, чтобы потянуло вернуться назад и вновь увидеть шедевры мировой культуры.

Рамиль ИСЛАМОВ.

БРЮКИ – ЭТО НАВСЕГДА

Поселившиеся с легкой руки Шанель в женском гардеробе, они дают ощущение удобства и помогают выглядеть стильно. Вот несколько актуальных моделей нового сезона.

ЯРКАЯ КЛЕТКА

снова на гребне модной волны. Потому облегающие брюки в клетку в комплекте с яркой трикотажной водолазкой и разноцветными шарфами станут очень популярным нарядом осени.

НОВАЯ КЛАССИКА



Классические прямые брюки из тонкой шерсти в полоску можно комбинировать с трикотажной водолазкой и дополнить шарфом из жатого хлопка и металлическим поясом.

ДЕЛОВОЙ ПОДХОД

Свободные брюки почти мужского покроя в светлую клетку – базовая вещь для создания делового костюма в непринужденном стиле. Вязаный джемпер, украшенный металлической брошью, туфли на каблуке.

ЦВЕТНЫЕ ПОЛОСКИ

Белые брюки в цветную полоску свободного покроя, уютный вязаный кардиган на молнии и туфли балетки с перфорацией – удобный и в то же время оригинальный комплект для отдыха.

ОИЛА – ТАРБИЯ ЎЧОҒИ

САДОҚАТ СОҲИБАСИ

Ҳаёт фалсафасига эътибор қаратсангиз, эркаклар мардлиги ориятн, оталик бурчи ила улуғ бўлса, аёллар мунислиги, сабри, садоқати билан қадрлидир. Бу хислатларга эга бўлиш, эзгу амаллар билан яшаш эса, инсон зотидан бир умр фидойилик талаб этади.

Сиз энг яқин кишисидан бевақт айрилган инсон ҳолатини ҳеч тасаввур этиб кўрганмисиз? Бу андуҳ қай биримизнинг бошимиздан ўтгандир ҳам. Бу ғамни кўрмаганларга эса келинг, тилак қилайлик, Оллоҳ у кундан асрасин.

Хосиятхон турмуш ўртоғи Чори ака тўғрисида совуқ хабар келганида тошдек қотди, кўз олди қоронғулашди. Ишонган тоғи, садоқатли қўрғонидан бир зумда жудо бўлиб, бир этак бола билан ёлғиз қолган соддагина аёлнинг ҳолати ҳақиқатдан-да аянчли эди. Ҳарбий либосда гуркираб кириб келадиган умр йўлдоши энди йўқ. Каттаси ўн икки, кичиги беш ёш бўлган тўрт фарзанд ёлғиз онага термулиб қолди.

Мусибатдан руҳан чўккан одам одатда, бир қадам орқага кетади, олдга қадам қўйиш эса осон эмас. Бунинг учун кучли ирода, ўзига нисбатан ишонч ва албатта, яқинлар меҳри зарур. Хосиятхоннинг ҳам ўзини тиклаб олиши осон кечмади. Неча-неча бедор тунлар, тушкунлик ҳолати, айрилиқ азоби ўз таъкибини қўймасди. Бироқ ҳаёт давом этаверади. У сенга эмас, сен унга мослашишинг зарур. Бу оиланинг қайта оёққа туришида миллатимизга хос бўлган меҳр-оқибат, мурувват ва одамийлик ўз кучини кўрсатди. Оға-инию опа-сингиллар жигарларига катта таянч бўлди, уларнинг усти бут, қорни тўқ бўлиши учун беминнат ёрдамларини аяшмади. Бироқ Хосиятхонни фарзандларининг келажаги ташвишлантирарди. Қайси она ўғил-қизларининг ўқимишли, замонга муносиб бўлишини истамайди, дейсиз. Аммо ёлғиз аёл учун бу ушалмас орзу эди, гўё. Шундай кунлардан бирида эрининг Ватан ҳимоячиси бўлганлиги, юрт посбонининг фидойи хизмати изсиз йўқолиб кетмаслиги, унутилмаслиги ўз эътирофини топди. 2002 йилда Мудофаа вазирлиги ёрдами билан Ҳаво ҳужумидан мудофаа қўшинлари ва Ҳарбий ҳаво кучлари қўмондонлиги тарбиявий ишлар бўлими бошлиғи ёрдамчиси – қисм хотин-қизлар кенгаши раиси Ойниса Нодирова бир қатор моддий ёрдам билан оила ҳузурида бўлди. Ўз ўрнида ҳарбий оиланинг фарзандлари ҳаётида ҳам катта бурилиш ясалди. Ўша йили хонадоннинг тўнғич фарзанди Равшанбек Самарқанд шаҳридаги ўқувчиларни ҳарбий касбга йўналтирувчи лицейга, тўртинчи синфни битирган ўртанча ўғил Баҳромжон эса Ички ишлар вазирлиги «ЖАР» спорт соғломлаштириш комплекси қошида очилган махсус мактаб-интернатга ўқишга киришди.

Ўтган йиллар давомида ҳам хизмат жараёнида бевақт оламдан ўтган прапоршчик Чори Шамиевнинг оиласи доимо Мудофаа вазирлиги эътиборида бўлди. Ойниса Нодированинг куюнчаклиги, ҳаракати сабаб қўмондонлик, Республика Қизил Ярим Ой жамияти, Республика Болалар жамғармаси, Республика «Соғлом авлод учун» жамғармаси каби бир қатор ташкилотлар томонидан ҳам моддий ёрдам кўрсатиб келинмоқда. Бу йил оила ҳаётида яна бир қувонарли ўзгариш рўй берди. Ҳарбий лицейни битирган Равшанбекка Жиззах олий ҳарбий авиация билим юрти курсанти бўлиш насиб этган бўлса, кенжа ўғил Нурислом айни дамда акаси Баҳромжонга издош. Яъни махсус мактаб-интернат ўқувчиси. Хосиятхон ҳар учала фарзандини ҳарбий либосда кўрганида қалби қувончга тўлади, меҳрли инсонлар сабаб ўғиллари ота касбига муносиб бўлганига шукроналар келтиради. Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, Чори аканинг ягона қизи Бахтигул ҳам Тошкент ахборот технологиялари университети ҳузуридаги Мудофаа вазирлигининг махсус факультетига ўқишга кириш учун астойдил тайёргарлик кўрмоқда. Ажабмаски, отасига қуйиб қўйгандек ўхшаган гўзал қизгинага офицерлик либоси насиб этса.

Биз мақоламиз муқаддимасида аёл сабру садоқати ҳақида тўхталиб ўтдик. Бу бежиз эмас. Хосиятхон 32 ёшида бева қолди. Буни ҳаёт дейдилар, хушрўйигина жувонга орқаворотдан совчи қўйганлар ҳам бўлди. Бироқ Чори акага бўлган чексиз муҳаббати, тенгсиз садоқати барча қийинчиликларни енгиб ўтишда катта куч, мадад бўлиб келмоқда унга.

– Биз Чори ака билан севишиб турмуш қурмаганмиз. Лекин тўйимиздан кейин, шу қадар кучли муҳаббат пайдо бўлдики, бу йиллар давомида садоқат ва ишонч билан мустаҳкамланиб борди, – дейди Хосиятхон кўзида ёш билан. – Оиламизни яқиндан билганлар ўртамиздаги бу қадар меҳрли муносабатга ҳатто, ҳайрат билан қарашарди. Оиламиздаги ҳар қандай қийинчиликни ҳеч қачон ташқарига олиб чиқмаганмиз. Фақат ўзимиз енгиб ўтишга ҳаракат қилардик. Ҳозир ҳам ҳар битта қилаётган ишимда Чори аканинг нафасини ҳис қилиб тураман. Унинг руҳи гўёки, доимо мен билан ёнма-ён. У инсондан айрилганимдан сўнг, яқин уч йил ўзимга кела олмадим. Давлатимизнинг беминнат ғамхўрлиги, меҳрли инсонлар сабаб фарзандларим учун қайта қад ростлашга ўзимда куч топа олдим. Аёлнинг ҳаётда топган энг азиз неъмати бу – болалари экан. Мен қиз-ўғилларим учун ҳар қандай қийинчиликни зиммамга олиб яшаяпман. Келажакда уларнинг юртимизга муносиб ҳарбий хизматчилар бўлиб етишишини жуда истайман. Она сифатида дуою тилакларим ҳам шу.

Ҳассос шоира Нодирабегим «Фарзанд меҳри аритар ғам зангини кўнгилдин», деганларидек, айрилиқ андуҳларини садоқатию фарзандларига бўлган чексиз муҳаббати билан енгиб бораётган ҳарбий оила бекаси Хосиятхонга эзгу ниятлар тилаб қоламиз. Ва, албатта, келажакда қиз-ўғилларининг камолини кўришдек ёруғ кунларда учрашгунча, деймиз юракдан.

Зулфия ЮНУСОВА,
«Ватанпарвар» мухбири.

JOHANING OTI

(Arab xalq ertagi)

Eron bilan Marokash o'rtasida joylashgan barcha mamlakatlarda Johani juda yaxshi tanishardi. Siz ham u haqida bilishni istaysizmi? Juda yaxshi, marhamat.

Bir kuni tong shu'lasidan uyg'onib ketgan Joha ob-havodan xabar olish maqsadida tuproq to'plamlaridan hosil bo'lgan tepalikka chiqib, atrofga nazar solibdi. Buni qarangki, havo xuddi u kutgandek juda ajoyib, yumshoq ekan. Bu esa toqqa sayohatga chiqish uchun ayni muddao edi. Havo yaxshi bo'lganda hech kim shaharda qolmasdi, har kim o'zi xohlagandek dam olish maqsadida qayoqqadir otlanardi. Ko'chada ketayotib Joha tasodifan bir otni ko'rib qolibdi va endi nima qilishi mumkinligi haqida o'ylay boshlabdi. «Shoshma, bu yerda nima qilayapsan, seni xo'jayining yo'qmi?» – so'radi u. Qo'llari bilan otning yollarini silab, yo'lida davom etaveribdi. Ot ham xuddi uni taniydigandek ketidan ergashibdi. Buni ko'rgan Joha orqasiga o'girilib, unga ergashmaslikka buyruq beribdi. Joha ot hech narsaga tushunmaganligini bilganidan so'ng, unga yaqinroq borib, otning shu yerda qolishi shartligini, uning xo'jayini bilan janjallashib qolishni istamasligini aytibdi. Lekin ot hech narsaga e'tibor bermay, yana unga ergashaveribdi. Joha undan yashirinish uchun bir daraxtning orqasiga berkinib olibdi. Ot uni ko'rmay o'tib ketibdi. "Ey xudo, nima qilishim kerak o'zi, buni menga, balki osmon hadya etgandir. Uning xo'jayini yo'q ekan, demak bemalol o'zim bilan ergashtirib yurishim mumkin ekan-da!" – deb o'ylabdi Joha. U baxtli tasodifdan xursand bo'lib, otning yoniga boribdi. Shaharga kiraverishda otga darvoza yonida kutib turishini buyurib, o'zi endigi o'ylarini rejalashtira boshlabdi. Lekin u mirshablar mahkamasiga kirganda, otni o'zi bilan ergashtirib yurganligi uchun jazolanibdi. Soqchilar amaldori unga aytayotgan gaplarini bir og'iz gapirmay tinglayotgan mirshablar boshlig'ining yoniga chiqishini ishora qilibdi. Joha hikoyasini tugatib bo'lgach, mirshablar boshlig'i otni bir oy davomida qo'riqlab turishini, agar bir oy davomida hech kim so'rab kelmasa, u holda ot Johaniki bo'lishini aytibdi. Joha otni shu yerda qoldirib, bir oy davomida u haqida umuman o'ylamabdi. Shunday qilib mirshablar mahkamasiga boradigan kun ham yetib kelibdi. Soqchilar amaldori bu hayvonni hech kim so'rab kelmaganini, endi ot uniki bo'lishini aytibdi va bir oy davomida berilgan oziq-ovqatni to'lashni talab qilibdi. Joha xarajatlar yozilgan qog'ozni qo'liga olib, ko'rsatilgan pullarni to'labdi. Otga kelganda esa, hayratdan yoqasini ushlab qolibdi. Bu uning o'zi yetaklab kelgan ajoyib ot emas, balki yurishni umuman istamaydigan bir eshak edi. Joha uni masxara qilib kulishganini tushunibdi. Johaning tushkun kayfiyati jahlga, g'azabga aylanibdi. Bu safar butunlay insofsizlikka yo'l qo'yilgandi. Buning uchun albatta qasos olish kerak! Johani taniydigan xaloyiq uning hech qachon yolg'on gapirmasligini juda yaxshi bilishardi. Tez orada butun bozorni: "Yaratgan mirshablar boshlig'ini g'aroyib janobga aylantirib qo'yibdi. U otlarni eshakka, eshakni otga aylantira olarkan. Tezroq eshaklaringizni olib, mirshablar mahkamasiga yuguring, u yerdan albatta ot bilan qaytasiz", – degan shovqin-suron chulg'ab olibdi. Bir necha soat ichida mahkama maydoni hangrayotgan eshaklarga to'lib ketibdi. Joha tomonidan ruhlantirib turilgan dehqonlar o'zlariga ot berilishini talab qilib shovqin solibdi. Mirshablar boshlig'i hech narsaga tushunmay, nima qilarini bilmay qolibdi... Butun shaharda sultonning qanday hukm chiqarishini kutishardi. Dehqonlar mirshablar boshlig'ining g'alati qobiliyati haqida ularga Joha aytganligini bildirishibdi. Joha buni tan olib, sultonga bo'lgan voqealarni birma-bir hikoya qilib beribdi. Qanday qilib egasiz otni bu yerga boshlab kelganini, uning yemishlari uchun qancha pul to'laganligini, bir oydan so'ng esa, otning o'rniga tepsa tebranmas bir eshakni sudrab ketganini aytibdi. U sultondan mirshablar boshlig'ining chaqirtirilishini talab qilibdi. Oziq-ovqatlar uchun undan juda qimmat haq talab qilinganini aytib, isbot sifatida unga berishgan qog'ozni ko'rsatibdi. Sulton mirshablar boshlig'iga qarab, jiddiy ohangda: «Shu rostmi?» – deb so'rabdi. U esa bu odam esini yeganligini, uning hech qachon oti bo'lmaganligini aytibdi. Xuddi shu payt qayerdandir ot paydo bo'lib, anchadan buyon Johani taniydigandek uning yoniga kelibdi.

Shunday qilib, hech kim mirshablar boshlig'ining qanday qilib jazolanganligini bilisholmabdi. Lekin Joha ot bilan birga uyiga qaytibdi. U bundan juda baxtiyor ekan!

Fransuz tilidan
Indira SAYFIYEVA tarjimasi.

ФАРЗАНДИНГИЗ СОҒЛОМ БЎЛСИН ДЕСАНГИЗ

Ривожланаётган ва ўсаётган бола организми энергия сарфларини доимий тўлдириб туришга муҳтож, бунинг манбаи эса овқатдир. Тўлақонли ва ранг-баранг овқатланиш мактаб ўқувчисининг нормал ўсиши ва ривожланиши учун зарурдир. Кичик мактаб ёшидаги болалар суткада 70-80 г оқсил, хусусан, тухум, сут, творог, гўшт, балиқ ва бошқа маҳсулотларда бўладиган ҳайвон оқсилларини олишлари керак. Ўсимликдан картошкада, карамда, гречка ва сули ёрмасида, гуруч ва дуккакли ўсимликларда энг қимматли оқсиллар бор.

Болалар тахминан шунча миқдорда ўсимлик ва ҳайвон ёғларини ҳам қабул қилишлари керак. 7-11 ёшли болаларнинг углевод нормаси 300-350 г бўлиб, улар мураккаб организмда парчаланади ва калорияларда ўлчанади.

Организм учун асосий энергияни углеводлар, оқсиллар ва ёғлар беради. Масалан, 1 кг углевод ёки оқсил парчаланганда 4 килокалория (ккал), 1 грамм ёғдан эса 9 ккал ажралиб чиқади. Ҳаддан зиёд калорияли овқат семириб кетишга, озиқ-овқат моддаларининг етишмаслиги эса ривожланишнинг сусайишига ва ишчанликнинг пасайишига олиб келиши мумкин. Организмнинг энергия истеъмол қилиши кўп сабабларга: ёшга, организмдаги модда алмашинуви даражасига, йил фаслига, иқлимга ва ҳ.к.ларга боғлиқ бўлади. Жисмоний машқлар қанчалик интенсив бўлса, энергия шунчалик кўп сарфланади.

Углеводлар энергиянинг энг муҳим манбаидир. Улар мушаклар, юрак ва нерв системасининг ишлаши учун зарурдир. Углеводлар асосан ўсимликдан олинадиган озиқ-овқат маҳсулотларида (нон, ёрмалар, шакар, ширинликлар, картошка ва бошқа сабзавотларда) бўлади. Турли ширинликларда углеводлар жуда кўп, шунинг учун конфетлар, қиёмлар, шакар ва бошқалар ҳаддан ортиқ кўп ейилса, модда алмашинуви бузилиши ва гавда оғир, беўхшов бўлиб қолиши мумкин.

Оқсиллар организмнинг барча аъзолари ва тўқималари учун асосий қурилиш материалидир. Оқсиллар етишмаганда ўсиш секинлашиши, касалликларга қаршилик кўрсатиш сусайиши, ақлий ва жисмоний меҳнатга лаёқат ёмонлашиши мумкин.

Ўсиш ва ривожланиш даврида организмга, айниқса, ҳайвон оқсиллари (улар гўшт, балиқ, сут, тухум ва пишлоқда кўп) зарурдир. Оқсиллар, шунингдек, айрим ўсимликлар: соя, дуккаклилар, нўхатда ҳам бор.

Спорт билан жиддий шуғулланувчи ва катта жисмоний юкламаларга эга бўлган ўқувчилар кўпроқ оқсилларни истеъмол қилишлари керак.

Ёғлар организмда парчаланганида углеводларга нисбатан икки марта ортиқ калория ажратиб чиқаради. Энг қимматли ва зарур ёғлар сутда, сут маҳсулотларида таркиб топгандир. Ўсимлик ёғлари, кунгабоқар, маккажўхори, зайтун ёғлари ҳам фойдали. Аммо ёғларнинг ортиқчаси ҳам зарарлидир, чунки бундан иштаҳа ёмонлашади, модда алмашинуви бузилиши ва семириб кетиш пайдо бўлиши мумкин.

Витаминлар ва минерал моддалар нормал ўсиш ва ривожланишга ёрдам берадиган асосий воситалардир. «А» ва «Д» дармондорилари – балиқ мойи, тухум, ёғ, жигар, сарёғ, сутда бўлади. Бундан ташқари, «А» дармондорисини ҳосил қиладиган модда кўкатлар, помидор ва сабзида бор. Нон, гўшт, тухум, пишлоқ, жигар, геркулес, сутлар «В» гуруҳи дармондорисига бойдир. «С» дармондорисига келсак, у лимон, апельсин, картошка, янги карам, салат, пиёз, саримсоқ, наъматак ва бошқа сабзавот ва мевалар, мева шарбатларида кўпдир. Минерал моддалар деярли барча озиқ-овқатларда бор ва соғлом одам учун уларни қўшимча қабул қилиш шарт эмас.

М.МАҲКАМОВА
тайёрлади.



Ёш оналарга

БОЛАНИ ЧИНИҚТИРИШ

Ҳаётининг биринчи кунлариданоқ болани очиқ ҳавога ўргата бориш керак. Очиқ ҳаво иштаҳани кучайтириб, организмни мустаҳкамлайди, турли касалликлардан сақлайди. Эмадиган бола салга иссиқлайдиган ва совқотадиган бўлади. Шунинг учун боланинг бадан терисини температура ўзгаришларига аста-секин ўргатиб бориш керак. Ҳаво билан чиниқтиришни эҳтиётлик билан бошлаш зарур. Бола яшайдиган хона температураси 18-20 градус атрофида туриши керак.

Болани йўргаклаётганда кўпчилик оналар унинг совқотишидан қўрқиб жуда шошади, баъзан кийимларни олдиндан иситиб ҳам қўйишади. Иситилган кийим боланинг атрофдаги ҳаво температурасига ўрганишига халал беради, кўпинча улар шамоллаб қолишади. Кийимларни шошмасдан алмаштириш керак, токи бола 2 минутча яланғоч ётадиган бўлсин, шунда аста-секин ҳаво ваннасини бошлаш мумкин бўлади.

Ҳаво ваннаси тўғри қўлланилса, болага жуда фойдали ва мутлақо хатарсиз. Совуқ пайтларда хонанинг ўзида ҳам ҳаво ваннаси қилиш мумкин, иссиқда эса ташқарида қилинади. Бунда болани кунига 2-3 маҳал аввал 1-2 минут, кейин 3-5 минутдан яланғоч қилиб ётқизилиб қўйилади. Ҳаво ваннасининг муддати аста-секин узайтирилиб, кунига ярим соатгача етказилади.

Тест

ЖУФТИНГИЗ ҚАНДАЙ ИНСОН?

«Эрни эр қиладиган ҳам, қаро ер қиладиган ҳам хотин» деган нақлни кўп эшиттанмиз. Дарҳақиқат, аёллар ҳақида айтилган юқоридаги фикр ҳаётда ўз тасдиғини топган. Лекин бунинг акси бўлганида-чи, яъни «хотини...» Яхшиси кўп орзуга берилмайлик. Қуйидаги тест турмуш ўртоғингиз қандайлигини ойдинлаштиришга ёрдам беради. Саволларга «ҳа», «баъзан» ёки «йўқ» деб жавоб беринг.

Оила боши бўлган эркаклар, аёлингизда қуйидагиларни пайқайсизми?

1. Эски кўйлак кийиб, ўзига қарамай юради.
2. Унинг айби билан доим ишга кеч қоласизми?
3. Сабабсиз кулиш одати борми?
4. Телефонда кўп гаплашади.
5. Овқати «таги»га олиб кетадими?
6. Доимо гўзаллик салонида қолиб кетадими?
7. Ширинликни хуш кўриб, бунинг оқибатида йилдан-йилга семирмаяптими?
8. Унинг фикр-дарди кийим, косметика, соч турмагига бориб тақалмаяптими?
9. Телевизорда футбол томоша қилаётганингизда, бемаъни саволлар билан сизни чалғитмайдими?

Энди нозанин аёллар, навбат сизга. Сиз эрингизда қуйидагиларни сезаяпсизми?

1. Диванда ётиб, дам олишга интилади.
2. Кўп овқат ейди.
3. Доимо кийимлари сочилиб ётади.
4. Уйга келиб, баъзан «салом» сўзи билан кифояланади.
5. Ахлатни ташлаб келишни ўзига эп кўрмайди.
6. Сиз уйда бўлсангиз, телевизор кўраётган киши қиёфасига кириб олади.
7. Дўстларини сиздан кўра кўпроқ қадрлайди.
8. Ойнага тиш пастасини «суртиб» қўйиши мумкин (ҳаммомдаги).
9. Оёқ кийимини ўзи тозаламайди.

Энди, «эр-хотин – қўш ҳўкиз» деганларидек, бирга-ликда балларни алоҳида равишда ҳисоблаб чиқинг. «Ҳа» – учун 3 балл, «Баъзан» – 2 балл, «Йўқ» – 1 балл.

0 ДАН 10 БАЛЛГАЧА: Сизнинг эр (хотин)ингиз – супер!

11 ДАН 14 БАЛЛГАЧА: Бағрикенг, осойишта, ақлли, ўйлаб иш кўрадиган умр йўлдоши сизга насиб этибди. Дўппини осмонга отинг!

15 ДАН 19 БАЛЛГАЧА: Умр йўлдошингиз баъзан кўнгилсиз ҳолатга тушиб қолади. Яхшилаб ўйланг: бунда сизнинг айбингиз улуши қанча? Оилани мустаҳкамлашга интилинг.

20 ДАН 24 БАЛЛГАЧА: Оилавий низо, тушунмовчиликлар сабаби – сизнинг турмуш ўртоғингиз. Бу ерда сизга бирон бир маслаҳат бериш қийин. Қалбингизга қулоқ тутинг. Шунча йилдан бери сизни алдамай, алдаса ҳам ишонтириб келяпти. Буёғига ҳам панд бермас...

25 ДАН 27 БАЛЛГАЧА: Вой-бўй. Бунақасини қаердан топдингиз? Таърифга сўз ожиз. Очиғини айтайлик: ҳамроҳингиз (умр йўлдошингиз) энг, энг, энг... Ўшанақа. Бунақа сўзларни айтиб бўлмайди. Тўғри йўлга солиш сизнинг қўлингизда. Отни қамчиланг!

АЗБУКА ВКУСА

СУП С ЦВЕТНОЙ КАПУСТОЙ

Продукты: 500 г мяса, 1 головка лука, 1 кг цветной капусты, 2 моркови, 3 картофеля, половину пучка зеленого лука и зелени кинзы, соль и специи – по вкусу.

Бульон следует варить из жирной мякоти и костей баранины или говядины. Добавить лук. Отделить от цветной капусты кочерыжки, обдать ее кипятком, морковь нарезать кубиками и все положить в бульон. Добавить в него картофель, нарезанный кружочками, соль и красный перец. Убавить огонь и варить в течение 20 минут на слабом огне. Готовый суп разлить в касы, заправить мелко нарезанной зеленью кинзы и зеленым луком.

СОЧНЫЙ ГУЛЯШ ИЗ ИНДЕЙКИ С ЛИМОНОМ

Продукты (на 4 порции): 600 г гуляша из индейки, по 1 стручку красного, желтого и зеленого сладкого перца, 1 банка консервированного ананаса кусочками (425 мл), 1 стручок красного перца чили, 1 лимон, 4 столовые ложки растительного масла, 2 столовые ложки лимонного сока, 1 столовая ложка сахара, соль, перец по вкусу.

Гуляш из индейки быстро вымыть и обсушить бумажным полотенцем. Сладкий перец вымыть, разрезать каждый стручок пополам, удалить семена и нарезать широкими полосками. Кусочки ананаса откинуть на дуршлаг, собрав отдельно сок. Стручок перца чили вымыть, удалить семена и нарезать тонкими кольцами. Лимон вымыть горячей водой, обсушить и нарезать кружочками. В большой сковороде раскалить растительное масло и со всех сторон, переворачивая, жарить в нем мясо 6 минут. Добавить полоски сладкого перца, кольца перца чили и жарить 4 минуты при частом помешивании. В заключение добавить ломтики лимона, кусочки ананаса и разогреть. Затем приправить лимонным соком, солью, молотым черным перцем, сахаром и, по желанию, подсластить ананасовым соком.

В одной порции 510 ккал, белки – 25 г, жиры – 35 г, углеводы – 22 г.

СОЧНЫЕ ПИРОЖНЫЕ С КИВИ

Продукты (на 16 порций): Для теста – 250 г размягченного сливочного масла, 180 г сахара, 4 яйца, 4 столовые ложки молока, 375 г муки, 1 пакетик разрыхлителя, 50 г шоколадной стружки.

Для начинки – 750 г киви, 1 пакетик ванильного пудинга, 125 мл белого вина, 500 г сливок, 50 г сахара, мякоть 1 стручка ванили, 5 столовых ложек яичного ликера.

Нагреть духовку до 200 градусов. Тщательно растереть сливочное масло, сахар и щепотку соли. По одному ввести яйца. Смешать муку с разрыхлителем, влить молоко, хорошенько перемешать и порциями добавить в крем. В завершение посыпать крем шоколадной стружкой. По периметру противня поставить бортик из фольги. Противень смазать жиром и посыпать мукой. Выложить тесто, разровнять и выпекать 25 минут, затем остудить. Киви очистить и нарезать кусочками. Сухую смесь для ванильного пудинга развести с 4 столовыми ложками белого вина. Киви, мякоть ванили и сахар залить вином, добавить полстакана теплой воды. Довести до кипения и варить 3 минуты при непрерывном помешивании. Добавить пудинг и, помешивая, довести еще раз до кипения. Начинку слегка остудить, распределить на коржи и дать остыть. Бортик аккуратно снять. Выпечку разрезать на 16 пирожных. Взбить сливки, по каплям добавляя ликер, и ложкой выложить на пирожные. Украсить, по желанию, ломтиками киви и шоколадной стружкой.

Время приготовления – 60 мин., в одной порции 430 ккал, белки – 6 г, жиры – 26 г, углеводы – 41 г.

ПАРХЕЗ ТАОМЛАР

ТВОРОГ

Творог – сигир сутини ивиттач, зардобининг бир қисмини олиб ташлаб тайёрланадиган парҳез маҳсулот.

Творог оқсилида инсон ҳаёти учун зарур ҳисобланадиган барча аминокислоталар бўлади, шунинг учун ҳам у ҳамма ёшдаги кишилар учун фойдали. У айниқса болалар, ҳомиладор ва эмизикли аёллар учун фойдали, чунки творог суякнинг ўсиши, юрак ва асаб тизими фаолияти, қон алмашинувига зарур бўлган кальций ва фосфор тузларига бой.

Творогни уй шароитида ҳам тайёрлаш мумкин. Бунинг учун 3-4 л қайнатилган илиқ сутга 1 стакан қатиқ қўшиб, кастрюлкага қуйилади. Аралаштириб, уй ҳарорати шароитида қуюқ бўлиб ивигунча олиб қўйилади. Ивигач, кастрюлкани сув солинган тоғорага қўйиб, паст оловда иситилади. Иситиш пайтида массанинг устки қисми қошиқ билан аралаштириб турилади. Шундай қилинганда қуйқанинг остки қисми юзага кўтарилиб, юзадагиси пастка тушади, бунинг натижасида у бир хилда исийди, зардоб эса тўла ажралиб чиқади. Бўлаклар юзага қалқиб чиққандан сўнг, дока солинган элакдан сузиб олинади. Зардоби тўла оқиб тушгач, творог совитилади. Докага сиқиб ўралганидан сўнг устига тахта қўйиб юк бостириб қўйилади.

Творогни сотиб олгандан ёки тайёрлангандан сўнг тез вақт ичида ишлатиш керак. Уни музлатгичда 2-3 кун сақлаш мумкин.

ГЎЗАЛЛИК

ЮЗ ТЕРИСИНИ АВАЙЛАНГ

Бир ош қошиқ асал 2 стакан илиқ сувда аралаштирилади. Тайёр бўлган асалли сувда юзингизни шошмасдан ювинг. Сўнг совуқ сувда чаясиз. Бу муолажадан кейин кайфиятингиз кўтарилиб, юз териси майин тортади. Мураккаб бўлмаган усуллардан яна бири – суюқ асал олиб, юз ва бўйин терисига суртилади. Аччиқ дамланган чойни совутиб, унда пахта бўлагини ҳўллаб оласиз ва қовоқларингизга қўйинг. Шундай ҳолатда 10-15 дақиқа ётиб дам олинг. Сўнг илиқ сувда чайиб юборасиз. Муолажадан сўнг юз териси тиниқлашиб, чеҳрангизга қизиллик югуради.

Майда ажинларни йўқотишда қуйидаги ниқобдан фойдаланиш мумкин: 1 чой қошиқ асалга битта тухум оқи ва 2 ош қошиқ қатиқ қўшиб аралаштирилади, уни юзга суриб 10 дақиқадан кейин ювиб ташланг.

ҲИКМАТ ИЗЛАГАНГА, ҲИКМАТДИР ДУНЁ!

ХАФТА ГЎЗАЛИ



Саҳифамизнинг бу галги меҳмони латофатли ва соҳибжамол қиз Гулноза ҲАМИДОВА бўлди!

У ҳам барча тенгдошлари каби навқирон ёшликнинг бепоён орзуларига ғарқ бўлиб, келажак йўлида умид билан қадам ташлаётган эзгу ният соҳибаларидан.

Тиббиёт коллежини муваффақиятли якунлаган Гулноза акушер-гинекология ҳамшираси бўлиб иш фаолиятини бошлади. Айни пайтда эса тиббиёт институтига кириб ўқиш учун қизғин тайёргарлик билан банд.

Саёҳат ва саргузаштларни жондан севувчи қаҳрамонимиз айниқса, кўҳна ва тарихий обидалар дунёсига жуда-жуда қизиқади. Шу боис гўзал диёримиздаги барча осори-атиқаларни, минораю мадрасалар жойлашган катта шаҳарларни томоша қилиб чиққан. Энди эса мўлжални янаям кенгроқ олиб, дунёнинг ана шундай сўлим масканларига бориш орзусида.

Дўстлик, меҳнатсеварлик, ватанпарварлик ва кўпроқ илм эгаллаш – Гулнозанинг ҳаётда амал қиладиган эзгу шиори. Қайноқ қалбли ёш дўстимизнинг кўзлаган мақсадлари йўлида доимо олға интилишига чин дилдан тилакдош бўлиб қоламиз.

Лобар ва зебо қизлар! Сизларнинг ҳар бирингизда суратингизни газетамизнинг энг оммабоп рукнларидан бирида эълон қилиш ва «Ватанпарвар»нинг «Ҳафта гўзали» номига сазовор бўлиш имкони бор.

Таҳририятимиз манзилига ўзингизнинг энг яхши суратингизни (рангли, ўлчами 10х15 см.дан кичик бўлмаган) жўнатинг. Қисқача ўзингиз, қизиқишларингиз, ҳаётий интилишларингиз ва орзу-мақсадларингиз ҳақида ёзиб юборинг. Ўз почта манзилингиз ва алоқа боғлаш учун телефон рақамингизни кўрсатишни унутманг (бу маълумотлар фақат таҳририят учун, улар сир сақланишига кафолат берамиз).

Газетхонларимизнинг энг кўп овозини тўплашга муваффақ бўлган суратнинг эгаси эса таҳририятимиз мукофотига сазовор бўлади.

В МИРЕ РЕКОРДОВ

● **Самый большой карандаш** (длиной 2,74 м) был сделан студентами Хаддерсфилдского технического колледжа в 1995 г. по заказу школы «Клиф Хилл», Лайтклиф, Галифакс, гр. Западный Йоркшир, Великобритания.

● **Самая большая игрушка «Йо-йо»** диаметром 3,17 м и весом 407 кг была спроектирована Дж. Н. Николсом («Вимто Лтд.») и изготовлена студентами Стокпортского колледжа. 1 августа 1993 г. она была подвешена к подъемному крану в Уитеншоу, Большой Манчестер, Великобритания, и сброшена вниз с высоты 57,5 м. Игрушка подпрыгнула почти 4 раза.

● Доктор Роланд Дант в Чикаго, шт.Иллинойс, США, за прочитанный студентам 1-2 июня 1986 г. 2-дневный курс лекций по гипнотерапии получил **самый большой в истории гонорар за лекцию** в размере 3080000 долларов.

● 19 мая 1995 г. Баламурали Амбати из Холли-Хилла, шт. Нью-Йорк, США, стал **самым юным в мире врачом-специалистом**, завершив курс обучения в Медицинской школе в Нью-Йорке в возрасте 17 лет.

● В июне 1994 г. Майкл Керни стал **самым юным в мире выпускником,** когда в возрасте 10 лет и 4 месяцев он получил степень бакалавра гуманитарных наук Университета Южной Алабамы, США.

ҚЎШИҚЛАРДА ВАТАН МАДҲИ

Ўзбекистон халқ артисти Юлдуз Усмонованинг машҳур шоиримиз Муҳаммад Юсуф шеъри билан айтган «Ўзбекистон» қўшиғи ватандошларимизнинг севимли қўшиғига айлангани бор гап. Устоз санъаткорларимизнинг ўзи басталаган мазкур хониш ўлмас наволар сирасидандир.

«ЎЗБЕКИСТОН»

Оқ йўргакка ўрагансан ўзинг бизни,
Оқ ювиб, оқ тарагансан ўзинг бизни,
Бешигимиз узра бедор она бўлиб,
Кунимизга ярагансан ўзинг бизни.

Оқ йўргакка ўрагансан ўзинг бизни,
Оқ ювиб, оқ тарагансан ўзинг бизни,
Бешигимиз узра бедор она бўлиб,
Кунимизга ярагансан ўзинг бизни.

НАҚОРАТ:
Адойинг бўлгаймиз сени, Ўзбекистон,
Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон.
Фидойинг бўлгаймиз сени, Ўзбекистон,
Ҳеч кимга бермаймиз сени, Ўзбекистон!

Қалқонингмиз қасд қилса ким гар жонингга,
Алпомишлар руҳи ёр ҳар ўғлонингга,
Гулдай ўпиб асрагаймиз остонангни,
Ёвлар яқин йўлолмагай қўрғонингга.

НАҚОРАТ:
Тузинг тотиб, унутганлар хор бўлади,
Кўзларига икки дунё тор бўлади,
Тинчлигингни кўролмаган юртфурушлар,
Бир кун бир кафт тупроғингга зор бўлади.

Тузинг тотиб, унутганлар хор бўлади,
Кўзларига икки дунё тор бўлади,
Тинчлигингни кўролмаган юртфурушлар,
Бир кун бир кафт тупроғингга зор бўлади.

«ЎЗБЕГИМ ДАСТУРЛАРИ» ЭЛЕКТРОН НАШРИДА ЛУҒАТ

«Ўзбегим дастурлари» электрон нашрлар таҳририяти ўқувчи ва талабалар, тадқиқотчилар учун электрон луғатлар тайёрлашда самарали фаолият кўрсатмоқда. Жамоа мутахассислари тайёрлаган ана шундай нашрлардан бири «Атама ва иборалар луғати»дир.

Мазкур луғат банк иши, ташқи иқтисодиёт, ҳуқуқ каби соҳаларда рус тилидаги ўн минг ва ўзбек тилида, кирилл ва лотин ёзувидаги ўн тўрт минг атама ва иборани ўз ичига олган. Луғат Фан ва технологиялар маркази 2001 йилда ташкил этган «Энг яхши дастурий маҳсулот» танловида иккинчи ўринни эгаллаган эди. Ҳозир ушбу луғат юртимизнинг турли вазирлик, муассаса ва ташкилотларида қўллаш учун тавсия этилган.

120 минг сўзни изоҳлаган «Ибора» электрон луғати ўзбекча-русча, ўзбекча-инглизча, инглизча-ўзбекча, инглизча-русча, русча-ўзбекча ҳамда русча-инглизча таржима йўналишларидан иборат.

Айни пайтда таҳририят «Ўзбек тилининг катта орфографик луғати», «Синонимлар луғати», икки ва уч тиллик эквивалент луғатлар яратиш устида иш олиб бормоқда.

ЕЛИНЕК «НОБЕЛ» СОҲИБИ

Австриялик ёзувчи, аёллар ҳуқуқи курашчиси(феминистка) – Элфрида Елинек адабиёт йўналиши бўйича «Пианиночи аёл» романи учун «Нобел» мукофоти соҳибаси бўлди.Бу ҳақда швед қироллик академияси ўз интернет сайтида хабар берган.

Элфрида Елинек 1946 йили Австриянинг Штирия провинциясида туғилганди. Болалигидан мусиқа билан жиддий шуғулланиб, орган йўналиши бўйича консерваторияни, санъат тарихи йўналиши бўйича университетни тугаллади. 25 ёшга қадар унинг шеърлар тўплами ва иккита романи нашрдан чиқди. Елинекнинг моҳир мусиқачи ва ёзувчи бўлиб етишишида онасининг роли беиҳоя катта бўлган. Бу ҳақда Елинекнинг ўзи «Онам менинг камолотим учун ҳеч нарсани аямаган», деб эслайди.

«Пианиночи аёл» – автобиографик роман. Унинг прототипи Элфрида Елинекнинг ўзи. Эслатиб ўтамиз, «Пианиночи аёл» фақат асар сифатида эмас, балки кино сифатида ҳам 2001 йил «Канн» фестивалида Гран-прини, 2002 йил эса «Кинотавр» фестивалида «Энг яхши хорижий фильм» номинацияси бўйича ғолибликни қўлга киритган эди. Елинекнинг 30дан ортиқ китоби эълон қилинган. Шулардан «Пианиночи аёл» ва «Ошиқлар» деб номланган романлари рус тилига ўгирилиб, «Симпозиум» нашриётида чоп этилган.

ГУСЕНИЦА НА АСФАЛЬТЕ

Вот это да... Пытаться обогнать такой автопоезд по встречной будет, пожалуй, делом слишком рискованным, ведь он самый длинный в мире – 385 метров 60 сантиметров! Чтобы собрать эту гусеницу на резиновых шинах, потребовался тягач и 42 прицепа. Демонстрация суперпоезда проходила в конце прошлого года в департаменте Аверон (Франция). За час езды автопоезд преодолел пять километров, и это достижение занесли в Книгу рекордов. Правда, о соревновании с настоящим поездом при таких скоростях нечего и думать!

БУ АЖИБ ДУНЁ

АНТИҚА ҲИСОБ-КИТОБ

Биринчи марта аҳолини ҳисобга олиш милодгача бўлган уч мингинчи йилда қадимий Мисрда ўтказилган. Кейинчалик Хитой, Бобил, Рим ва Грециядa ҳам одамларни санашган. Бундан кўзда тутилган асосий мақсад, аскарликка олиш учун ҳам бақувват, ҳам ёш эркакларни танлаш эди. Аммо аксарият саноқчилар саводсиз бўлганлиги сабабли улар бир қўлига оқ қоп, иккинчи қўлига қора қоп олиб юриб, ҳисобга олиш жараёнида оқ қопга оқ тош, қора қопга қора тош солишган. Оқ тош эркак, қора тош эса аёл кишини билдирган.



ҲАЙДОВЧИ – ИЛОН

Колумбиянинг Мараканбо шаҳрида илон туфайли марказий кўчада автомобиллар ҳаракати тўхтаб қолди. Серҳаракат кўчалардан бирида кетаётган машина олдиндаги машинага бориб урилган ва натижада ҳаракатни тўрт соатгача йўлга қўйиб бўлмаган.

Бунинг сабаби эса, Мигель Урданет исмли киши ўз машинасида кетаётиб, елкаси оша нимадир сирғалиб тушаётганини сезиб қолган. Бу узунлиги уч метрдан зиёд бўлган заҳарли илон экан. Ҳайдовчи эсанкираб, тез кетаётган машинанинг эшигини очгану, ўзини кўчага отган. Рулига илон чирмашиб олган машина эса йўлида давом этиб, светофор чироғига тўхтаб турган машинага бориб урилган. Зудлик билан чақирилган ўт ўчирувчилар командаси «қоидабузар»ни тўрт соатда зўрға машинадан чиқариб олишган.

НОЁБ САНИТАР

Японияниг Фукуоки шаҳридаги доктор Уоямга қарашли ветеринария клиникасида ноёб санитар хизмат қилади. У саккиз ёшда, хизмат ҳақига унга банан берилади. Бу Хозук исмли шимпанзедир. Врач бу маймунни қувноқ уй ҳайвони сифатида болаларига сотиб олган эди. Аммо ўз хўжайинини бир неча бор иш устида кузатиб турган маймун унга ёрдамлашишга аҳд қилди. Маймун врач кўрикдан ўтказаётганда ҳайвонларни ушлаб туришни яхшилаб ўрганиб олган. Доктор Уоям ўз «шогирди»нинг хизматидан ниҳоятда мамнун. «У оғриган ҳайвонларни жуда яхши тушунади ва улар билан тезда тил топиша олади», – дейди доктор Уоям.

ЭНГ...ЭНГ...

● Энг ёш ҳарбий бразилиялик Луис Альвеш де Лима бўлган. У ҳарбий хизматга 1808 йили 5 ёшлигида чақирилган.

● 1945 йилда Майк лақабли жўжанинг боши олиб ташланса-да, у яна 18 ой яшаб, энг чидамли жўжа «унвонига» сазовор бўлган.

● Юраги энг тез урадиган жонивор ерқазар бўлиб, бир дақиқада 1200 марта ураркан.

● Жина Луиза Калмент 1997 йил 4 августда 122 ёшу 164 кунлигида вафот этган энг қари аёлдир.

● Энг қайноқ сайёра – Венера. У ерда ҳарорат 480 даражага кўтариларкан.

● Ишдан 105 ёшида нафақага чиққан японияник Шигешио Изуми 98 йиллик меҳнат шартномасига эга экан.

Биласизми?

ҚЎҒИРЧОҒИМ – ОВУНЧОҒИМ

Умрнинг болалик дея аталувчи фасли ўзининг беғуборлиги, бетакрорлиги билан ажралиб туради. Шу сабабдан, у ширин дамларни қўмсамаган одам топилмаса керак, дунёда. Афсуски, дунёвий ташвишлардан нисбатан холи бўлган болалик бир зумда «кўча чангитиб» ўтади, кетади.

Маълумки, ҳар бир инсон ёшлигида турли хил ўйинчоқлар, қўғирчоқлар ўйнаб овунади... Зеро, ана шу ўйинчоқлар илк бор уларнинг ёш онгига ҳаёт тушунчасини олиб киради. Боладаги фикрлаш, дунёқарашнинг илк шакллари ўйинноқлар орқали ривожланади. Қолаверса, бола руҳиятида аста-секин теварак-атрофдаги воқеаларга муносабат шаклланиб, ўйинчоқлар, қўғирчоқлар орқали у ўз ифодасини топади. Шу сабабдан биз боланинг, айниқса, қизчаларнинг энг яхши овунчоғи бўлган қўғирчоқлар тарихи ҳақида тўхталиб ўтишни лозим топдик.

«Қўғирчоқ» сўзи 1750 йилдан бошлаб ижтимоий ҳаётда кенг қўлланила бошланган. Қўғирчоқларнинг пайдо бўлиши тарихи ҳақида аниқ маълумот бўлмасада, у жуда қадимий, тахминан 3000 йилдан ортиқ тарихга эга ўйинчоқ эканлигини манбалардан билиб олса бўлади. Қўғирчоқ ҳар бир мамлакатда турлича номланиб келинган. Масалан, Америкада «қўғирчоқ», «чақалоқ» ёки «кичик қизча» деб аталган. Дарвоқе, «Қўғирчоқларнинг деярли барчаси қиз ёки аёлга ўхшатиб ясалишининг сабаби нимада?» деган савол туғилиши ҳам мумкин. Маълум бўлишича, ҳиндларнинг қадимги санскрит тилида «қўғирчоқ» сўзи – кичик она деган маънони англатган. Шу сабабли ҳам қўғирчоқларда кўпроқ қиз ёки аёл рамзи акс этиб келган.

Гарчи биринчи қўғирчоқни ким ясаганлиги ҳақида тарих гувоҳлик бермасада, ибтидоий жамоа тузумида одамларнинг инсон танасини эслатувчи тош ёки ёғоч бўлагини топиши қўғирчоқнинг юзага келишига сабаб бўлган, деган тахминлар бор. Худди ўша пайтларда қўғирчоқни бола тугул, бошқалар ҳам қўлга олиши мумкин бўлмаган. Чунки маъбудага қиёс қилинган бундай қўғирчоқлардан жоду кучи бор, дея ҳайиқишган. Ҳатто баъзи қабилалар ёғочдан қилинган қўғирчоқларга «ёвуз элф» (мифэлф – одамчалар) деб қарашган.

Энг қадимий қўғирчоқлар «Падл» (эшкак) дея аталиб, бундан 3000 йил муқаддам мисрликлар томонидан ясалган. Ҳозирда ҳам Лондондаги музейда бундай қўғирчоқлар намунаси сақланмоқда. «Падл» деб ном берилишига сабаб, қайиқ учун ясалган эшкакни йўниб, одам шаклига ўхшатиб ишлов берилиб, бўялган. Қизиғи шундаки, қадимги Мисрда сартарош, қизиқчи, ошпаз, актёр ва мусиқачи қазо қилса, уларни бир қанча қўғирчоқлар билан кўмиш расм бўлган. Гўёки, нариги дунёда марҳумнинг руҳи безовталаниб, ёлғизланиб қолмаслиги учун...

Археологик қазишмалар чоғида қадимги Грек, Рим мақбараларидан қўғирчоққа ўхшаган турлича шакллар топилган. Аниқланишича, бу шакллар ёғоч ёки лойдан ясалган экан. Тарихнинг гувоҳлик беришича, грекларнинг, римликларнинг энг қадимий қўғирчоқлари лойдан ясалиб, аёл шаклида бўлган. Чунки қадимдан грециялик ёки римлик қизлар турмушга чиққунларига қадар қўғирчоқ ўйнашган. Турмушга чиқаётган қизлар эса балоғатга етмаган қизларга ўз қўғирчоқларини қолдириб кетиши одат бўлган. Турмуш қураётган грек қизлари ўз қўғирчоқларини «Артемис» меҳробида (христиан черковининг ибодат қилинадиган жойи) қолдириши лозим бўлса, римлик қизлар «Диана» маъбудасининг меҳробида қолдириши шарт бўлган.

И. ҚУРБОНОВ.
(Давоми бор).

УХЛАТМАЙДИГАН АВТОМОБИЛЬ

Машина рулида ухлаб қолган ҳайдовчи қандай фалокатга дучор бўлишини ҳар қандай одам ҳам кўз олдига келтира олади. Ҳайдовчини ухлатмайдиган автомобилга эҳтиёж ана шундай фалокатлар туфайли юзага келган бўлиши табиий. Японияда яратилган ўта замонавий енгил автомобиль ана шундай халоскорлик хусусиятига эга.

Янги автомобиль конструкторлари бир талай қулайликлар қатори, машинада ҳайдовчининг уйқусини қочирадиган алоҳида тизимни ҳам назарда тутишган.Бу автомобилни ҳайдаб кетаётган ҳайдовчини уйқу боса бошласа, машина рулидаги махсус мосламалар унинг қўл ҳаракати ва ҳолатидан келиб чиқиб, уйғотувчи сигнал бера бошлайди. Агар бу товуш ҳам ҳайдовчини ҳушёр торттирмаса, ўриндиқ ҳайдовчини силкита бошлайди. Шунда ҳам ҳайдовчининг уйқуси қочмаса, электронли тизилма автоматик тарзда газни пасайтириб юборади, тормозни ишга солади ва машинани тўхтатиб қўяди, деб ёзади «Ауто-ревю» журнали.

ҲАР ТЎҒРИДА БИР ШИНГИЛ

Бир умр бўйдоқ яшаган президент – Жеймс Бьюкенендир.

Франшияда Эйфель минорасидан ҳам баландроқ қилиб яратилган янги кўприк Американинг Колорадо штатидаги баландлиги 320 метрли қирол Жорж кўпригини ортда қолдирди. Унинг энг баланд нуқтаси айрим жойларда 340 метрдан ҳам ошади.

Европа Иттифоқида туғилиш даражаси пасаймаган ягона давлат ҳозирча – Франция.

Флорида штати қамоқхонасида жазо муддатини ўтаётган Стивен Уитсетт сайр пайтида қамоқхона ҳовлисига қўнган вертолётга миниб қочиб кетишга эришган экан.

Газета сўзи Италияда дастлаб майда мис чақага нисбатан ишлатилган. Худди шу мамлакатда XIV асрда илк газета чиққан бўлиб, у бир мис чақа қийматига эга бўлган.

Соғлом ва тўғри овқатланиш ҳақида кўплаб китоблар ёзган доктор Элис Чейс тўйиб овқат емасликдан вафот этган.

Житомирда истиқомат қиладиган Леонид Стадник сайёрамиздаги энг новча одам ҳисобланади. Унинг бўйи 2 метру 55 сантиметр. Қизиғи, у ҳамон ўсяпти.

Инсон организми бир йилда 519 литр сўлак ишлаб чиқараркан.

Нуқтаи назар

ЮРАККА ГАРД ҚЎНМАСИН

Пойтахт – мамлакатнинг юраги. Мамлакатимизнинг бош шаҳрига берилган ушбу таъриф Президент Ислом Каримовнинг қуйидаги сўзларида яққол балқиб турибди: «Мухтасар қилиб айтганда, юртимизнинг бош шаҳри бўлмиш Тошкент мамлакатимизнинг худдики уриб турган юраги ва шу ердан туриб бутун Ўзбекистонимизнинг томир уришини яққол сезиш мумкин». Дарҳақиқат, мамлакатнинг барча вилоят, шаҳар, туман, қишлоқ, овул ва маҳаллаларигача маънавият, маданият, маърифат айнан пойтахтдан тарқалади. Бу ерда халқнинг энг етук ақлий салоҳият вакиллари тўпланган. У илм-фан ва маданият, техника ва тиббиёт, иқтисодиёт ва ишлаб чиқаришнинг қайноқ марказидир. Барча тармоқлардаги бошқарувнинг олий идоралари пойтахтда жойлашган. Шундай экан, азим пойтахтимиз ҳар жиҳатдан гўзал ва обод бўлиши, бошқа барча ҳудудларга ўрнак кўрсатиши, ҳар ишда ундан андоза олиниши табиий ҳол.

Табиийки, бу ерда яшайдиган аҳолининг талаб ва эҳтиёжлари ҳам юқоридир. Юртбошимиз таъкидлаганларидек, ҳақиқатан ҳам, «Тошкент аҳлининг дунёқараши ва кайфияти кўп жиҳатдан эл-юртимизнинг руҳи ва кайфиятини мужассам этади». Шу боисдан ҳам, пойтахт аҳолисининг фаровонлиги, истиқболи, маданий-маиший шароитларни тобора яхшилаш муаммоларига Юртбошимизнинг халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашининг навбатдан ташқари сессиясидаги нутқида алоҳида урғу берилди.

Мустақиллик йилларида Тошкент қиёфаси тубдан янгиланди ва янгиланмоқда. Пойтахт бу қадар жиддий эътиборни, бунёдкорлик салоҳиятини, ташаббускорлик, ғайрат-шижоатни тарихда кўрган эмас. Қисқа муддатда вужудга келиб, халқ тасарруфига топширилган муҳташам янги бинолар, эски, кўримсиз, йиртиқ-ямоқ тўнини ечиб, таъмирдан навқирон йигитдек чиққан қадимий ва кўҳна иморатлар, Ватаннинг «қон томирлари» дея таърифланган кенг ва равон йўллар, бепоён ва улуғвор майдонлар, ям-яшил пурвиқор дарахтлари ҳамда анвойи гуллари билан кўзни қувонтирувчи, ҳаётбахш нафаси билан дилларга ҳузур бағишловчи боғу гулзорлар Истиқлол ижодкорлиги самараларидир.

Буюк мутафаккир Алишер Навоийнинг «Шаҳ дарёву халқ эрур анҳор, иккисининг суйига бир маза бор», деган сўзлари бугун ҳар қачонгидан кўра ибратлироқ. Давлатбоши бунёдкор, ободончиликка мойил бўлса, халқи ҳам бу фазилатлардан қувват олгай. Президент ўзидаги эзгу фазилатларни ҳар бир раҳбарда, наинки раҳбар, балки ҳар бир фуқарода, ёшларда кўришни жуда-жуда истайди ва бунга уларни қайта-қайта даъват этади: «Агарки ҳар қайси инсон, бу уй меники, бу шаҳар меники, бу юрт меники, у қандай обод бўлса, бу менинг бахтим ва бойлигим, деган фикр билан яшаса, биз ўз мақсад-муддаоларимизга шунчалик тезроқ етамиз, – дейди жонкуярлик билан у. – Мен айнан шундай ҳаётий фалсафа қонқонимизга, суяк-суягимизга кириб бориши, қалбимиздан чуқур жой топишининг тарафдориман ва барчангизни, бутун халқимизни шунга даъват этаман». Бу – ҳар бир фуқарода эгалик ҳиссини шакллантириш ғояси. Шунчаки эгалик ҳиссини эмас, балки маънавият ва маърифатли эгалик ҳиссини тарбиялаш ҳамда камол топтириш орзуси бу. Бундай эгалик ҳисси фақат ўз хусусий мулкига муносабатнигина акс эттирмайди. Ўз хусусий мулки билан бирга, бутун Ватанни севиш, унинг ҳар бир қарич ери, ҳар бир гиёҳи, ҳар заррасигача кўз қорачиғидек асраб-авайлаш туйғуларигина орзуланган натижани бериши мумкин. «Фуқаро», «фуқаровийлик» сўзларининг луғавий маънолари бу тушунчани ифодалашга ожизлик қилади. Ҳар бир фуқарода ёшлигидан «гражданлик» туйғуларини тарбиялаб, камолга етказиш зарур. Шундагина юксак фуқаровий онг кучайиши табиий. Юксак фуқаровий онгнинг танқислиги давлат сиёсатини амалга оширишга, қонун ва фармонларни ҳаётга мақсадга мувофиқ даражада татбиқ этишга ҳамиша раҳна солиб келади.

«Ўзбекистон деб аталган шу табаррук заминга эзгу ният билан бир ниҳол экмоқчи бўлсак, уни айнан шу бугун экишимиз керак», дейди Юртбошимиз. Мен бу қанотли иборадан илҳомланиб айтмоқчиманки, экилган ҳар бир ниҳол меҳр билан парвариш қилинмоғи ҳам лозим. Баъзан бу таомил унутиляпти. Ҳар йили пойтахт ҳудудига минглаб кўчатлар ўтқазилади. Лекин уларнинг ҳаммаси ҳам лоақал кўкариб, илдиз отиб кетгунича суғориб парваришланмайди. Мавсумий равишда ўтқазилади ва тақдир ҳукмида қолдирилади. Тутса, тутиб кетди, бўлмаса, қуриб қовжираб қолаверади. Ўтган йили Марказий универсал магазин орқасидаги автобекат ҳудудига ўнлаб бўйчан тераклар ўтқазилди. Ишга ўтиб-қайтаётиб, 3-4 метрлик бўйи билан парваришсиз ҳам кўкарганига ҳавасланиб қарар ва суғорилмаётгани, ҳаво исиб бораётгани сабабли қуриб-қовжираб қолишидан хавотир олардим.

Дарвоқе, шундай бўлди ҳам. Анҳор ёқаларига ўтқазилган қарағай ва терак дарахтлари кўчатлари ҳам шундай қисматга учради. Навниҳолликда завол топган бу дарахтлар ҳамон ўз жойида эътиборсизликка ҳайкал бўлиб турибди. Бу йил яна сон минг кўчат ўтқазилди. Ҳокимият томонидан маҳаллаларга даста-даста терак кўчатлари улашилди. Лекин ҳамон «менки», «ўзимники» деган эгалик туйғуси етишмаяпти. Унинг ўрнига эгасизлик, «мендан кетгунча...», хўжакўрсинчилик қарашлари ҳукм суряпти. Ахир, кўчатлар ҳам фарзанд каби парваришга муҳтож, ҳар бир дарахт мамлакат табиатининг «фуқароси», демакки, миллий бойлигимиз эмасми? Кўчатни ўтқазиб, ўз ҳолига ташлаб қўйиш, янги туғилган чақалоқни кўчага улоқтириш эмасми?!

Аксарият ҳолларда кўчатлар пала-партиш, дидсизлик билан ўтқазилади. Тасаввур қилинг, ҳокимиятдан маҳаллага 100-200 та кўчат берилди. Уни ким, қачон ва қандай ўтқазади? Марказдаги маҳаллаларда ҳашар ўтказиш анъанаси тикланмаяпти. Ташкилотчилик, сафарбарлик, ҳамжиҳатлик етишмайди. Оқибатда юзлаб теракларни ўтқазиш бир-икки одамнинг зиммасида қолиб кетади. Улар эса апил-тапил чала-ярим чуқурчалар қазишади, бир амаллаб илдизни тупроқ билан қоплашади, вассалом. Илдизи мустаҳкам ўрнатилмаган тераклар эса ўз гавдасини кўтаролмай, қийшайиб қолаверади. Чунки эгри ўсган дарахт шаҳар кўркини бузади, халақит беради. Охир-оқибатда қулаб тушади. Хўш, ўз ҳовлисига кўчат ўтқазганда, одам шундай иш тутадими? Йўқ. Аввал жой танлайди, астойдил чуқур қазийди, гўнг ва сув солади, кўчатни дид билан ўтқазади, сўнг доимий парвариш қилади.

Пойтахт сайилгоҳлари мамлакатимизнинг кўзгусидир. Таассуфки, бу ерда ҳам «соғлиқни сақлаш соҳасидаги умумий манзара», тозалик-озодалик, саранжом-саришталик кўнгилдагидек эмас. Эрталаблар соат 8-9 орасида фаррош опахонлар ҳалқа қуришиб, гурунглашиб, бамайлихотир сайилгоҳ майдонларини супуришади. Баҳор, ёз, куз ойлари бу пайтда одамлар ишга қатнаётган, ошпазлар қозонларга масаллиқ солаётган, узоқ-яқиндан келган баъзи меҳмонлар сайилгоҳ чойхоналарида нонушта қилаётган бўладилар. Кўтарилаётган чанг йўловчиларнинг уст-бошларига, қозонларга, дастурхонларга қўнади. Халқимиз, одатда, ўз маҳалласи, уйи атрофини йўловчилар кўчага чиқмасдан, саҳарлаб супуради. Сайилгоҳда ҳам бундай ишларни узоғи билан 7 гача саранжомлаш мумкин-ку. Узоқ-яқиндан келадиган фаррошларга битта «Отайўл» автобус ажратилса, олам гулистон.

Юртбошимизнинг «одамлар эркин нафас олиши, ҳордиқ чиқариши учун бунёд этилган оромгоҳларни ҳам бетон ва асфальт билан қоплаб ташлаш» одати ҳақидаги танқидий мулоҳазалари устида ҳали-ҳануз ишлаш керакка ўхшайди. Шаҳарда бетон ва асфальтдан фориғ қилиш мумкин бўлган майдонлар жуда кўп. Назаримизда, йўлак ва майдонлар эгаллаган ерлардан яшил табиат учун мумкин қадар иқтисод қилиш тамойилини шакллантириш лозим. Фақат одам эмас, ер ҳам нафас олиши керак-ку, ахир. Қанча кўп ер бетон ва асфальтдан халос бўлса, у шунча кўп кўкаламзорлашади, демакки, нафас олади. Натижада, сиз ва биз нафас оладиган ҳаво мусаффолашади.

Маҳаллаларда «амалий ишдан кўра, расмиятчилик, хўжакўрсин ишлар кўп»лиги жуда ўринли қайд этилган. Баъзи фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари ҳанузгача мустақил фаолият юрита олмайдилар. Давлат ўз ваколатларини уларга ишониб топшираётганлигини, нодавлат, жамоат ташкилоти сифатида ўзига хос тарзда фаолият кўрсатишлари лозимлигини англаб етмаяптилар ёки буни уддалай олмаяптилар. Улар фикрий боқимандалик руҳиятига ўрганиб қолганлар, маҳаллий ҳокимлик идораларининг бошқарувисиз иш юрита олмайдилар. Ҳокимият етовида юриш қулай кўринади, чамаси. Фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларини ҳушёрлик билан назорат қилмайди. Ўз тақдири қандай ҳал этилаётганлиги ҳақида қайғурмайди. Ваҳоланки, ушбу жамият давлат ваколатларини қабул қилиш ва тасарруф этишга тайёр бўлиши керак-ку?

Сессияда кўтарилган муаммолар пойтахт равнақи, ободончилиги, меъморчилиги Президент ва давлат сиёсатининг диққат марказида эканлигини яққол кўрсатиб турибди. Унинг хулосалари жонажон пойтахтимиз тарихий такомилида муҳим из қолдириши шубҳасиз. Зеро, азим пойтахт жаҳонга ва келгуси насларга ҳозиргидан кўра кўркам, обод ва гўзал ҳолатда жамол очажак.

Нусратулло ЖУМАХЎЖА,
филология фанлари доктори. Тошкент давлат юридик институти профессори.

ЧЕТВЕРОНОГИЙ ДРУГ ИЛИ ... ВРАГ?

ШКОЛА ВЫЖИВАНИЯ



Безусловно, собака является преданным другом человека. Отлично воспитанный и ухоженный пес не представляет никакой опасности для окружающих. Ну, а если по вине недобросовестного или агрессивного хозяина у него появились «пробелы» в воспитании, то возможно всякое... Исходя из этого, мы предлагаем рекомендации о том, как надо действовать в экстремальной ситуации, когда собака оказалась не вашим другом...

НА ВАС НАБРОСИЛАСЬ СОБАКА

1) Не пытайтесь бежать, повернитесь к собаке лицом, примите устойчивое положение, поднимите крик, зовите на помощь, потребуйте от хозяина собаки отозвать или нейтрализовать ее.

2) Приготовьте подручные средства защиты (сумка, раскрытый зонтик, палка, камень), крепко держите их перед собой. Если вблизи есть укрытие, медленно отступайте к нему спиной, не выпуская собаку из виду.

3) Постарайтесь встретить нападение ударом ноги, руки или отклонитесь в сторону, отбивайтесь подручными предметами, прикрывайте рукой лицо. Прислонитесь спиной к стене, забору, чтобы не упасть.

4) Оказавшись в безопасности или нейтрализовав собаку, вызовите с помощью соседей и прохожих милицию, постарайтесь вместе с ними задержать хозяина собаки или запомнить его приметы. Напишите заявление в отделение милиции для привлечения хозяина собаки к ответственности.

ЕСЛИ ВАС УЖЕ УКУСИЛИ

1) Не пытайтесь немедленно останавливать кровь (кровотечение способствует удалению слюны собаки из раны). Попытайтесь добраться до ближайшего дома и позвать людей на помощь. Если есть возможность, промойте рану чистой водой (из колодца, колонки, крана).

2) Несколько раз продезинфицируйте кожу вокруг укуса йодом, раствором марганцовки, одеколоном и т.п., наложите асептическую повязку. Постарайтесь немедленно добраться до ближайшего травмпункта или больницы во избежание заражения вирусом бешенства. Если вам известен хозяин собаки, сообщите его адрес врачу.

ЧТО НИКОГДА НЕ НУЖНО ДЕЛАТЬ:

– накладывать жгут на конечность выше места укуса (это нарушает кровообращение, способствует омертвлению тканей, накоплению продуктов распада);

– прижигать место укуса огнем, химическими веществами;

– разрезать ранку на месте укуса (это приведет к заражению раны, нарушению обмена веществ в пораженных тканях).

Юрий МИХАЙЛОВ,
подполковник в отставке.

Ҳарбий техника шарҳи

ЎЗАРО ШАРТНОМАГА МУВОФИҚ

Финляндиянинг ХА русумидаги ғилдиракли (6х6) сузувчи зирҳли автомашинаси (БТР) «Патрия виклз» компанияси томонидан ишлаб чиқарилади.

Суратда тасвирланган ХА-180 русумли БТРнинг асосий тактик-техник тавсифлари (санитар-эвакуация варианти): жанговар оғирлиги 15,5 т, узунлиги 7,35 м, эни 2,9 м, баландлиги 2,3 м, энг юқори ҳаракатланиш тезлиги шосседа 95 км/соат, сузганда – 10 км/соат, шоссе бўйлаб юриш захираси 800 км. PaSi XA-180 EST номини олган машина Эстония мудофаа вазирлиги билан тузилган шартномага мувофиқ ушбу мамлакатнинг қуруқликдаги қўшинларига етказиб берилади (жами 60 дона). Шартнома қиймати 112,6 миллион эстон кронасини (6 млн АҚШ доллари атрофида) ташкил этади. Бундан ташқари 68,3 млн. эстон кронаси миқдорида алоҳида шартнома тузилган бўлиб, унда ушбу машиналарни модернизациялаш кўзда тутилган.

Шартномага мувофиқ Эстония қўшинларига 12 мм.ли MG пулемёти ўрнатилган 51та БТР, иккита қўмондонлик-штаб ва тўртта санитар-эвакуация машиналари, шунингдек, учта алоқа машиналари (улар КВ-диапазондаги «Харрис-Фалкон» радиостанциялари билан жиҳозланган) етказиб берилади.

Барча ушбу техникаларни Эстониянинг қуруқликдаги қўшинлари томонидан 2007 йилнинг охиригача қабул қилиб олиниши режалаштирилган.

ИМКОНИЯТЛАРИ КЕНГ

Германия ҳарбий-денгиз кучларининг кўп мақсадли «Супер Си Линкс» Мк 88А вертолёти Британиянинг «Вестланд» фирмасида ишлаб чиқарилган «Линкс» Мк 8 вертолёти модификациясини ифодалайди. У турли русумдаги кемалардан жанговар ҳаракатлар олиб бориш учун мўлжалланган. Қурол ва борт жиҳозларига боғлиқ ҳолда ушбу машинадан разведка олиб бориш, кемаларга қарши кураш, радиоэлектрон қидирув, қутқариш ишларини олиб бориш, шунингдек, транспорт вазифаларини ҳал қилиш учун фойдаланилади.

Вертолётнинг асосий тавсифлари: экипаж икки кишидан иборат, максимал кўтарилиш оғирлиги 5125-5330 кг, қайиқларга қарши иккита торпеда билан жиҳозланган вариантда – 4618 кг, кемаларга қарши тўртта «Си Скьюа» ракеталари билан жиҳозланган вариантда –.4373 кг, разведка вариантида – 3708 кг. Ички ёқилғи баклари сиғими 975 л. Энг юқори тезлиги 230 км/соат, крейсерлик тезлиги 130 км/соат. Жанговар ҳаракатланиш радиуси 275 км. Узунлиги айланувчи винтлар билан 15,25 м, баландлиги 3,48 м. Двигателлари – ҳар бирининг қуввати 920 от кучига тенг бўлган иккита Роллс-Ройс «Джем» 42-200 турбовинт двигатели ёки қуввати 1120 от кучига тенг бўлган иккита «Джем» 42-1 двигатели.

ИККИ ХИЛ ВАРИАНТДА

Бразилиянинг енгил штурмчи ЕВМ-314 М «Супер тукано» самолёти (миллий ҳарбий ҳаво кучларида бир ўринли вариант А-29, икки ўринлиги эса АТ-29 номини олган) Т-29 ЕВМ-314 самолёти асосида яратилган.

Самолётнинг асосий тавсифлари: экипаж бир-икки кишидан иборат, максимал кўтарилиш оғирлиги 3600 кг (юксиз – 2420 кг), энг юқори учиш тезлиги 555 км/соат (6100 м баландликда), энг юқори кўтарилиш нуқтаси 10600 м, бошқа жойга учиб ўтиш узоқлиги (илма ёқилғи бакларисиз) 1600 км, тактик ҳаракатланиш радиуси 540-750 км (учиш вазифаларига қараб). Кучланиш қурилмаси – «Пратт энд Уитни» фирмаси Канада бўлимининг максимал тортиш кучи 1193 кВт бўлган PTGA-68-1 турбовинт двигатели. Қуроллари – қанот юзасига ўрнатилган иккита 12 мм.ли пулемёт (жанговар комплекти 200 та патрон), бешта илгич узелида (4 та қанотости ва 1 фюзеляж ости, максимал жанговар оғирлиги 560 кг) «ҳаво-ҳаво» русумидаги 20 мм.ли GIAT NC 621 тўплари, МАА-1 «Пиранья» ракеталари, турли бомбалар жойлаштирилиши мумкин. Самолёт ўлчамлари: узунлиги 11,42 м, баландлиги 3,9 м, қанот кўлами 11,14 м, қанот майдони 19,4 кв.м. Бразилия ҳарбий-ҳаво кучлари 1995 йилда 50 та бир ўринли А-29 ва 50 та икки ўринли АТ-29 штурмчи самолётларига, SIVAM дастури доирасида эса – яна 49 та бир ўринли ва 66 та икки ўринли самолётларга буюртма берган.

(«Зарубежное военное обозрение» журналидан олинган).

МЕЖДУНАРОДНАЯ ПАНОРАМА

Начался суд над Саддамом Хусейном

В Ираке начался судебный процесс над бывшим президентом страны Саддамом Хусейном. Всего Хусейну предъявлены обвинения по 13 эпизодам. В апреле 1980-го Хусейн приказал казнить главу иракских шиитов аятоллу Мухаммеда Бакра Садра. В сентябре того же года Саддам начал 8-летнюю войну с Ираном, которая унесла жизни 500 тысяч иракских солдат. В марте 1988 года по его приказу авиация сбросила бомбы на курдскую деревню Халабджа. 2 августа 1990-го армия Ирака вторглась в Кувейт и оккупировала его.

Испания потребовала выдачи танкистов

В ходе проведенного расследования выяснилось, что трое американских солдат находились в танке, из которого был произведен выстрел по багдадской гостинице «Palestine», где жили освещавшие военные действия репортеры. В результате выстрела погиб 37-летний Коусо, испанский тележурналист. Вместе с ним погиб оператор Reuters Тарас Процюк, еще трое получили ранения. Как пояснил испанский судья, американские власти не желают оказывать содействие расследованию.

Из-за урагана «Вилма» началась эвакуация

Во Флориде в связи с приближением урагана «Вилма» началась эвакуация людей. Максимальная скорость ветра в эпицентре урагана достигает 280 километров в час. Жертвами урагана «Вилма» на Гаити уже стали десять человек. Люди погибли в результате оползня, вызванного принесенными ураганом ливнями.

Расследуется дело о продаже детей

В Шанхае расследуется дело о продаже детей через Интернет, сообщает агентство AP со ссылкой на газету «China Daily». Согласно сообщению, мальчиков предлагалось приобретать за 28 тысяч юаней (3500–2800 долларов), а девочек – за 13 тысяч юаней (1600–1300 долларов).

«Рисовый террорист» приговорен

Так называемый «рисовый террорист» Ян Цзюмэн приговорен к семи с половиной годам тюремного заключения. 25-летний торговец курами обвинялся в том, что в течение двух лет он оставил 17 бомб возле правительственных зданий. К каждому взрывному устройству Ян прикреплял мешочек с рисом и письмо с требованием к правительству помочь сельскому хозяйству.

Опубликован список погибших

Согласно последним официальным данным, в результате нападения боевиков на Нальчик погибли десять мирных жителей, сообщила пресс-секретарь президента Кабардино-Балкарии Джамиля Хагарова. Накануне в республиканском минздраве сообщали об одиннадцати погибших гражданских лицах.

Стартует 49-й Лондонский кинофестиваль

В столице Великобритании стартует 49-й Лондонский кинофестиваль. В течение двух недель на фестивальных площадках города будет показано более 150 лент из различных стран мира, включая США, страны Европы, Азии, Ближнего Востока и Латинской Америки. По словам организаторов 49-го Лондонского кинофестиваля, в нем достаточно широко, по сравнению с прошлыми годами, представлены киноработы из стран СНГ и Балтии. Закрывать программу Лондонского кинофестиваля 3 ноября будет фильм американского актера и режиссера Джорджа Клуни «Спокойной ночи и удачи» («Good Night and Good Luck»), который повествует о временах «маккартизма» в США в 1950-е годы.

Лауреаты главной премии Японии в области искусства

В Токио объявлено о вручении Императорской премии 2005 года, главной премии Японии в области искусства, вручающейся ежегодно пяти деятелям мировой культуры за «образцовый вклад в развитие культуры и артистического творчества в мире». В этом году по 15 млн. иен (110 тыс. евро) получат хореограф Мерс Каннингем, пианистка Марта Аргерих, художник Роберт Райман, модельер Иссей Мияке и архитектор Йосио Танигучи. Премию вручит принц Японии Хитачи, сообщает «Коммерсант».

(По страницам Интернета).

A'LO ÕYINCHI
3
ТЕПЕРЬ ЕСТЬ ВЫБОР за 500 сум
ВАЗ – 2107
